

ISSN 2181-8738

# ВОДИЙНОМА

АПРЕЛЬ-ИЮНЬ  
2019 ЙИЛ  
№2 (13)



ГУЛДОР СОПОЛ ТУВАК.  
Андижон вилояти Ғайраттепа.  
Мил. ав. IV – I асрлар.

## МУНДАРИЖА

### «ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал  
2019 йил №2 (13)

**Муассис:** «Мерос» халқаро илмий-амалий  
экспедиция жамоат фонди

**Ҳамкорларимиз:** Андижон вилоят ҳокимлиги,  
Андижон давлат университети

**Бош муҳаррир:**

Рустамбек Шамсутдинов

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

Абдулла Шаропов

**Таҳрир ҳайъати:**

Абдулхамид Анорбоев – т.ф.д.

Азизбек Миркомиллов – Андижон вилояти  
ҳокимияти қотибияти мудири

Ақромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор

Бахтиёр Ҳасанов – т.ф.д., профессор

Геннадий Богданович – катта ўқитувчи

Жамшид Журазода – т.ф.д., профессор

Мамбет Койгелдиев – т.ф.д., академик

Мирсодиқ Исҳоқов – т.ф.д., профессор

Наим Каримов – ф.ф.д., академик

Нуриддин Холиқназаров – Андижон вилояти бош  
имом-хатиби

Нурмонжон Гафуров – т.ф.д., профессор

Ташманбет Кененсариев – т.ф.д., профессор

Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент

Элёрбек Холмирзаев – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи

АДУ БТ етакчиси

**Мусаҳҳих:**

Тулқин Сиддиқов

**Техник муҳаррир:**

Дилшодбек Хомидов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам  
билан рўйхатга олинган.

**Нашр индекси:** 170112

**Нашр учун масъул:** Р.Т.Шамсутдинов

**Таҳририят манзили:** 170100, Андижон шаҳри,  
Университет кўчаси, 129-уй.

**Телефон:** (99890) 253-26-32

**Факс:** (99874) 223-83-52.

**Почта:** vodiynoma@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ , Босма тобоғи: 13,5

Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 600 дона.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-  
мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос  
келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва  
рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф  
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет

«Akademnashr NMM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Akademnashr NMM» МЧЖ босмаҳонасида

чоп этилди. Тошкент шаҳри Чилонзор тумани

20<sup>а</sup>-мавзе 42-уй

### АНДИЖОН КЕЧА ВА БУГУН

**И.Зуфаров**

Бугунги Андижон бунёдкорлик ва ривожланиш йўлида .....2

### ҚАДИМГИ ДАВР

**А.Асқаров, Қ.Асқаров, Д.Тўхтасинов**

Учтепа Булоқмозор археологик ёдгорлиги ..... 11

### ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

**Б.Усмонов**

Навоийнинг андижонлик дўстлари ..... 14

### РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

**Ф.Исақова**

Россия империясининг Фарғона водийси қишлоқларидаги

аграр сиёсати масаласига доир ..... 18

**Р.М.Ахмедова**

Курорты в Туркестане в конце XIX – начале XX в. ....23

### МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ

**Т.Хамраева**

Учёная, наставница и просто женщина .....27

**М.Болтабоева**

Оилавий тадбиркорлик фаолиятининг янги босқичи .....29

### БУЮК ТАРИХИЙ ШАХСЛАР

**Ч.Субакожоева**

Великий манасчи Жусуп Мамай .....34

### ЭСДАЛИКЛАР, РИВОЯТЛАР ВА ЁЗИШМАЛАР

**Р.А.Арслонзода**

Бир суҳбат тарихи .....36

**М.Исҳоқов**

Армон бўлиб қолган бир суҳбатнинг кечиккан баёни .....41

Отрывки из воспоминаний Гаффура Хайдарова .....44

**М.Саидхонов, Э.Холмирзаев**

Тарихда тарихчининг ўрни .....48

### ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК

**Р.Шамсутдинов, Д.Хомидов**

Туркистон халқининг миллий қаҳрамони

Маҳмудхўжа Бехбудий Андижонда .....54

**М.Ақбарова, Ж.Иминов**

«Падаркуш» пьесасида роль ўйнаган Акбар Ўразалиевнинг тақдири .....59

**Т.Иминов**

Илмий мактаб асосчиси ..... 64

### ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН БУЮК ҒАЛАБАГА

### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ

**Н.Каримов**

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши. Уруш қурбонлари .....67

**Р.Шамсутдинов, Т.Сиддиқ, Д.Хомидов**

Андижон вилояти иккинчи жаҳон уруши йилларида .....76

Андижондан фронтга, фронтдан Андижонга .....89

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Ко-  
миссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартдаги №239/5-сонли қарори билан “Тарих” фанлари  
бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.



# БУГУНГИ АНДИЖОН

## БУНЁДКОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Бир неча асрлик тарихга эга бўлган, кўҳна ва ҳамиша навқирон Андижон истиқлол йилларида ҳар томонлама ривожланиб, мамлакатимизнинг энг обод гўшаларидан бирига айланди. Ана шу давр ичида бу ерда иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга ўнлаб йирик иншоотлар, йўллар, коммуникация тармоқлари барпо этилдики, буларнинг бари юртдошларимизнинг эмин-эркин, бахтли яшашлари учун қулай имкониятлар яратди. Бундай бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари бугунги кунда ҳам қизғин давом этмоқда. Аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, халқимизни ҳар томонлама тинч, фаровон ҳаётга эриштириш учун қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Янги уй-жойлар, ишлаб чиқариш корхоналари, маданий-маиший объектлар қишлоқ ва чекка ҳудудларда ҳам барпо этиляпти. Албатта, бундай тараққиёт ва ўзгаришлардан, биринчи навбатда, шу жойда яшовчи ҳамюртларимизнинг қувончи чексиз.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Юрт равнақи, шубҳасиз, кўнгиллар ободлиги самарасидир. Кўпни кўрган отахонлар айтмоқчи, юрти-

мизнинг барча гўшалари сингари Андижонни катта қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида аҳолини





уй-жой билан таъминлаш мақсадида замонавий лойиҳалар асосида барча қулайликларга эга шинам, энг муҳими, арзон кўп қаватли ҳамда намунавий уйлар барпо қилиниб фойдаланишга топширилмоқда. Биргина «Обод қишлоқ» дастури доирасида 2018 йилда вилоятда барча манбалар ҳисобидан 305 млрд сўм маблағ йўналтирилди. «Обод маҳалла» дастури доирасида эса Андижон ва Хонобод шаҳарларидаги 4 та маҳаллада қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бунинг учун 36,4 млрд сўм маблағ сарфланди. Яна бир жиҳат, янги иш ўринлари яратиш борасида қишлоққа саноат олиб кирилиб, чекка ҳудудларда ҳам замонавий корхоналар барпо этиляпти.

Инвестиция ҳудудларнинг комплекс ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Шу боис вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 18 – 19 май кунлари Андижон вилоятига қилган ташрифи

давомида тасдиқланган баёнларга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича қарорларига асосан 2018 – 2020 йилларда умумий қиймати 12,8 трлн сўмлик (шундан 3,3 трлн сўм банк кредити инвестициялари ўзлаштирилиши ҳисобига) 1013 та истиқболли лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида 36 мингта янги иш ўрни яратиш кўзда тутилганди. 2018 йили дастур доирасида улкан ишлар амалга оширилиб, қатор истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Эътироф этиш жоизки, хорижий инвестициялар бўйича давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 июлдаги қарорига асосан вилоятда 2018 – 2019 йилларда 36 та лойиҳа доирасида жами 136,9 млн АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилганди. Вилоятга ташриф буюрган ҳар бир инвесторга яратиб берилган шароитлар натижасида лойиҳалар сони 60 тага етказилди. Бу



билан 2018 – 2019 йилларда 192,2 млн АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестицияларни ўзлаштириш имконияти яратилди.

Шуни эътироф этиш жоизки, 2019 – 2020 йилларда умумий қиймати 10,8 трлн сўмлик инвестицияларни ўзлаштириш ҳисобига 580 та истиқболли лойиҳа амалга оширилади ва 23 минг 480 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Булар саноат йўналишида 8 трлн 696 млрд сўм бўлган 219 та лойиҳа, хизмат кўрсатишда қиймати 596,7 млрд сўмлик 186 та лойиҳа, қишлоқ хўжалигида умумий қиймати 1 трлн 599 млрд сўм бўлган 175 та лойиҳадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3630-сонли қарорига мувофиқ 2018 йилда «Обод қишлоқ» дастури доирасида жами 50 та маҳаллада қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, бунга **барча манбалар ҳисобидан 367,3 млрд сўм** маблағ йўналтирилди.

Ушбу маҳаллаларда 13 минг 889 та аҳоли уй-жойлари ҳамда 68 та кўп қаватли уйлар таъмирланди.

Шунингдек, дастур доирасида 99 км пиёдалар йўлаклари таъмирланди, 3 минг 956 дона

кўча чироқлари (тежамкор замонавий лампалар) ўрнатилди, 213 та ўта оғир шароитда яшайдиган (эҳтиёжманд) оилаларнинг уй-жойлари ҳашар (ҳомийлик) йўли билан таъмирланди ҳамда ушбу уй-жойларнинг 226 тасида иссиқхоналар ташкил этилди.

**Ичимлик суви** таъминотини яхшилаш мақсадида 248 км ичимлик суви тармоқлари тортилди, 17 та ерости қудуқлари қазилди, 24 тасини таъмирлаш, 30 та босимли сув миноралари ўрнатиш ишлари бажарилди. Натижада 17 мингдан зиёд аҳоли хонадонларида ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

**Электр таъминотини** яхшилаш мақсадида 390 км электр тармоқлари ва 280 та ТШлар реконструкция қилинди ва мукамал таъмирланди. Натижада 26 мингдан зиёд аҳоли хонадонларида электр таъминоти яхшиланди.

**Табиий газ** таъминотини яхшилаш мақсадида 46 км табиий газ тармоқлари таъмирланди ва 14 км тармоқ демонтаж қилинди. Аҳоли хонадонларига 7 минг 910 та маиший газ баллонлари етказиб берилди. Натижада 11 мингдан зиёд аҳоли хонадонларида табиий газ таъминоти яхшиланди.



Худудлардаги кўп қаватли уйлар ва қишлоқларда 841 та тозалов иншоотлари (оқова сув хандақлари) қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида 334 км йўл таъмирланди.

Шунингдек, дастур доирасида 50 та умумтаълим мактаблари, 27 та мактабгача таълим муассасалари, 15 та соғлиқни сақлаш муассасалари, 1 та маҳалла фуқаролар йиғини идораси ва 5 та бошқа объектлар таъмирланди.

Тадбиркорлар томонидан 244 та ҳаммом ва кичик бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.

Худудлардаги 178,5 минг нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. 248 та эҳтиёжманд фуқарога даволаниш учун имтиёзли йўлланмалар берилди. Мазкур худудларда 3 минг 255 та аҳоли бандлиги таъминланди.

**Мисол учун, вилоятнинг чекка ҳудуди – Улуғнор туманида 3 та МФЙлар (Шаҳриобод, Обод, Бобур) танлаб олиниб, 664 та уй-жой ҳамда 25 та кўп қаватли уй таъмирланди.**

Шунингдек, Улуғнор туманида 11,1 км ичимлик суви, 36,3 км электр тармоқлари таъмирланди. Аҳолига 110 та маиший газ баллонлари

етказиб берилди, 56 та тозалов иншоотларида (оқова сув хандақлари) қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди, 5,8 км йўл асфальтланди ва 12,6 км йўл шағалланди.

Бундан ташқари, тумандаги 4 та мактаб, 4 та мактабгача таълим муассасаси таъмирланди. Тадбиркорлар томонидан 8 та бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида Улуғнор туманида бажарилган ишлар учун 24,4 млрд сўм маблағ йўналтирилди.

2018 йилда «Обод маҳалла» дастури доирасида Андижон ва Хонобод шаҳарларидаги 4 та маҳаллада қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, бунга **барча манбалар ҳисобидан 48,5 млрд сўм** маблағ йўналтирилди.

«Обод маҳалла» дастури доирасида 157 та уй-жой, 30 та кўп қаватли уй, 5 км пиёдалар йўлакларини таъмирлаш ишлари бажарилди, 11 та болалар майдончаси қурилди. Ўта оғир шароитда яшайдиган (эҳтиёжманд) 20 та оила хонадонларини ҳашар (ҳомийлик) йўли билан таъмирлаш ишлари бажарилди.

**Ичимлик суви** таъминотини яхшилаш мақсадида 24 км тармоқ реконструкция қилинди





ва таъмирланди. Натижада 20 мингдан зиёд аҳоли хонадонларида ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

**Электр энергияси** таъминотини яхшилаш мақсадида 14 км тармоқ ва 7 та ТПлар реконструкция қилинди ва мукамал таъмирланди. Натижада 2 мингдан зиёд аҳоли хонадонларида электр таъминоти яхшиланди.

4 км табиий газ тармоғини таъмирлаш ишлари бажарилди. Натижада 1,7 мингдан зиёд аҳоли хонадонларида табиий газ таъминоти яхшиланди.

«Обод маҳалла» дастури бўйича 20 км узунликдаги **йўллар** таъмирланди.

Белгиланган 16 та ижтимоий соҳа объектлари реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Жумладан, 4 та умумтаълим мактаби, 3 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 4 та маҳалла фуқаролар йиғини идораси ва 3 та спорт иншоотида қурилиш ишлари яқунланиб, объектлар фойдаланишга топширилди.

Танлаб олинган маҳаллаларда 25 та бозор инфратузилмаси объектлари ва сервис шохобчалари, жумладан, ҳаммом ва савдо мажмуалари барпо этилди.

**2019 йилда «Обод қишлоқ» дастури доирасида вилоятдаги 42 та маҳалла танлаб олинган.**

Ушбу МФЙларда 16369 та яқка тартибдаги аҳоли хонадонлари ҳамда 35 та қўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш, 462 км ички йўлларни яхшилаш, 202 км ичимлик суви тармоқлари тортиш, 14 та сув иншооти қуриш, 168 км электр тармоқлари тортиш ва таъмирлаш, 153 та трансформаторни алмаштириш ва таъмирлаш, 47 км табиий газ тармоқларини жорий таъмирлаш, 3570 дона суюлтирилган газ баллони етказиб бериш, 55 та ижтимоий соҳа объектларида (14 боғча, 35 та мактаб, 5 та соғлиқни сақлаш, 1 та бошқа соҳа объектлари) реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш, 158 та бозор инфратузилма объектларини қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган.

Натижада 15 мингдан зиёд аҳоли хонадонларида ичимлик суви таъминоти, 9,5 мингдан зиёд аҳоли хонадонларида табиий газ таъминоти, 20 мингдан зиёд аҳоли хонадонларида электр таъминоти яхшиланади.

Ушбу ишлар давомида вилоят бўйича **жами 282 млрд 783 млн сўм** маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган. Айни пайтда «Обод қишлоқ» дастури доирасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Яна бир жиҳат, бугунги кунда Марҳамат туманини улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Бу ерда «Обод туман» дастурига асосан жуда катта қурилиш, бунёдкорлик,





ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Асака ва Марҳамат туманини ажратиб турувчи Шаҳрихонсойдан бошлаб Марҳамат томон қараб юрсангиз қизгин ишларнинг гувоҳи бўласиз.

Муҳтарам Президентимиз шу йил 16 – 17 май кунлари Андижонга қилган ташрифи чоғида вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари билан яқиндан танишди. Шунингдек, тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар ва инвесторлар томонидан янги истиқболли лойиҳалар тақдироти ўтказилди. Яқин қисқа даврда вилоятда 25,1 трлн сўмлик 908 та янги лойиҳа амалга оширилади. Энг муҳими, 40 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

**2019 йилда «Обод маҳалла» дастури доирасида Андижон ва Хонобод шаҳарларидаги 6 та маҳалла танлаб олинган.**

Ушбу МФЙларда 324 та яқка тартибдаги аҳоли хонадонлари ҳамда 77 та кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш, 48,3 км ички йўллари яхшилаш, 36 км ичимлик суви тармоқлари тортиш, 7,8 км электр тармоқлари тортиш ва таъмирлаш, 3 та трансформаторни алмаштириш ва таъмирлаш, 0,5 км табиий газ тармоқларини қуриш ва таъмирлаш, 10 та ижтимоий соҳа объектларида (5 та бозча, 3 та мактаб, 2 та соғлиқни сақлаш муассасаси) қурилиш, таъмирлаш ишларини амалга ошириш, 8 та бозор инфратузилма объектларини қуриш ва таъмир-

лаш ишлари бажарилиши режалаштирилган.

Натижада 3,1 мингдан зиёд аҳоли хонадонларида ичимлик суви таъминоти, мингдан зиёд аҳоли хонадонларида табиий газ таъминоти, 2,7 мингдан зиёд аҳоли хонадонларида электр таъминоти яхшиланади.

Ушбу ишларга 84,2 млрд сўм (республика бюджетидан 41,9 млрд сўм, маҳаллий бюджетдан 13,9 млрд сўм, ўз маблағи, тармоқ корхоналари, банк кредити ва бошқа манбалар ҳисобидан 28,4 млрд сўм) маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

2018 йилда **жами 3439 та** хонадондан иборат арзон ва тижорат уйлари қуриб фойдаланишга топширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 январдаги ПҚ-3480-сонли қарорига асосан 2018 йилда шаҳар ва туманлардаги 68 та массивда 1720 та арзон уйлар (28 та 590 хонадондан иборат 2, 3 ва 5 қаватли уйлар, 1040 та 2 сотихли 3 хонали уйлар, 90 та 4 сотихли 4 хонали уйлар) фойдаланишга топширилди.

*Шундан уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилалар учун 1205 та, ҳудудий раҳбарлар учун 90 та хизмат уйлари, ички ишлар органлари ходимлари учун 90 та, профилактика инспекторлари учун 130 та, миллий гвардия ходимлари учун 36 та, фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари учун 36 та, ҳарбий хизматчилар учун 108 та, ёш оилалар учун 25 та уй-жой қурилди.*



Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган кам таъминланган оилалар учун **жами 459 та (шундан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 сентябрдаги 764-сон қарорига мувофиқ 326 та)** уйлар топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги ПҚ-3350-сонли қарорига мувофиқ 2018 йилда **Андижон шаҳрида 14 та 7 қаватли уй-жой** қурилиши режалаштирилган бўлиб, белгиланган муддатда фойдаланишга топширилди. Натижада 588 та уй-жойга муҳтож фуқаро уй билан таъминланди. Шунингдек, Андижон шаҳрида **тижорат банклари томонидан 13 та 5 қаватли 585 та хонадондан** иборат уйлар қуриб фойдаланишга топширилди.

Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан Андижон шаҳар Пушкин кўчасидаги эски умумий ҳовли ва барак типдаги уйлардан кўчирилаётган хонадонлар учун **Хўжабод тумани Хидирша қишлоғидан** Андижон шаҳри учун 54 гектар **ер майдони** ажратилиб, ушбу ҳудуд «Мустақиллик 27 йиллиги» деб номланди.

Мазкур ҳудудда яшовчи аҳолига 1000 та уй-жой қурилиши режалаштирилиб (дастурдан ташқари), арзонлаштирилган намунавий ло-

йиҳалар асосида **биринчи босқичда жами 220 донга** 2 сотихли уй-жой қуриб фойдаланишга топширилди. **Иккинчи босқичда** ушбу массивда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида Мотамсаро она майдони, 400 ишчи ўринли тикув ва тўқув фабрикаси, маданият маркази, миллий ҳаммом, минимаркет, кимёвий тозалаш маскани, гўзаллик салони ҳамда бошқа турдаги савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши яқунланди. Шунингдек, 630 ўринли мактаб, 140 ўринли мактабгача таълим муассасида қурилиш ишлари олиб борилди.

2019 йилда **жами 9312 та** хонадонли арзон ва тижорат уйлари қуриб фойдаланишга топширилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарорига мувофиқ 2019 йилда вилоятнинг қишлоқ массивларида 1610 та (шундан 1 қаватли 3 хонали 224 хонадонли (2 сотих), 56 та 4 қаватли 1386 хонадонли) арзон уй-жой қурилиши белгиланган.

Шунингдек, 2019 йилда Андижон шаҳрида 14 та 7 қаватли уй-жой қурилиши белгиланган бў-



либ, ҳозирда барча объектларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Натижада 664 та уй-жойга муҳтож фуқаро уй билан таъминланади. Шу билан бирга, Андижон шаҳар Пушкин кўчасидаги эски умумий ҳовли ва барак типидagi уйлардан кўчирилаётган хонадонлар учун Хўжаобод тумани «Мустақиллик 27 йиллиги» маҳалласида янги уй-жойлар қурилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида давлат мулкани хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш вазифаси белгилаб берилган. Шу боис тадбиркорлик субъектлари давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, уларга турли имтиёзлар ҳамда молиявий кўмак берилаётганлиги туфайли ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш турлари кўпайиши билан бирга доимий иш ўринлари яратилмоқда.

Вилоятнинг Хўжаобод туманида ҳам қатор лойиҳалар амалга ошириляпти. Тумандаги «Само» бренди асосида трикотааж маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган корхона ҳар йили янги-янги лойиҳаларни амалга оширмоқда. 1996 йили дастлаб 5 нафар ишчи-ходим иш бошлаган корхонада 2016 йилга келиб маҳсулот сотишдан тушган маблағ 14 млрд 175 млн сўмни ташкил қилди ёки 2 млн 601 минг долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинди. 2018 йил якунига кўра, 5 млн 100 минг долларлик маҳсулот Америка Қўшма Штатлари, Европа ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бозорларига етказиб берилди. Бу кўрсаткич 2019 йилда янада ортади.

Корxonанинг бундай муваффақиятларга эришишида давлатимиз томонидан ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлар, бозор конъюнктурасининг пухта ўзлаштирилаётганлиги, изланувчан, ташаббускор ёшларнинг ишлаб чиқаришга кенг жалб этилиши асосий омил бўляпти. Корхона жамоаси ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида тумандаги бўш турган собиқ

консерва заводи ўрнида тўқув ва бўяш фабрикасини барпо этди. Натижада корxonанинг умумий ишчи-хизматчилари сони мингдан ортиб кетди. Бу ерда Хўжаобод туманига қўшни бўлган Булоқбоши ва Жалақудуқдаги ёшлар ҳам доимий иш эгаси бўлди. Бўяш цехида туркиялик ҳамкорлар билан Италия технологияси асосида иш олиб бориляпти. Мазкур цехнинг бош иш юритувчиси Али Кураининг айтишича, бўяш фабрикаси Италия ва Туркия технологияси асосида иш олиб боради. Замонавий технология юқори унум билан ишлайди. Кунига 15 тонна мато бўялади. Шунингдек, бир кунда 6 тонна матога гул босилади. Сифати жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб беради. Ўзбек ва турк халқи қардош, оға-ини, дўст ва ёр-биродар. Айниқса, ўзбек ёшларига чексиз ҳаваси келади. Чунки улар ғайратли, шижоатли ва ташаббускор. Ўз иши ва вазифасини сидқидилдан бажаради.

Муҳтарам Президентимиз томонидан «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилинган 2019 йилда вилоятда бундай улкан режаларни амалга ошириш давом эттириляпти. Кўплаб истиқболли лойиҳаларнинг аксарияти қишлоқ ва чекка ҳудудларда ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Андижон туманидаги Жевачи қишлоғида шприц ишлаб чиқариладиган корхона бунёд қилинди. Ушбу корхона мамлакатимиздаги тўртинчи шундай корхона ҳисобланади. Энг муҳими, қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди. «Макрофарм Андижон» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо қилинган мазкур замонавий корхонага 9 млн доллар маблағ сарфланди. 5 млн доллар банк кредити бўлса, 4 млн доллар тадбиркор томонидан жалб қилинди. Корхона технологи Акмалжон Қодировнинг таъкидлашича, корхона ишчи-хизматчилари маҳаллий ёшлардан иборат. Мазкур ишлаб чиқариш қуввати қишлоқда жойлашганлиги боис, асосан, шу ерлик ёшлар доимий иш билан таъминланди. Хитой технологияси асосида ишлайдиган корxonанинг асбоб-ускуналарини ёшлар тезда ўзлаштириб олдилар. Ҳозирда ўзлари иш юритмоқдалар. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон стандартларига тўла жавоб беради.



Давлатимиз томонидан аҳолининг яхши яшаш учун қулайликлар яратиш, барча турдаги хизмат кўрсатиш соҳаларини тубдан замонавийлаштириш, кўрсатилаётган хизматларни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, пировардида халқ фаровонлигини ошириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Шахсан Президентимиз ташаббуси билан биргина соғлиқни сақлаш соҳасида изчиллик билан олиб борилган ислохотлар туфайли қатор ўзгаришлар рўй берди. Ҳатто чекка ҳудудларда ҳам марказлардагидек замонавий тиббий диагностик ва даволаш муассасалари барпо этилди. Бундай даволаш масканлари пайдо бўлишига сабаб, биринчи навбатда, тадбиркорларга кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилганлигидир. Ўтган йили Қўрғонтепа туманидаги «Соғлом авлод» даволаш муассасаси ҳам тадбиркорнинг саъй-ҳаракати туфайли бунёд этилди. Қишлоқ аҳолисининг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида қатор шароитлар яратилди. Давлатимиз раҳбари фуқароларимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат маданиятини янада ошириш, соғлиқни сақлаш муассасаларида замон талабига мос шароитлар яратиш, тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратган. Шу боис мазкур даволаш муассасасида турли замонавий тиббий жиҳозлар келтирилиб хизмат кўрсатилмоқда. Керакли муолажаларни амалга ошириш учун етарли шарт-шароитлар яратилапти.

Маълумки, Андижон шаҳрида XIX аср охирларига тааллуқли меъморий обидалар жамланмаси мавжуд. Булар Маҳмуд Алибой томонидан қурилган масжид, мадраса ва минорадир. У

олиб борилган қурилиш ва реконструкция ишлари натижасида янгича кўринишга эга бўлди. 1885 йили битказилган меъморий мажмуадаги ранг-баранг безаклар ҳали ҳам ўз гўзаллигини йўқотмаган. Узоқ йиллар таъмирталаб бўлган 82 зинали минора яна бўй кўрсатиб атрофга мағрур боқиб турибди.

«Андижон Регистони» дея номланаётган Жомеъ мажмуаси фусункор бўлиб, кишини ўзига ром этади. Мажмуада намозгоҳ, Адабиёт ва санъат музейи, Баланд минора жойлашган. Эндиликда бу ерда миллий ҳунармандларнинг доимий кўргазмаси ташкил қилинди. Эътиборли жиҳати, ҳунармандларнинг устахонаси ҳам шу жойнинг ўзида. Миллий ҳунармандчилигимизнинг турли йўналишларида ижод қилаётган усталар мажмуада маҳсулотларининг савдосини ҳам йўлга қўйдилар. Бу эса юртимизга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар эътиборини тортади, албатта. Ўз навбатида, мажмуадаги тарихий ёдгорликлар билан ҳам яқиндан танишадилар.

Шуни эътироф этиш жоизки, тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларнинг давлатимиз томонидан реконструкция қилиниши натижасида ички туризм ҳам ривожланиб борапти. Хорижий сайёҳларнинг сони ортиши билан бирга ҳамюртларимиз ҳам жаннатмонанд диёримизнинг қадимий қадамжоларини зиёрат қилмоқдалар. Хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти янада юксалиб борапти.

**Иброҳимжон ЗУФАРОВ,**

*Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Андижон вилояти бўйича махсус муҳбири*



# УЧТЕПА БУЛОҚМОЗОР АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИГИ

Ўзбекистон ҳудуди дунё туристларини ўзига жалб этадиган ноёб ёдгорликларга бой. Ўз қаърида бир неча минг йиллик тарих ва маданий меросни сақлаб келаётган археологик ёдгорликлар ва муқаддас қадамжолар бисёр. Бу ўлкада ўтмишда жаҳон илмий ва маданий хазинасига улкан ҳисса қўшган олиму фузалолар кўп бўлган. Улар дафн этилган масканлар халқимиз томонидан эъзозланиб, муқаддас қадамжоларга айлантирилган. Халқ орасида уларга ҳурмат ва эътибор кучли, ҳатто атеистик советлар даврида ҳам улар унутилган эмас. Улар археологик объектлар, меъморий мажмуалар, мақбара ва авлиёлар қабри, масжид ва мадрасалар сифатида турли ҳолатда бизгача етиб келган. Уларнинг аксарияти булоқ, сув ва дарё соҳилларида, кўкаламзор тоғ ёнбағирларида, овлоқ манзилларда қад кўтарган.


Ана шулардан бири ислом оламидаги буюк хизматлари учун ҳадис илми султони сифатида қадрланадиган Имом ал-Бухорийга бағишланган мажмуадир. Мустақиллик йилларида Самарқанд вилояти Лойиқ қишлоғида унга атаб яратилган меъморий мажмуа мусулмон мамлакатларида «кичик ҳаж» сифатида талқин қилинади. Шу боис Осиё қитъасининг мусулмон давлатларидан ҳаж сафарига отланган зиёратчиларнинг бухорийлар юрти – Ўзбекистон орқали Макка сафарига бориши ғояси кўтарилган. Ҳисоб-китобларга кўра, бу масала амалга оширилар экан, ҳар йили 3,5 миллиондан кам бўлмаган ҳожилар Маккаю муқаррамага Ўзбекистон орқали бориши режалаштирилмоқда. Ҳозирги кунда «Ўзбекистон 3,5 миллион мусулмон зиёратчиларни бир вақтнинг ўзида қабул қилиш ва уларни Маккага узатиш имкониятига эгами?» деган масала кўтарилган. Шу боис Президентимиз Ш.М.Мирзиёев мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти ҳокимига ўз ҳудудий доирасида камида 3-4 тадан зиёрат-





чини қабул қилиш, уларга замон талаблари асосида шарт-шароитлар яратиш (замон талаби асосида жиҳозланган масжид, савдо-сотиқ дўконлари, ошхона ва кафе, диний ва дунёвий китоб дўконлари, енгил транспорт ва туристик автобус тураргоҳлари, кутубхона, шинам меҳмонхоналар, зиёратгоҳ масканлари, сўлим дам олиш оромгоҳлари, яъни замон талаби асосидаги сервис ташкил этиш) вазифасини юклаган. Ҳатто Президентнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси асосида «Муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган «кичик ҳаж» сафари»ни ташкил этиш ҳақида махсус давлат дастури ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистонда Бухоро, Самарқанд ва Хива каби тарихий шаҳарлардан ташқари яна юзлаб археологик объектларни халқаро туризм масканларига айлантириш истиқболи мавжуд.

Бу масалада 17 аср Фарғона водийсининг пойтахт шаҳри бўлиб келган Ахсикент археологик ёдгорлиги мисолида Наманган вилояти ташаббускор бўлиб, республика бюджетига валюта киритиш йўлини очиб берди. Вилоятнинг Норин тумани Учтепа Булоқмозор атрофида 2 та археологик ёдгорлик мажмуаси борлиги аниқланиб, уларнинг бирида кенг кўламли археологик изланишлар бошланиб кетди. Қа-



зишмалар бошланган дастлабки декадаларда Учтепа қишлоғи бундан 2 – 2,5 минг йил аввал Учтепа Булоқмозор атрофида қад кўтарган тепалар асосида таркиб топганлиги аниқланди.

Қазишма олиб борилаётган тепалик, археологик топилмаларга кўра, аслида, антик ва илк ўрта асрларга тегишли қадимги катта шаҳар бўлган. Унинг асосий қисми собиқ совет даврида текисланиб, экинзорларга ўғит, атроф аҳолига томорқа ер участкаси қилиб бериб юборилган. Бизгача сақланган тепачаси 70x80 метр бўлиб, унинг баландлиги ер сатҳидан 6 метрдан кам эмас. Қазишма жараёнида очилган меъморий қурилма қолдиқлари ва топилмалар таркиби бу тепача қадимги шаҳар аҳолисининг қуёшга сиғинадиган муқаддас ибодатхонаси бўлганлигига ишора қилади. Қазишма жараёнида оташпараст мубодларга (қоҳинларга) тегишли қора серпентин тошидан ясалган учи учли ўқсимон илоҳий предмет, тош санамлар, дафна барги шаклидаги тош пичоқ, жимжимадор нақшли терракота урчуқтошлар, майда тошлардан ясалган қатор тош қурилмалар, муқаддас оловхона – алтар ўчоқчалар ҳамда кулолчилик чар-





хида ясалган турфа хил сопол идиш парчалари топилди. Булар хамир учидан патир.

Қазишмалар кенг кўламда давом этмоқда. Археологик қазишмалар яқунлангач, ҳар иккала тепа меъморий мажмуаси устини ойнали қурилма билан ёпиб, келгусида уларни халқаро туризм объектига айлантириш режалаштирилган. Топилмалар эса қурилма ичида махсус музей кўргазма стендларига жойлаштирилиб, очиқ осмон остидаги музейга айлантирилиши кўзда тутилган.

Археологик ёдгорликлар Учтепа Булоқмозор мажмуасининг бир бўлаги бўлиб, мажмуа таркибида асосий объектлардан бири сифатида миллион йиллик тарихга эга катта ҳажмдаги шифобахш тоза сувли қайнар булоғи бор.

Булоқнинг шарқ томонида дарахтзор, сўлим оромгоҳ жойлашган. Оромгоҳ обод қилиниб, муқаддас булоқнинг кўзини очиб, тартибга солинса, булоқ сувини қадоқлаб, жойни қайта реконструкция қилиб, туман бюджетига даромад келтирувчи объектга айлантириш; шунингдек, булоқ сувини сувсизликдан қақшаб ётган Учтепа қишлоғи орқали оқизиб қишлоқ аҳолисининг ҳеч бўлмаганда бир қисмини сув билан таъминлаш; Булоқмозор микрокомплекс

си доирасида тадбиркорлар ташаббуси билан китоб ва газета-журнал дўконлари, замонавий ости ошхона, усти меҳмонхонали бинолар барпо этиш, турли тижорат дўконлари, маданий марказ ва кутубхона ташкил этиш; жамоатчилик ҳожатхонаси, сартарошхона, енгил автотураргоҳ ва бошқалар ташкил этиш; Учтепа Булоқмозор комплекси доирасидаги қишлоқ қабристонини қишлоқ аҳолиси ташаббуси билан диний ва замон талаблари асосидаги қабристонга айлантириш; ўз даврида қабристонни кесиб ўтган магистрал йўлнинг жанубий чегараси бўйлаб ҳар бири 30 квадрат метрдан кам бўлмаган 30 та тижорат дўкони (икки этажли) барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, туман ҳокимияти бу ишларга бош-қош бўлса, туман бюджетига катта даромад келтирилиши табиий.

Экспедиция илмий раҳбари:

**академик Аҳмадали Асқаров**

Отряд раҳбари:

**НамДУ доценти Қаҳрамон Асқаров**

Отряд аъзоси:

**ТДПУ магистранти Дилшод Тўхтасинов**

**2019 йил 21 май**



# НАВОИЙНИНГ АНДИЖОНЛИК ДЎСТЛАРИ

Б.Усмонов, ФарДУ, т.ф.н., доцент

Марказлашган давлатнинг ташкил топиши, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалигининг тараққий этиши, ички ва ташқи савдонинг ривож топиши ҳамда ҳукмдорлар томонидан берилган катта эътибор Темурийлар давлатида маданий ҳаётнинг гуллаб-яшнашига олиб келди. Йирик маданий марказлар билан вилоятлар марказлари ўртасидаги маданий алоқалар кенгайиб борди. Бу эса катта салтанатнинг узоқ чекка вилоятлари маданий ҳаётида ҳам ижобий силжишларни юзага келтирди.

Темурийлар салтанати маданий ҳаёти ютуқларида таълим тизимининг ҳам муҳим ўрни бор. Аввало, ушбу таълим тизимининг Фарғона вилоятидаги ҳолати масаласида сўз юритсак. Афсуски, тарихий манбаларда ўрганилаётган даврдаги Фарғонанинг мактаб ва мадрасалари ҳақида маълумотлар жуда кам.

Амир Темур томонидан 1376 йилиёқ Фарғона улуси ташкил этилган ва маҳаллий бошқарув тизими шакллантирилган. Кўпгина муаллифларнинг таъкидлашига кўра, марказий бошқарув тизимидаги деярли барча тузилмалар кичикроқ шаклда маҳаллий бошқарувда ҳам тўлиқ фаолият юритган. Давлат ва қўшин таъминоти, солиқ тизими билан боғлиқ молиявий фаолият барча катта-кичик маъмурий бирликларда махсус иш қоғозларини, ўша давр тили билан айтганда, «дафтар»ларни юритишни талаб этган. Улар доимий равишда қайта назорат-тафтишдан ўтказиб борилган, камомадлар аниқланган

ҳолатларда эса жазо чоралари кўрилган. Шунингдек, барча маъмурий бирликларда фаолият олиб борган адлия тизими – қозихоналарда иш юритиш ҳужжатлари амалда бўлган. Водийнинг шаҳар ва қишлоқларидаги кўплаб масжидларда ҳам камида диний маълумотли уламолар фаолият олиб борган. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, вилоятларда ҳам таълим кўрган мутахассисларга доимий эҳтиёж вужудга келган. Бу эҳтиёжни фақатгина йирик маданий марказлардаги мактаб ва мадрасалар билан қондириб бўлмас эди, албатта. Шунинг учун ҳам темурийлар даври Фарғонасида мактаблар, шунингдек, кичик ҳамда ўрта ҳажмдаги мадрасалар фаолият олиб борганлиги табиий.

Йирик мадрасалар эса Темурийлар давлатининг марказий шаҳарларида жойлашган бўлиб, кўплаб фарғоналиклар таълимнинг юқори босқичини айнан ўша мадрасаларда олиб борган. Улар орасидан фан ва маданиятнинг йирик намояндалари етишиб чиққан. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ўз даврининг машҳур мадрасаларида таълим олган фарғоналикларнинг бир қисми ўз ижодий фаолиятларини Самарқанд ва Ҳирот каби маданий марказларда давом эттирган.

Амир Темур томонидан таъсис этилган Фарғона улусининг биринчи ҳукмдори, водийни 17 йил бошқарган Умаршайх мирзонинг фан ва маданиятга муносабати ҳақида тарихий манбаларда маълумотлар сақланиб қолмаган. Темурийлар саройидаги фан ва маданиятга бўлган кучли эътибор унинг Андижондаги саройини ҳам четлаб ўтмаганлиги шубҳасиз. Зеро, шу саройда тарбия топган ва 1399 – 1400 йилларда Фарғона улусини бошқарган Искандар мирзо кейинчалик етук шоир ҳамда маданият ҳомийси сифатида шуҳрат топган эди. Алишер Навоий



«Мажолис ун-нафоис» асарида Искандар мирзо ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Султон Искандар Шерозий ҳам набирадур... Мавлоно Ҳайдар туркигуй анинг модихи экандур... Ва Султон Искандарни дерларким, таъби назм эрди. Ва бу туюқни андин нақл қилурларким:

*Тўлун ойга нисбат эттим ёруми,  
Ул хижолатдин кам ўлди ёруми.  
Тори мўюнгнинг закотин мен берай  
Ё Мисрни, ё Ҳалабни, ё Руми».<sup>1</sup>*

Тарихчи олим Ғ.Каримий Искандар мирзонинг саройида Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий каби туркий тилда ижод қилувчи шоирлар тўпланганлигини таъкидлаган.<sup>2</sup> Искандар мирзо гарчи асосий сиёсий фаолиятини Форс вилоятида олиб борган бўлса-да, унда туркий тилга кучли майлнинг шаклланишида болалиги Андижонда кечганлиги ҳам таъсир қилган бўлиши мумкин.

Шунингдек, Искандар мирзо хаттотларга ҳомийлик қилганлиги, ўз даврининг машҳур хаттоти Маъруф Бағдодийни Исфаҳонга олиб келиб, унга кутубхона бошқаришни топширганлиги маълум.<sup>3</sup> Кейинчалик Маъруф Бағдодий Ҳиротда Шохрух мирзо саройида ҳам хизмат қилган.<sup>4</sup>

Искандар мирзо кўплаб олимларга ҳомийлик қилган ва унинг саройида астрономия, кимё, геометрия ва фаннинг бошқа соҳаларига оид илмий асарлар яратилган.<sup>5</sup> Ўзининг қисқа фаолияти даврида ёш шахзода фан ва маданиятнинг кўплаб соҳалари ривожига баракали таъсир ўтказа олган эди.

Темурийлар даврида уларнинг ноиби сифатида Фарғонани бошқарган амир Саодат Темуртош, амир Худойдод Ҳусайний, Аҳмад мирзо, амир Абуллайсий, Мирзо Шайх Али Кучакнинг

фан ва маданиятга муносабати ҳақида манбаларда маълумотлар учрамайди.

1462 – 1494 йилларда Фарғонани бошқарган Умаршайх мирзо эса фан ва маданиятга бефарқ бўлмаган. Бобур мирзо ўз отасининг адабиёт ва тарихни кўп ўқиганлиги, шеър ёзишга ҳам истеъдоди борлиги ҳақида: «Равон саводи бор эди. «Хамсатайн» ва маснавий китобларни ва тарихларни ўқуб эди. Аксар «Шоҳнома» ўқур эди. Таъби назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди»<sup>6</sup>, – дея ёзган эди. Бобурнинг ушбу маълумотларидан Умаршайх мирзонинг икки «Хамса»ни, Жалолиддин Румийнинг «Маснавий» ва Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарларини севиб мутолаа қилганлиги, тарихий асарларни ўрганишга ҳам қизиққанлиги маълум бўлади. Ҳиротда ўша даврда «Хамсатайн»ни ўқиш урф бўлганлигини эътиборга оладиган бўлсак, Умаршайх мирзонинг ҳам «Хамсатайн» мухлиси эканлиги Ҳирот шаҳри билан Фарғона ўртасида маданий алоқалар кучли бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек, Умаршайх мирзонинг саройида Мавлоно Мунир Марғиноний, Мавлоно Муҳаммад Садр, Хожа Мавлоноий Қози каби йирик олим ва уламоларнинг хизмат қилганлиги ҳам ҳудуддаги илмий-адабий муҳитнинг қай даражада эканлигини кўрсатади.

Шу ўринда temuрийларнинг Фарғонадаги сўнги ҳукмдори Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг серқирра ижоди, фан ва маданиятга ҳомийлик қилиш борасидаги фаолияти ҳам Фарғонадаги илмий-адабий муҳитда шаклланганлигини эътиборга олиш жоиз.

Юқорида кўриб чиққанemiz илмий-адабий муҳит temuрийлар даврида Фарғона водийсидан диний ва дунёвий илмларнинг турли соҳаларида фаолият олиб борган бир қатор олим ва уламолар етишиб чиқишига имкон яратган. Улардан бири Саййид Шамсиддин Муҳаммад Андижоний бўлиб, Мир Сарбараҳна номи билан шуҳрат топган. Бобур мирзонинг таъкидлашича, Мир Сарбараҳна Андижон кентларидан бирида туғилган. Бобуршунос олим С.Жалилов этнографик маълумотларга таянган ҳолда Мир Сарбараҳнани Андижоннинг Қўштегирмон даҳасида яшаб, Умаршайх мирзо саройида хизматда бўлганлиги

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис // Асарлар. 15 томлик. Т.12 / Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.170.

<sup>2</sup> Ғулом Каримий. «Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний»да Амир Темур даври тарихининг ёритилиши // Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ғулом Каримий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б.14.

<sup>3</sup> Кўрсатилган манба. – Б.15.

<sup>4</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайин. Ж. II. Қ. I / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи тарих фанлари доктори А.Уринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.489 – 490.

<sup>5</sup> Ғулом Каримий. «Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний»да Амир Темур даври тарихининг ёритилиши // Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ғулом Каримий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б.15 – 16.

<sup>6</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамшиев. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б.10.



ни таъкидлайди.<sup>1</sup> Хондамир «Хулосат ул-ахбор» асарида у ҳақида анчагина кенг маълумот беради. «Мир Сарбараҳна лақабли Саид Шамсиддин Муҳаммад Андижоний, – деб ёзади муаррих, – феълнинг хушлиги, сўзларининг мулойимлиги, фаҳмининг тезлиги ҳамда зеҳнининг ўткирлиги билан замон фозиллари ва давроннинг зийрак кишилари орасида тамом ажралиб турарди. Ҳамма вақт сўзлари ширин ва маъноли, ҳикоятлари гўзал, суҳбатлари ажойиб ва ғаройибдир. Ҳаётининг бошларида Мовароуннаҳр мамлакатади илм толиблари орасида кун кечирди».<sup>2</sup> Хондамирнинг маълумотларидан англашиладики, Мир Сарбараҳна дастлаб ўз вилоятида ва Мовароуннаҳр шаҳарларида таҳсил олган, ижодий фаолият билан шуғулланган. Шунингдек, Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарида келтирилган Мир Сарбараҳна билан Навоий ўртасидаги кечган мутойиба ҳақида маълумотдан унинг ёшлигида қийинчиликда кун кечирганлиги ҳам ойдинлашади.<sup>3</sup> Навоийнинг таъкидлашича, Мир Сарбараҳна Шайх Луқмон мазоридида 20 йилга яқин шайхлик ва муваллилик қилган.<sup>4</sup> Хондамир ҳам Мир Сарбараҳна бу вазифага Навоий ёрдамида эга бўлиб, ушбу вазифани 20 йил бажарганлигини қайд этади. У кейинчалик Алишер Навоийнинг ҳомийлиги остида Ҳусайн Бойқаро саройида садрлик лавозимида ҳам фаолият олиб борган.<sup>5</sup> Юқоридаги маълумотларни ҳамда унинг 1493 йили вафот этганлигини инобатга олсак, Мир Сарбараҳнанинг 1470 йилдан кейин Ҳиротга кўчиб келганлиги ойдинлашади.

Хуросонда гўзал хулқи, ширинсўзлиги, зеҳнининг ўткирлиги ва истеъдодининг юксаклиги билан шуҳрат топган Мир Сарбараҳна Навоийнинг энг яқин дўсти ва суҳбатдошларидан бири

<sup>1</sup> Жалилов С. Эсон Давлатбегим чорбоғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009. №13; Жалилов С. Бобурнинг Фарғона давлати. – Тошкент: Фан, 1995. – Б.122.

<sup>2</sup> Хондамир. Хулосат ул-ахбор // Асарнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид қисмларининг таржимаси / Форсийдан Б.Аҳмедов таржимаси // Навоий замондошлари хотирасида. – Тошкент: Ф.Фулум, 1985. – Б.65 – 66.

<sup>3</sup> Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ / Форс тилидан Комилжон Раҳимов таржимаси. – Тошкент: Ф.Фулум, 2015. – Б.125.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис // Асарлар. 15 томлик. Т.12 / Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.119.

<sup>5</sup> Хондамир Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар (Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст) / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифлари И.Бекжонов, Ж.Ҳазратқулов; масъул муҳаррир А.Аҳмедов; махсус муҳаррир В.Раҳмонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б.1055 – 1056.

бўлган. Алишер Навоий ва Хондамир унинг ижодига ижобий баҳо берган. Бобур мирзо эса ўз ватандошининг Хуросон олимлари ва шоирлари ўртасида катта обрўга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратган: «Ғолибо мутасайиддур, бисёр хуш суҳбат ва хуштабъ ва ширин калом киши эди. Хуросон фузалоси ва шуароси қошида анинг дахли ва сўзи мўътабар ва санад эди».<sup>6</sup> Гарчи Сарбараҳна ўз шеър ва рубоийлари билан шуҳрат топган бўлса ҳам, унинг асосий асари бўлмиш «Амир Ҳамза қиссаси» Бобур мирзо томонидан танқид қилинган.<sup>7</sup> Мир Сарбараҳна 1493 йили касалликдан вафот этган.

Алишер Навоий XV асрда яшаган андижонлик шоир Мавлоно Сафойи ижодига ҳам жуда яхши баҳо берган. «Мавлоно Сафойи андижонликдур, – деб ёзади муаллиф. – Сода йигит эрди. ... Табъидин гоҳ-гоҳ рангингина нималар бош уради, ўз содалиғи мунофиси эрди».<sup>8</sup> Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида унинг форсий тилда битилган байтини келтирган. У Сафойи билан Самарқандда XV асрнинг 60-йиларида кўришган бўлса керак. Бу вақтда Самарқандда яшаб таҳсил олган Алишер Навоий ўзи каби толиби илм бўлмиш Мавлоно Сафойи билан яқиндан танишган. Сафойининг Ҳиротда яшаганлиги ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган бўлса-да, у Хуросон адабий муҳитида ҳам анчагина машҳур бўлган. Чунки Навоий Мавлоно Юсуф Бадиийнинг Хуросондаги фаолияти ҳақида сўз юритганда Ҳиротлик шоирлар Юсуфга «Юсуф Сафойи» дея ҳазил қилишларини таъкидлайди.<sup>9</sup> Бу ҳазил эса Мавлоно Сафойининг шахсий фазилатлари ва ижодидан Ҳиротлик шоирлар ҳам яхши хабардор эканлигидан далолат беради. Алишер Навоий Сафойининг шахси ва ижоди ҳақида «Мажолис ун-нафоис»нинг иккинчи мажлисида сўз юритганидан келиб чиқсак, шоир кейин ҳам Самарқандда яшаган. «Мажолис ун-нафоис» ёзилишидан (1490 – 1491 йиллар) аввал Самарқандда вафот этган. Академик Азиз Қаюмов Мавлоно Сафойининг яна бир андижонлик шоир Юсуф Бадиий билан дўст бўлганлигини таъкидлаган.<sup>10</sup>

<sup>6</sup> Заҳририддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамшиев. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б.158.

<sup>7</sup> Ўша жойда.

<sup>8</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис // Асарлар. 15 томлик. Т.12 / Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.59 – 60.

<sup>9</sup> Кўрсатилган манба. – Б.60.

<sup>10</sup> Қаюмов А. Бобур даврида Андижон адабий муҳити; Хожа Юсуф Андижоний. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2009. – Б.8.



XV асрда яшаган яна бир фарғоналик шоир ва олим, форсий ва туркий тилларда ижод қилган Юсуф Бадиий ҳақида эса тарихий манбаalarda маълумот биров кўпроқ. Навоий ўз дўсти бўлган Юсуф Бадиий борасида батафсил маълумот берган: «Мавлоно Юсуф «Бадиий» тахаллус қилур эрди. Ул ҳам Андижондиндур. Мавлоно Сафой билан бўлур эрди. Фақир таҳсил учун Самарқандга боргонда ул Андижондин келди ва анда фақир билан била бўлур эрди. Сигари син жиҳатидин шеърида хомлик бўлса, фақир ислоҳ қилур эрдим. Бот бузургманиш ва мутасаввир йигит бўлди ва Хуросонга келиб кўп салоҳиятлар касб қилди. Фақирдин ўзга киши анинг шеърида сўз айта олмас эди. Ужбу жиҳатидин шўхлар ани Юсуф Сафойи дерлар эрди. Ул тағайюр жиҳатидин беҳол бўлур эрди. Аммо яхши суҳбати бор эрди ва кўпрак синф шеърини яхши айтур эрди ва аруз билур эрди».<sup>1</sup> Манбадан аён бўлмоқдаки, дастлабки таҳсилни водийда олган Мавлоно Юсуф ўз билимини такомиллаштириш учун Самарқандга борган. Самарқандда Навоий билан биргаликда таҳсил олган ва ижод қилган. С.Жалилов ҳам Юсуф Бадиий Навоий билан учрашишни орзу қилганлиги ва кейинчалик яқин дўстга айланганлигини таъкидлайди.<sup>2</sup> Навоий Ҳиротда катта мавқега эга бўлган вақтда Юсуф Бадиий ҳам Хуросонга келган. Хуросонда ўз билими ва салоҳиятини янада оширишга муваффақ бўлган. Шеъриятда анчагина такомилга эришгани ва ғурури сабабли фақат Навоийгина унинг шеъри ҳақида фикр билдира олган. Академик Азиз Қаюмов ҳам унинг улуғвор ва кўзга кўринган киши эканлигига эътибор қаратган.<sup>3</sup> Навоий Юсуф Бадиий шеъриятнинг муаммо санъатига бағишланган рисола битганлигини таъкидлаб, ушбу рисоласига юқори баҳо берган ҳамда ундан бир байт келтирган.<sup>4</sup> Шунингдек, у ўз даврида шўхрат қазонган «Миръот ус-сафо» (Покизалик ойнаси) қасидасидан илҳомланиб қасида ҳам ёзган. Бу қасида Хуросонда катта эътибор топган. Ушбу қасидага Алишер Навоий ва

Бобур мирзо ҳам юқори баҳо берган.<sup>5</sup> «Яна Юсуф Бадиий эди, – деб ёзади Бобур мирзо, – Фарғона вилоятидиндур. Қасидани ёмон айтмас экандур».<sup>6</sup>

Хондамирнинг маълумотлари эса Алишер Навоий билдирган фикрларни янада кенгайтиради. У Юсуф Бадиийнинг Фарғона водийсида таваллуд топганлиги ва ёшлик йилларида Самарқандда таҳсил олганлиги, Султон Ҳусайн Бойқаро замонида Ҳиротга келиб, Алишер Навоийнинг яқин дўсти сифатида унинг мулозаматида ҳамда меҳрибонлиги соясида яшаганлигини қайд этади. У ҳам Навоий каби Юсуф Бадиийни аруз илмини чуқур эгаллаган, муаммо санъатига бағишланган яхши рисола ёзган дея қайд этиш баробарида саное ва бадое фанларида ҳам етук бўлганлигини қўшимча қилади. Шунингдек, Хондамир унинг муаммо санъатига бағишланган машҳур рисоласидан туркий тилда битилган матласини келтирган. Хондамир Юсуф Бадиийнинг вафоти ҳақида ҳам аниқ маълумот қолдирган. Унинг таъкидлашига кўра, Мавлоно Юсуф Бадиий 1491 – 1492 йилларда (ҳижрий 897 йили) вафот этган.<sup>7</sup> Навоий ўз дўстининг вафот этган санаси ҳақида сўз юритмаса ҳам, Хондамир каби Юсуф Бадиийнинг Сарахсда вафот этгани ва Шайх Луқмон хонақоҳига дафн қилинганлигини қайд этади.<sup>8</sup>

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, Фарғона водийсида илмий-адабий муҳит Темурийлар салтанатининг йирик маданий марказлари бўлмиш Самарқанд ва Ҳирот каби шаҳарлар билан яқин алоқада ривожланиб борди. Фарғона водийсидан етишиб чиққан иқтидорли олим ва шоирлар Темурийлар давлатининг марказларидаги адабий ва илмий муҳитда янада шаклланиб, унинг ривож топишига муносиб улуш қўша олдилар.

### Тақризчи: профессор Поён Равшанов

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис // Асарлар. 15 томлик. Т.12 / Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.60.

<sup>2</sup> Жалилов С. Бобурнинг Фарғона давлати. – Тошкент: Фан, 1995. – Б.124.

<sup>3</sup> Қаюмов А. Бобур даврида Андижон адабий муҳити; Хожа Юсуф Андижоний. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2009. – Б.8.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис // Асарлар. 15 томлик. Т.12 / Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.60.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис // Асарлар. 15 томлик. Т.12 / Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.60; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамшиев. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б.163.

<sup>6</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамшиев. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б.163.

<sup>7</sup> Хондамир. Хулосат ул-ахбор. – Б.65; Хондамир. Ҳабиб ус-сиғар. – Б.1077.

<sup>8</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис // Асарлар. 15 томлик. Т.12 / Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.61.



# РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНING ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ АГРАР СИЁСАТИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Ф.Р.Исақова

Туркистонни мустамлакага айлантиришдек стратегик мақсадни ўз олдига қўйган Россия империяси учун ўлкадаги ер-сув, аграр муносабатлар соҳасидаги сиёсатни ҳал этиш бирламчи вазифалар сирасига кирган. Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман 1875 йилда, ҳали мустамлакачилик урушлари давом этаётган даврдаёқ империя ҳукуматига мурожаат қилиб, ер эгаллиги ҳақидаги қонданинг йўқлиги рус ҳокимиятига кенг майдонларни ўзлаштиришга имкон бермаётганлигини таъкидлаган эди.<sup>1</sup> 1876 йилда Қўқон хонлиги ҳукмронлигига чек қўйилгач, водийда русча бошқарув тизими жорий этилган Фарғона вилояти ташкил қилинди.

Маъмурий бирликда ўз ихтиёри билан мулк ерларининг маълум қисми мусодара қилинди, мулкдорларнинг имтиёзлари тугатилди, вақф ерларига ҳам қисман солиқ солинди. Ерга эгалик, ундан кўзлаган асосий мақсад – яъни ўлкани империя хомашё манбаига айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўлкани бошқариш тўғрисидаги низом лойиҳаларида ўз аксини топди.

XIX аср охири – XX аср бошларида аграр соҳадаги масала таҳлили шуни кўрсатадики, империя маъмурияти ўртасида ерга эгалик қилиш хусусида икки хил нуқтаи назар ҳукмронлик қилган. **Биринчиси** дворян-помешчикларнинг фикри бўлиб, улар маҳаллий деҳқонларнинг крепостнойлик даражасида бўлишини исташган. **Иккинчиси** капиталистик доиранинг мулоҳазаси бўлиб, у Туркистон деҳқонларини эркин ер эгалари деб эълон қилишни, шу йўл

орқали қишлоқ хўжалигида капиталистик муносабатларга кенг йўл очишни кўзлаганлар. Шубҳасиз, империя маъмурияти олиб борган сиёсатда шу иккала қараш ўртасида маълум қарама-қаршилик ва ихтилофлар ҳам мавжуд бўлган.

Юқорида таъкидланган дворян-помешчиклар ва капиталистик тараққиёт ғоялари ўртасидаги қарама-қаршилик кўп ҳолда биринчи гуруҳ фойдасига ҳал бўлди, бу эса, ўз навбатида, мустамлакачилик зулмининг кучайишига, қишлоқ хўжалиги тараққиётига жиддий ғов бўлар эди.

1886 йилги Низомда қайд этилган «бўш давлат ерлари» атамаси мустамлакачилар томонидан маҳаллий деҳқонларнинг ерларини тортиб олиш учун дастак бўлди. Туркистон ўлкасига қора тупроқли Россия марказий ҳудудларидан аҳолининг кўчириб келтирилиши уларга маълум имтиёзлар тақдим этиш орқали ҳам амалга оширилган. Улар дастлабки 5 йил давомида ҳар қандай солиқлардан озод қилиниб, кейинги 3 йил давомида уларнинг ярмини тўлаганлар. Кўчиб келиш даврида 15 ёшдан катта бўлган шахслар ҳарбий мажбуриятдан озод қилинардилар.<sup>2</sup> 1875 йилдан 1890 йилга қадар, яъни 15 йил давомида ўлкага 1300 та оила кўчиб келиб, 19 та рус қишлоғи ташкил топди. Айниқса, 1891 – 1892 йиллардаги очарчилик вақтида кўчиб келувчилар сони кўпайиб, 25 та янги рус қишлоғи барпо этилди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси МДА, И-1-ф, 27-р, 11286-иш, 88-варақ.

<sup>2</sup>Закон от 10 июня 1903 г. Ст. 1-3. Т.6. – СПб., 1903; Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент: Академия, 2002. – Б.107.



аҳоли билан кўчиб келган аҳоли ўртасида ер-сув масалалари бобида ихтилофлар чиқишига сабаб бўлди.<sup>1</sup> Ўлкага рус деҳқонларининг омавий кўчиб кела бошлаши суғориладиган ерларга бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келди. Бу ҳол, айниқса, аҳоли зич яшайдиган Фарғона водийсида яққол намоён бўла бошлади.

Табиийки, мазкур ҳолатда мустамлакачи маъмурият рус деҳқонлари томонини олди. Туркистон ҳарбий округи бошлиғи 1882 йилда бу хусусда: «... қирғизлар (яъни туб аҳоли – муаллиф) жойлашган ер уларники эмас, балки давлатникидир. Ўтроқ рус нуфуси уларни ўлкадан сиқиб чиқариши ёки буткул кириб ташлаши даркор»<sup>2</sup>, – дея шовинистларча тарзда таъкидлаган эди. 1889 йил 13 июлдаги кўчиб келган рус аҳолига имтиёзлар ва моддий ёрдам бериш ҳақидаги қонунда ҳам юқоридаги руҳ акс этган.

Россиядан деҳқонлар армиясининг кўчириб келиниши ўлкада суғориладиган ерларга бўлган эҳтиёжнинг ошишига сабаб бўлди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, азалдан ўтроқ деҳқончилик маркази ҳисобланган Фарғона водийси аҳоли зичлиги билан бошқа ҳудудлардан фарқ қилар эди. Туркистон ўлкасини тафтиш қилган К.К.Паленнинг маълумотларига кўра, туб аҳолининг жон бошига тўғри келувчи суғорма ерлар миқдори кўйидагича бўлган: Андижон уездида 0,7 десятина, Марғилон уездида 0,65 десятина, Наманган уездида 0,5 десятина, Қўқон уездида ҳам 0,5 десятина. Ҳолбуки, худди шу комиссия маълумотларига кўра, Тошкент уездида аҳоли жон бошига 1,1 десятина, Хўжанд уездида 1,1 десятина, Самарқанд уездида 0,9 десятинанни ташкил этарди.<sup>3</sup> Юқоридаги рақамлардан ҳам шуни кўриш мумкинки, Фарғона вилояти уездларидаги жон бошига тўғри келадиган суғорма ер миқдори бошқа ҳудудларга нисбатан паст бўлган.

Ўлкага рус аҳолини кўчириш масаласи билан шуғулланувчи махсус идора – «Кўчириб келтириш бошқармаси» ташкил қилинади.

<sup>1</sup> Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.219.

<sup>2</sup> ЎзР МДА, 1-жамгарма, 16-руйхат, 2257-иш, 91 – 92-варақлар.

<sup>3</sup> Отчёт по ревизии Туркестанского края, произведенный по высочайшему повелению сенатором графом К.К.Паленом. Сельское управление: Русское и туземное. – СПб., 1910. – С.80.

Империя ҳукумати 90-йиллар охирларидан рус деҳқонларидан кам ерли ва ерсизларга «Осиё Россиясида бўш ётган эркин ерлардан» фойдаланишга кенг имкониятлар яратди. Шу тариқа империя ҳукумати Россия дворян-помешчилари манфаатини кўзлаб, уларни «хавфли» ҳисобланмиш камбағал деҳқонлар хуружидан сақлаш ниятида Туркистон ерларини уларга эҳсон қилишга қарор қилди. Азалдан туб аҳолига тегишли бўлган ерларнинг тортиб олиниши эса норозиликнинг тобора ортиб боришига сабаб бўлади. Хусусан, 1898 йилги Андижон кўзғолонининг асосий сабабларидан бири айнан маҳаллий аҳоли ерларининг зўрлик билан тортиб олиниши эди. Қўзғолон бостирилганидан кейин империя ҳукумати Тожиқ, Мингтепа, Қошғар қишлоқларини тамомила йўқ қилиб, уларнинг ўрнида Русское қишлоғини барпо этди. Мазкур ҳудуддаги 2109 десятина майдонга 260 нафар оила кўчириб келтирилди.<sup>4</sup> Шу ўринда яна бир мисолни келтириш мумкин. Айнан ўша 1898 йили Наманган уездида 1422 десятина майдонда 76 та ҳовли ва 436 нафар кишидан иборат Успенское қишлоғи; 1899 йили Андижон уездида 2171 десятина майдонда 100 та ҳовли ва 449 нафар кишидан иборат Благовещенск қишлоғи барпо этилди.<sup>5</sup>

Таъкидлаш жоизки, 1886 йилги Низомда ўтроқ маҳаллий аҳолига ерга эгалик қилишда «айрим мулкчилик» ҳуқуқи жорий этилгани помещчик-дворян қатламини қониқтирмаган эди. Мазкур Низомнинг 270-моддасида юқорида таъкидланган ҳолат, яъни ўтроқ аҳолига ер авлоддан-авлодга меросий тарзда фойдаланиш, азалий удум бўйича тақсимлашга берилиши, кўчманчи аҳолига тегишли ерлар давлатники деб эълон қилиниб, улар кўчманчиларга фойдаланиш учун топширилиши ва бошқалар шулар жумласидан бўлган. Россия империясидаги катта нуфузга эга помещчик-дворянлар бу қонунга қатъий қарши чиқа бошладилар. Бу борада қатор олий даражадаги комиссиялар, хусусан, махфий маслаҳатчи Кобеко раислиги-

<sup>4</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1914 г. – Скобелев, 1917. – С.13.

<sup>5</sup> Глизбург А.И. Русские в Туркестане. – М., 1991. – С.57.



даги комиссия анча вақт иш олиб борди.<sup>1</sup> Лекин бу масалада рус буржуазиясининг қўли баланд келиб, юқоридаги Низомнинг қоидалари деярли ўзгаришсиз қолди. Чунки рус буржуа капиталистик қатлам, савдо-саноат доиралари учун Туркистон ўлкаси хомашё, биринчи навбатда, пахта етказиб берувчи ҳудуд сифатида катта аҳамият касб этар эди. 1896 йили бу масала маълум ён беришлар билан бўлса ҳам рус буржуазияси фойдасига ҳал бўлди. Мазкур ҳол 1910 йиллар, яъни Столипиннинг аграр ислоҳотига қадар давом этди.

Туркистон ўлкаси пахтачиликнинг рус тўқимачилиги саноати учун ҳал қилувчи роли хусусида Кривошеин императорга йўллаган ахборотида шундай деб ёзган эди: «Туркистоннинг ҳар бир пуд ғалласи рус ва Сибир ғалласига рақобатчидир. Туркистон пахтаси эса Америка пахтасига рақобатчидир. Шунинг учун ўлкага, қимматга тушса ҳам, ғалла келтириб бериш лозим».<sup>2</sup> Пахта якқаҳоқимлигини ўрнатиш мақсадида Туркистондан Россияга юбориладиган пахтадан бутунлай бож олинмайдиган бўлди. 1879 йилдан эса бож йиғими ҳар бир пуд пахтадан 40 – 50 тийин миқдориди белгиланди. Солиқ олишда ҳам пахтакорларга айрим имтиёзлар берилди. Молия вазирлиги рус буржуазиясининг Туркистон пахтачилигини ривожлантиришдаги ҳаракатларини фаол тарзда қўллаб-қувватлаб турди. Империя ҳукумати 1905 йили Зироат ва давлат мулклари вазирлиги таркибиди Кўчирувчилик бошқармасини тузди. 1906 йили Туркистон ўлкасида Сирдарё кўчирувчилик райони ташкил этилиб, маҳаллий аҳоли ерларининг рус деҳқонлари учун тортиб олиниши режали тус олди.<sup>3</sup>

Аграр сиёсат бобидаги қатъий ҳаракатлар Столипин ислоҳотларидан сўнг авжга минди. Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомнинг 270-моддасига қўшимча киритилиб, у қонуний тус олди. Унга кўра, туб аҳоли ерларини экспроприация қилиш амалиёти эн-

диликда «қонуний равишда» кучайтирилиб, рус посёлкалари, давлат ўрмон чорбоғлари ва чорвадорлик участкаларини ташкил этиш мақсадида катта ер майдонлари маҳаллий аҳолидан тортиб олина бошланди.<sup>4</sup> Мазкур ҳолат, айниқса, Сирдарё ва Еттисув вилоятларида жадаллик билан амалга оширилди. Хусусан, Сирдарё вилоятининг Авлиёота уездиди 100 минг десятинадан зиёд майдонда 3 мингта хўжаликка мўлжалланган 63 та қишлоқ участкаси ташкил қилинди. 1912 йили вилоятга кўчиб келувчилар фондига 73674 десятина ер, шу жумладан, 65409 десятина деҳқончилик учун қулай ер тортиб олинди. Мазкур ерларга 1569 нафар оила жойлаштирилди.<sup>5</sup> Кўчириб келтириш фонди ва ўрмончилик маҳкамаси тасарруфидаги ерларнинг энг саралари турли унвондаги империя амалдорларига бўлиб берилди. Масалан, 1913 – 1915 йилларда Еттисув вилоятида фаолият кўрсатаётган империянинг «обрўли кишилари»га 1800 десятина ер ажратиб берилган эди. Оттендорф номли амалдорга эса водийда мавжуд Ичкилик, Бўстон, Найман аҳолиси яйлов сифатида фойдаланадиган Марғилон уездидаги ўрмон ҳудуди чорбоғ сифатида тақдим этилди.<sup>6</sup>

Россия империяси аграр соҳадаги сиёсатининг мустамлакачилик моҳияти юқориди бир неча марта қайд этилган зироатчилик вазири А.Кривошеиннинг император номига йўлланган номасида, айниқса, яққол намоён бўлган. Унда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, суғориладиган пахта экин майдонларини ва «рус ерлари»ни мустаҳкамлаш масаласи бош мақсад қилиб қўйилган эди. «Фақат шундагина рус халқининг сиёсий устунлиги унинг хўжалик кучи билан ҳам мустаҳкамланади», – деб ҳисоблаган эди А.Кривошеин. Мазкур амалдор пахта экиладиган ҳудудларга жануби-ғарбий, Новороссия губернияларидан аҳолини кўчириб келтиришни тавсия қилиб, «улардан яхши пахтакорлар чиқади» деб ўйлаган. У ўлкада

<sup>1</sup> Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б.220.

<sup>2</sup> Кривошеин А.В. Записки главноуправляющего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестан. – СПб., 1912. – С.113.

<sup>3</sup> Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б.221.

<sup>4</sup> Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент: Академия, 2002. – Б.109.

<sup>5</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1913 г. – Ташкент, 1916. – С.161 – 162.

<sup>6</sup> Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент: Академия, 2002. – Б.110.



300 минг рус хўжалиги учун тахминан 3 млн десятина ерни суғориш режаларини ҳам баён қилади.<sup>1</sup> Россия империяси XX аср бошларида ўз Дума йиғилишларида Туркистон ўлкасида ер-сув масалаларини кўриб чиқди. Учинчи Думада эса бу масала бўйича туркистонлик вакилларни қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этди. Туркистонлик деҳқонларнинг оғир аҳволи маҳаллий ерликларнинг бу адолатсизликка чек қўйилишини ўз ичига олган хитобномасида ҳам ўз аксини топган эди.<sup>2</sup> Империя маъмурияти ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб қабул қилган қонунлари билан туб жой аҳоли ерларини рус деҳқонлари фойдасига мусодара этишга ҳаракат қилди. Ерга солиқлар миқдорининг мунтазам равишда оширилади бориши шундай ҳаракатлар сирасидан эди. Охир-оқибатда аҳоли ўз ерларини сотиш ёки ундан буткул воз кечишга мажбур бўлди. Масалан, биргина Марғилон туманида маҳаллий аҳолининг 11,5 минг таноб ери мусодара қилинди. Жалолқудуқ волостида эса солиқ тўлолмайд ўз ерларидан воз кечган маҳаллий деҳқонларга қарашли жойларда 3 та рус посёлкаси, Андижон туманида 2 та, Ўшда 1 та посёлка барпо қилинди. Мустамлака маъмуриятининг аграр соҳадаги зўравонлик-таъйиқ сиёсати натижасида XX аср бошларига келиб русийзабон аҳоли сони 75 минг нафардан ошиб кетди. Аҳолининг 5 фоизини ташкил этувчи мазкур кўчиб келганларда ҳосилдор ерларнинг 60 фоизи жамланди. 1916 йилги миллий-озодлик қўзғолонидан сўнг империянинг Туркистон ўлкасидаги аграр сиёсати ошқора тарзда зўравонлик тусини олди. Биргина Жиззах туманида генерал-губернатор А.Н.Куропаткиннинг буйруғига кўра маҳаллий деҳқонларга қарашли 1810 таноб ер тортиб олинди. Россия империяси ҳукмрон доираларида Туркистон ўлкаси қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳоқимлигини жорий этиш устувор йўналишга айланди. Бу йўналишни амалга оширишда ҳар қандай таъсирчан механизмларни ишга солиш, биринчи навбатда, Россияга дон-дун масаласи-

да қарамликни юзага келтириш асосий масалага айланди. Россия империяси Туркистон ўлкасида XIX аср охири – XX аср бошларида амалга оширган аграр сиёсат ўлкани хомашё, биринчи навбатда, пахта етказиб берувчи масканга айлантириш, ҳосилдор ерларни ўз қўлига олиш, бу борада кўчириш сиёсатини изчиллик билан амалга оширишни мақсад қилиб олган эди.

Мустамлакачилик ҳукмронлиги ўрнатилган биринчи йиллардан оқ Россия савдогарлари, саноатчилари Туркистонда кўп миқдорда пилла етиштирилаётганлигидан мутлақо янги бўлган шойи саноатини ривожлантиришга ҳаракат қилишди. Бу борада уларнинг интилишлари, биринчи навбатда, Фарғона водийсига қаратилган эди. Гап шундаки, Хўжанд ва унинг атрофидаги водийга қарашли ҳудудларни ҳисобга олмаганда ҳам, Фарғона вилоятининг ўзидан Туркистон пилласининг 80 фоизи етиштирилган эди. 1902 йилда ипакчилик ҳудудларидаги деҳқонларнинг 253650 хонадонидан 91617 таси пилла қурти боқиш билан шуғулланган, жумладан, 11764 хонадон қишлоқларда, 9853 хонадон шаҳарларда жойлашган эди.<sup>3</sup>

Туркистон қишлоқ хўжалигида амалга оширилган мустамлакачилик сиёсати оқибатида ўлкада пахтачилик яккаҳоқимлигини ўрнатиш озик-овқат муаммосини кескинлаштиришга ва деҳқонлар ҳамда маҳаллий чорвадорларнинг аҳволи оғирлашишига олиб келди. Масалан, Фарғона вилояти бошқармасининг 1909 йилги ҳисоботида «маҳаллий чорвачиликнинг ҳолати пахтачилик майдони ўсиши муносабати билан ёмонлашмоқда. Фарғона ҳар йили қарийб 150000 бош чорвани қўшни вилоятлардан, асосан, Еттисувдан олади...»<sup>4</sup> деб ёзилган.

Бундай шароитда нафақат деҳқонларнинг, балки шаҳарлик туб аҳолининг ҳам моддий аҳволи ёмонлашиб бориши муқаррар эди. Туркистон полиция департаменти ўша кезларда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборган маълумотномаларидан бирида айтилишича, Фарғона вилоятининг сарт аҳолиси шундай

<sup>1</sup> Кривошеин А.В. Курсатилган асар. 101-103 бетлар; Демидов А.П. Экономический очерк хлопководства, хлопкоплетения и хлопковой промышленности Туркестана. – М., 1920. – С.42.

<sup>2</sup> Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б.227.

<sup>3</sup> Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября. – Ташкент: Фан, 1973. – С.6.

<sup>4</sup> Совет правления Ферганской области за 1909 год. – Новый Маргелан, 1910. – С.72.



кучли ғазабланган ҳолатдаки, бу ғазаб ҳатто очик қўзғолонга айланиши мумкин.<sup>1</sup>

Россиянинг Фарғона вилоятини хомашё ба-засига айлантириш тажрибасини ва унинг деҳ-қонлар ижтимоий аҳволига таъсирини тадқиқ қилиш бир қатор хулосаларни билдиришга ун-дайди.

**Биринчидан**, Туркистон генерал-губерна-торлиги тузилишидан ва Фарғона водийси забт этилишидан илгари ҳам Россия саноатини хо-машё билан таъминлаш Бухоро, Қўқон ва Хива хонликларидан харид қилиш орқали амалга оширилган. Лекин пахта толаси асосан АҚШ-дан, қисман Мисрдан келтирилар эди. Бу пах-та Марказий Осиёниқидан анча қиммат бўлиб, уни ташиб келтириш кўпгина шарт-шароит-ларга боғлиқ бўлар ва унда хавфсизлик мутлақо кафолатланмаган эди. Бу ҳол Россия империя-си ва унинг саноатчиларига Россиянинг Қрим урушида (1856) қақшатқич мағлубиятга учра-ши ва Европадаги мавқеи кескин тушиб кети-ши даврида, айниқса, яққол билинди. Шундай вазиятда Россия раҳбарияти ва ҳарбий доира-лари Марказий Осиёни истило қилишни давом эттирди ва хомашёга бой минтақада ҳамда им-перия маҳсулотларини сотиш учун жуда йирик бозорда ҳукмронлигини ўрнатди.

**Иккинчидан**, пахта ва бошқа қишлоқ хўжа-лик хомашёсини етиштиришни кўпайтириш учун мустамлакачилик бошқарувини мустаҳ-камлаш билан бирга ер-сув муносабатларини метрополия манфаатларига мос ҳолда ўзгар-тириш амалга оширилди. Натижада, аввало, суғориладиган ерларнинг катта қисми ҳоки-мият тасарруфига ўтди, рус амалдорларининг, россиялик амалдорларнинг, банкларнинг ва водийга кўчириб келтирилган рус деҳқонлари-нинг хусусий мулкига айланди. Бу жараён оқи-батида Фарғона вилоятида минглаб маҳаллий деҳқонлар ерсиз қолди ва чорикорлик, марди-корлик қилишга, шаҳарлардаги корхоналарда энг оғир меҳнатга ёлланишга мажбур бўлишди.

**Учинчидан**, водийда суғориладиган зироат-чилик, айниқса, пахтачилик ривожланишида сув манбаларининг, суғориш тармоқларининг, сув иншоотларининг устидан хўжайинлик қи-

лувчи мустамлакачи ҳоқимият идоралари, ал-батта, биринчи навбатда, метрополияга зарур пахтачилик майдонини кенгайтиришга эъти-бор берган. Бу эса қишлоқларда сувдан фойда-ланиш борасида зиддиятлар кескинлашишига, ҳатто жиддий тўқнашувлар юзага келишига сабаб бўлган. Деҳқонларнинг томорқа ерлари сувсиз қолиши қишлоқ ва қисман шаҳар аҳоли-сининг аҳволига ўта салбий таъсир қилган.

**Тўртинчидан**, метрополиянинг манфаат-ларидан келиб чиқилса-да, аввало, Фарғона вилоятида пахтанинг Америка навлари эки-лиши уруғчиликнинг илмий асосга ўтказили-ши, минерал ўғитлардан фойдаланиш йўлга қўйилиши ва пахтани тозалаш ҳамда ёғ-мой заводларида буғли прессларнинг пайдо бўли-ши, умуман, ижобий янгиликлар бўлиб, туб миллат вакиллари учун номақбул жиҳатлари ҳам мавжуд эди. Пахтани етиштириш ҳажми кўпайгани сари Россия, қисман айрим чет эл мамлакатлари сармоядорлари, саноатчилари, йирик савдогарлари ўлкада қишлоқ хўжалик хомашёларини етиштириш, харид қилиш, қай-та ишлаш ва метрополияга етказиш жараён-ларини ўз қўлларига олиб боришди. Бу борада улар билан йирик маҳаллий саноатчилар, сав-догарлар, бир қанча бойлар ҳамкорлик қилиш-ди. Деҳқонлар эса бўлажак ҳосилни гаровга қўйиб, маҳаллий судхўрлар олдида қарзга бо-тиб, воситачиларга қарам бўлиб қолавердилар. Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, деҳқонлар аҳ-волининг оғирлашиши пахта, ғалла ва бошқа кўпгина маҳсулотларга нархнинг мустамлака-чилар томонидан белгиланиши ҳамда метро-полиядан келтирилаётган тайёр буюмларнинг номутаносиб тарзда юқори бўлгани билан боғ-лиқ эди.

Фарғона водийсида мустамлакачилик ҳукм-ронлигини ўрнатган Россия империяси минта-қа қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммоларни бартараф этишга эмас, балки унинг имконият-ларини Россияда капиталистик ривожланиш йўлига ўтган енгил, озиқ-овқат ва бошқа саноат соҳаларининг пахта толасига, ипак, тери, жун, мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи-ни қондиришга ҳаракат қилган.

<sup>1</sup>ЎзР МДА, И-14-фонд, 1-руйхат, 430-иш, 9-варақ.



# КУРОРТЫ В ТУРКЕСТАНЕ В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX В.

Р.М.АХМЕДОВА.

преподаватель кафедры «Методика преподавания истории»  
Кокандского педагогического института имени Мукими

Народы Центральной Азии, как в целом и всего мира, еще с древних времен лечились озерной грязью и рапой, минеральной водой и солнцем, а также другими натуральными средствами. В «Каноне врачебной науки» Абу Али ибн Сины обстоятельно описывались способы лечения с помощью природных средств, что составляло основу «курортного» лечения народов края. Безусловно, в тот период отсутствовали курорты в современном понимании этого понятия, однако среди населения было распространено лечение природными средствами.

С 70-годов XIX в. врачи-россияне особое внимание стали уделять изучению минеральных вод для лечебных целей. К примеру, врач Кушелевский упоминал об известных Хазрет-Аюбских водах в Джалалабаде, серно-щелочных источниках в Педау и соленом озере Аксыкент. Врач Шиманский писал о Чимганской санитарной станции, о Хазрет-Аюбских минеральных источниках была опубликована статья П.П.Сакирича на страницах газеты «Туркестанские ведомости» [1]. Врач Бунин посетил их впервые в 1878 г. после того, как стало известно, что купание в этих ключах оказало на больных целебное действие.

Соленое озеро Аксыкент расположено в селе Камышкурбан Бабадарханской волости Наманганского уезда Ферганской области. Озеро покрыто слоем соли толщиной 1-2 вершка, причем он к осени увеличивается и местами доходит до 5 вершков. Площадь озера – более 310 дес. В архивных источниках даются подробные сведения об озере Аксыкент, в частности, утверждалось, что среди местного населения озеро пользовалось большой популярностью и считалось лечебным, излечивающим различные болезни. На берегу озера в нескольких десятках сажен от

пласта соли были устроены бараки для больных, а на самом озере установлены ванны для купания с двумя отделениями: женским и мужским [1]. В 1912 – 1914 г. для оказания медицинской помощи там работал один врач. Для удобства больных при озере была столовая, отпускающая различную еду по таксе, и прислуга, которая помогала принятию больными ванны. В ноябре 1915 г. один из жителей села обратился с просьбой передать ему в арендное пользование это озеро, однако ему было отказано, так как на нем предполагалось устройство курорта [2].

В тот период специалисты стали уделять внимание и другим озерам, которые могли принести доход от лечения больных, а также от производства соли и других минералов. К примеру, горный инженер Г.Леонов довольно обстоятельно описал соляно-грязевое озеро Тузкан, которое находилось в Коктюбинской волости Джизакского уезда, и рекомендовал его для лечебного использования. Озеро это составляло казенно-оборочную статью горного ведомства (сдавалось им в аренду за 622 руб. в год). Как отмечалось, на этом озере грязями пользовались многие: приезжие и из Самарканда, и из других мест. Местное население даже лечили здесь свой



скот, зарывая его в грязь. Причем обыкновенно местные жители брали на продолжительное время одну ванну, от получаса до трех часов, и лишь изредка они брали две ванны. Грунтовыми ваннами они пользовались таким образом: разрывали грязь до твердого песчано-глинистого грунта и приготавливали яму, наполненную рассолом. Больной ложился в нее и его обкладывали грязью до самой шеи. Для головы делали небольшое возвышение из такого же твердого грунта [3].

Об озере Тузкан встречается и другая информация [4]. Так, например, озеро Тузкан подробно было описано врачом К.М.Афрамовичем, который сравнивал химический состав грязи на озере Тузкан с другими подобными лечебницами Российской империи. Из своего сопоставления врач пришел к выводу, что грязи озера Тузкан по своему составу довольно близки грязям на Сакском и Хаджибейском курортах Крыма. Автор статьи также подчеркивал терапевтический эффект рассольных ванн различных концентраций грязи озера Тузкан при некоторых заболеваниях. На основе этого заключения озеро было причислено к разряду более сильных и крепких рассольных вод, и уступало только озерам Каркара (более 24% хлористого натрия) и Устьянцевскому (более 27 %). Содержание поваренной соли в воде озера Тузкана было определено равным более 16% [5]. Автор статьи во время проведенных трех дней выявил некоторые причины малопосещаемости этого места, несмотря на свою известность. В их числе он назвал: расположение озера в пустыне, отсутствие на десятки верст пресной воды, деревьев, жилья, пашни, огородов. Кроме того, уездный город Джизак располагался в 60 верстах, ближайшее селение Ширкурган – в 15 – 16 верстах, а хорошая колодезная вода – не ближе 12 – 13 верст. Однако, несмотря на это, озеро посещали как местное население, так и русские.

На страницах газеты «Туркестанские ведомости» появилась статья о том, что было бы хорошо, если какой-нибудь предприимчивый человек откроет здесь при сравнительно небольших затратах средств лавку, хлебопекарню, резку баранов, к тому же имел бы запас юрт для сдачи в наем, но такого предпринимателя до сих пор нет, поэтому дело использования лечебных

свойств озера остается открытым вопросом. Автор статьи адресовал свою критику и горному ведомству за то, что оно не предприняло никаких шагов в этом деле [6]. В 1908 г. «Ташкентский курьер» сообщил об открытии на озере Тузкан курорта [7].

В газете «Туркестанские ведомости» 28 июля 1896 г. была помещена статья о том, что в 20 – 25 верстах от Ташкента И.И.Краузе открыл серию минеральных источников на незначительном друг от друга расстоянии. Один из найденных источников заслуживает особого внимания по количеству углекислого газа, вода его очень приятна на вкус и напоминает Ессентуки. Автор надеялся, что результаты исследования представят возможность больным лечиться, не отправляясь в далекое путешествие [8].

Анализы источников проводились в Ташкентской химической лаборатории [9] (создана в 1869 г.) под руководством Н.Б.Тейха [10], проработавшего в Ташкенте с 1869 по 1907 г. В 1897 г. на страницах газеты «Туркестанские ведомости» он поместил свою статью, в которой писал о Туркестанском крае, который очень богат минеральными солеными источниками, как теплыми, так и холодными. Во всех областях Туркестанского генерал-губернаторства имеется множество и тех, и других источников – минеральных, и соленых и грязи, большая часть которых находится в гористых местностях в отдалении от населенных пунктов и дороги к ним пролегают по горным тропам [11]. Н.Б.Тейхом были изучены такие источники, как Арасан-Булак, Джалалабад Аюб, Аб-шифа, Гульча и описаны их расположение, дороги к ним, природные условия, приведены результаты их физико-химических исследований [12].

Первый бальнеологический курорт в Средней Азии был создан И.И.Буниным (работал врачом в Новом Маргилане и Андижане) в 1881 г. в Педау. Получив небольшую субсидию, но, в основном, на свои средства Бунин построил в ущелье Педау (Кокандский уезд) у серно-щелочных источников ванное отделение на восемь ванн, затем три каркасных барака из 28 небольших комнат. Здесь на территории лечебницы было посажено до 12 тысяч различных деревьев. Курорт функционировал два года, вплоть до 1883 г. до смерти И.И.Бунина. В 1885



г. здесь была организована Джалалабад – Аюбская военно-санитарная станция.

Следует отметить и заметную роль врача И.Д.Успенского, организовавшего в 1892 г. Кара-Тюбинскую санитарно-гигиеническую станцию и руководившего ею на протяжении нескольких лет. По его мнению, эта станция по эффективности климатического лечения стояла на втором месте после Кисловодской станции и превосходила все остальные станции Российской империи [13]. Станция предназначалась для лечения представителей нижних чинов от различных болезней, например, от малярии, малокровия, цинги, хронических болезней легких. Например, в 1895 г. на станцию на лечение поступили более 60% маляриков на 100 больных станции [14]. На станции работали два врача, имелась своя аптека.

Непосредственно после начала Первой мировой войны, когда больные из Российской империи уже не могли проходить курс лечения в Германии и Австро-Венгрии, правительство подняло вопрос о создании «лечебных мест» в Российской империи. В 1914 г. на озеро Аксыкент Ферганской области была направлена экспедиция в составе двух ученых для выявления присутствия эманации радия в воздухе, воде и грязи. По мнению одного из участников экспедиции А.П.Смирнова, Аксыкентское озеро представляло совершенно исключительное явление – естественный эманатор. Искусственный эманатор был детищем, созданным по последнему слову медицины при лечении многих болезней обмена веществ и ревматизма. Его устройство обходилось очень дорого и лечение в таких эманаторах было доступным лишь ограниченному кругу очень богатых людей. В результате проверки члены экспедиции выяснили, что Аксыкентское озеро имеет все основания быть важной курортной зоной в силу ряда причин: оно характеризовалось весьма благоприятным химическим составом грязей, громадными запасами грязи и соли, близостью пресной воды [15]. Департаментом государственных земельных имуществ в 1915 г. управлениям был отправлен циркуляр, где утверждалось, что одной из государственных задач является улучшение лечебных местностей Российской империи. В связи с этим представлялось необходимым иметь в Депар-

таменте государственных земельных имуществ сведения как о находящихся на казенных землях курортах, кумысо-лечебных заведениях, климатических станциях и дачных поселках, так и о тех казенных землях, которые могут быть вновь предоставлены для устройства в местностях, имеющих минеральные источники, морских купальниц и целебной грязи, а в местностях со степными пастбищами – кумысных заведений. В результате был отработан список целебных источников Туркестана. К примеру, в Сырдарьинской области по всем уездам была дана отдельная информация. По данным Чимкентского лесничего, здесь целебных источников не имелось, но было широко развито кумысолечение, которым успешно излечивались болезни легких и малярия. Возле селения Чилик-Бабасаганкул в районе Туркестанского лесничества были открыты грязевое озеро и родник Арасанбулак, в Амударьинском отделе в Мингбулакской волости – соленые грязи Соколы-Боа и Эранджи-Боа, Казалинском уезде вблизи станции Аральского моря – грязи для лечения ревматизма, которые были очень эффективны [16]. В 1915 г. здесь управление Ташкентской железной дороги на участке, входящем в полосу отчуждения, открыло грязелечебницу для служащих Министерства путей сообщения.

Горько-соленое грязевое озеро Ак-Терескен, расположенное вблизи от станции Яныкурган Ташкентской железной дороги, пользовалось широкой известностью среди местного населения для лечения ревматизма и кожных заболеваний. Целебные свойства этого озера были заслуженно оценены и в среде медиков – об этом свидетельствовали отзывы врачей Ташкентской железной дороги, которыми были удостоверены случаи чрезвычайного облегчения либо даже полного исцеления при таком лечении. Озеро это с окружающим его участком в 130 десятин было изъято из кочевого пользования в 1916 г. и передано в аренду бывшему объездчику Ронко до 1917 г. [17]. Высокая целебность грязей озера, удобное расположение недалеко от путей сообщения, близость реки, наличие системы пресных озер, возможность снабжения продовольствием из близлежащего кишлака, дешевый и в достаточном количестве кумыс, связь с Ташкентом – все это привлекало внимание специалистов,



понимающих целесообразность устройства здесь ведомственного курорта, в котором предусматривалось лечение за недорогую плату как сотрудников ведомства, так и ревматиков-военных. При этом для последних могло бы быть отведено и несколько бесплатных мест за счет ведомственной кассы помощи на военные расходы чинам ведомства и их семьям. Необходимо отметить, что в созданных курортах лечились военные и ведомственные чины. К примеру, как писала газета «Туркестанские ведомости» в кумысолечебнице «Бер-Чогур» лечились сотрудники железных дорог: за три месяца 1914 г. здесь получили лечение 189 больных железнодорожников [17].

Приведенные здесь факты, почерпнутые из периодической печати Туркестана конца XIX – начала XX в., свидетельствуют о том, что насе-

лению Центральной Азии издавна были известны лечебные свойства различных сил природы: воды, воздуха, солнца. Между тем, хотя население края и пользовалось для лечебных целей ими, основываясь на традициях восточной медицины, однако со стороны государства не было предпринято никаких попыток обустроить эти грязевые озера – люди пользовались ими лишь только частным образом. С 70-х годов XIX в. эти здравницы начали исследоваться специалистами различных профилей, что, естественно, составляло для государства отдельный доход, и в созданных государством лечебных станциях лечились, в основном, военные и ведомственные чины. Тем не менее, эти учреждения сыграли значительную роль, послужив основой современного типа бальнеологических курортов.

#### Использованная литература:

[1] Сакирич П.П. Заметка о Хазрет-Аюбских минеральных источниках // Туркестанские ведомости. 1882. №30; Шиманский. Еще несколько слов о Чимганской санитарной станции // Туркестанские ведомости. 1886. №15.

[2] ЦГА РУз, Ф.19, оп.1, д.36346, л.4.

[3] Там же, л.25.

[4] Леонов Г. Соленые озера Самаркандской и Сырдарьинской областей // Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области. – Ташкент, 1896, Т.5. – С.166 – 167.

[5] Туркестанские ведомости. 1888. №20; Маев Н.А. Русский Туркестан. Вып.1. – М., 1872; Афрамovich К.М. Озеро Тузкан // Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд, 1896; Туркестанский курьер. 1908. №1587.

[6] Афрамovich К.М. Озеро Тузкан // Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд, 1896. – С.9.

[7] М-ев. Тузкан // Туркестанские ведомости. 1906. №58.

[8] Ташкентский курьер. 1908. №1587.

[9] Туркестанские ведомости. 1896. №56.

[10] Тейх Н.Б. Исторический очерк устройства Ташкентской химической лаборатории и двадцатипятилетней ее деятельности // Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области. – Ташкент, 1897. – С.113 – 127.

[11] Из Ташкентской химической лаборатории // Туркестанские ведомости. 1874. №26, 28, 32, 38, 45 – 47; Анализ туркестанских минеральных источников // Туркестанские ведомости. 1880. №4; Вода минеральных источников урочища Педау // Туркестанские ведомости. 1881. №24; Сведения из химико-бактериологической лаборатории // Туркестанские ведомости. 1902. №68; В защиту Цуриковских родников // Туркестанские ведомости. 1903. №40; Хазрет-Аюбские воды // Туркестанские ведомости. 1903. №44; Ташкентские колодцы // Туркестанские ведомости. 1904. №34 и др.

[12] Успенский И.Д. Кара-Тюбинская санитарно-гигиеническая станция // Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд, 1896. – С.48.

[13] Успенский И.Д. Кара-Тюбинская санитарно-гигиеническая станция // Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд, 1896. – С.52.

[14] Ю.П-ский. Курорт в Туркестане (Аксыкентские грязи) // Туркестанские ведомости. 1914. №254.

[15] ЦГА РУз, Ф.17, оп.1, д.33935, л.44 – 46.

[1] ЦГА РУз, Ф.17, оп.1, д.33935, л.52.

[1] Кумысолечебница «Бер-Чогур» Ташкентской железной дороги // Туркестанские ведомости. 1914. №229.



# УЧЁНАЯ, НАСТАВНИЦА И ПРОСТО ЖЕНЩИНА

Профессор Каньшай Хамитовна Нурдинова. Трудно подобрать слова о человеке, о котором сказано все хорошее.

Факультет истории Андижанского государственного университета и факультет международных отношений Ошского государственного университета подписали договор о сотрудничестве в рамках научно-исследовательских работ, взаимного обмена опытом, налажены тесные связи между факультетами. 27 февраля 2018 года в Андижанский государственный университет приехала делегация факультета международных отношений Ошского государственного университета в составе которой были преподаватели, магистранты и студенты. Они побывали в университете, ознакомились с учебным процессом и направлениями научно-исследовательских работ. Вот тогда мы с ней познакомились в Андижанском

государственном университете, и она сразу привлекла наше внимание своей эрудированностью, добротой и умением вести диалог.

Каньшай Хамитовна – видный общественный деятель. Она внесла значительный вклад в развитие гендерного образования Кыргызской Республики, опубликовала более 70 научных, учебно-методических работ. Деятельность нашей героини отличается постоянным творческим поиском – она проводит большую работу по обеспечению образовательного процесса, в ее работах освящены гендерные вопросы, проблемы истории философии и международно-политической жизни.

К.Х.Нурдинова уделяет большое внимание подготовке молодых научно-педагогических кадров, руководит научно-исследовательской работой аспирантов, соискателей и руководит научно-теоретическими семинарами препода-





вателей. Она – наставник молодых преподавателей, постоянно оказывает им учебно-методическую помощь, проводит большую работу по привлечению студентов к научно-исследовательской работе, пробуждению интереса к самостоятельным исследованиям.

Подготовленные ею многочисленные труды стали основой целой научной школы, обогатили науку Кыргызской Республики, снискали ей уважение и заслуженный авторитет не только на Родине, но и далеко за ее пределами.

Научная и педагогическая деятельность Канышай Хамитовны Нурдиновой по достоинству отмечены рядом государственных наград.

Первого мая этого года группа учёных ОшГУ во главе с профессором К.Х.Нурдиновой приняла участие в торжествах, посвященном 80-летию профессора Р.Т.Шамсутдинова. Представители гостей превосходно выступили перед участниками научной конференции, в их выступлениях чувствовались искренность, доброта, уважение к ученым Андижанского государственного университета имени З.М.Бабура. К.Х.Нурдинова в своей речи высказала много теплых слов о сотрудничестве, дружбе народов Узбекистана и Киргизии.

20 мая с.г. делегация АнГУ во главе с профессором Р.Т.Шамсутдиновым участвовала на международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы международ-

ных отношений, гуманитарных и естественных наук в Центральной Азии: современное состояние и перспективы», посвященной 80-летию ОшГУ и 70-летию со дня рождения профессора Канышай Хамитовны Нурдиновой. В ее адрес было высказано много похвальных слов. Ведь с именем каждого ученого связано что-то, что определяет его. Я убедилась в том, что главной привязанностью Канышай Хамитовны является коллектив. Коллектив, который всегда может рассчитывать на её поддержку – студенты, аспиранты, которые видят в ней внимательно, доброжелательного учителя, наставника, советчика, коллеги, которых она любит, и которые её любят и уважают.

Я очень рада знакомству с Канышай Хамитовной. Ведь у неё можно многому научиться, она ученый с огромным опытом работы. Она относится к той категории людей, которые, с каждым годом добиваясь все больших успехов, неустанно поднимают планку, восхищая окружающих своей работоспособностью и целеустремленностью. Ее талант, умение работать, решать сложнейшие задачи служат примером, который воодушевляет, заставляет поверить ее учеников, коллег и близких в собственные силы.

**Т.Р.Хамраева, к.и.н., заведующая кафедрой  
Всемирная история АнГУ**



# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Болтабоева Манзураҳон,  
АнДУ таянч докторанти

Ўзбекистонда 2000 йилда кичик ва ўрта бизнес субъектларига микрокредит ажратиш механизми ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.<sup>1</sup> Республика статистика қўмитасининг кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига оид статистик маълумотлари ҳам айнан 2000 йилдан бошланади. Бугунги кунда юртимизда микрокредитлаш тизимидан хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги асосий молиявий қўмак сифатида кенг фойдаланиб келинмоқда. Республикада 2006 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3750-сонли Фармони асосан «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Республика ҳукуматининг тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тизимини ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатларига<sup>2</sup> асосан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш борасида кўпгина тизимли ишлар амалга оширилди. Бу каби ислохотлар иқтисодий соҳада хотин-қизлар улушини янада кўпайтиришга, уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш учун катта шарт-шароитлар яратишга хизмат қилди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б.15.

<sup>2</sup> 2008 йил 10 ноябрдаги ПФ-4051-сонли «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2010 йил 28 июлдаги ПФ-4232-сонли «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сонли «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини ошириш ва уларнинг аҳволини яхшилаш, аёлларнинг иш билан бандлиги масаласини ҳал қилиш, айниқса, қишлоқ жойларда хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш ва демократик янгилаш, жамият ва давлат қурилиши жараёнларида хотин-қизлар ролини кучайтиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан тизимли чоралар кўрилиб, муайян тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳам ушбу масалада тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор ишларни бажариб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб таълим муассасаларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги ёшлар ва хотин-қизлар учун банк хизматларидан янада кенгроқ фойдаланишларига қўмаклашди.

Тасдиқланган графикка асосан 24 мартдан 24 июнгача Тошкент вилоятининг Оққўрғон ва Пискент туманларида, Сирдарё вилоятининг Боёвут ва Сирдарё туманларида, Жиззах ви-



лоятининг Зомин ва Ғаллаорол туманларида, Самарқанд вилоятининг Оқдарё ва Оқтош туманларида, Навоий вилоятининг Қизилтепа ва Навоий туманларида, Бухоро вилоятининг Ғиждувон ва Жондор туманларида, Сурхондарё вилоятининг Шеробод ва Қумқўрғон туманларида, Қашқадарё вилоятининг Қамаш ва Косон туманларида, Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл ва Чимбой туманларида, Хоразм вилоятининг Боғот ва Урганч туманларида, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳри ва Риштон туманида, Андижон вилоятининг Олтинкўл ва Асака туманларида ҳамда Наманган вилоятининг Мингбулоқ ва Косонсой туманларида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойлари ташкил этиш, аҳолининг кенг қатлами учун, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишларини янада кенгайтириш» мавзусида семинарлар ташкил этилди.

Ушбу семинарларда жами 370 нафар, жумладан, 264 нафар коллеж битирувчилари ва 106 нафар аёл тадбиркорларга бошланғич сармоя ажратилиши бўйича сертификатлар топширилди ва бугунги кунгача 320 та сертификат бўйича 1865,2 млн сўм миқдоридаги лойиҳалар молиялаштирилди.<sup>1</sup>

Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида хотин-қизлар ўртасида тадбиркор аёллар, фермер аёллар сафи янада кенгайди. Жумладан, хотин-қизлар бошқараётган ўқув марказлари, хусусий фирмалар, ишлаб чиқариш корхоналари сони ортди, мазкур корхона ва ташкилотларнинг улуши иқтисодийётнинг ривожланишига ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Давлатимиз томонидан қатор йиллардан буён аёлларга иш ўринлари яратиш бўйича турли дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Дастурларда ҳар бир ҳудудда кичик бизнес, касаначилик, аҳолига хизмат кўрсатишни ривожлантириш эвазига ишчи ўринлари яратиш ҳар бир ташкилот ва идора, нодавлат нотижорат ташкилотлар олдида вазифа қилиб белгилаб берилди. Шунингдек, юртимиздаги

тадбиркор аёлларни бир ғоя остида жамлаш, уларнинг барча ҳаракатларини мамлакат иқтисодини янада юксалтиришга сафарбар қилиш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Тадбиркор аёл портали» яратилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ёрдамида 8 та ҳудудда «Аёллар ижтимоий мослашув марказлари» (Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаси) фаолият олиб боради. Марказларга қийин аҳволда қолган аёллар мурожаат қилади. Уларга психолог, юрист ва ижтимоий хизматчилар ёрдам беради. 2014 йилнинг 1-чораги давомида марказларга 550 дан ортиқ аёллар мурожаат қилган бўлса, 101 тасига юридик маслаҳат берилди, 120 тасининг соғлиғи тикланди, 265 та аёлга ижтимоий ёрдам кўрсатилди. 200 дан ортиқ аёл касбий кўникмага эга бўлиб, ишга жойлашди ва ўз оиласининг иқтисодий ҳолатини яхшилашга ҳисса қўшди.

Агар 2014 йилги «Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси» танлови ғолибларига 2 млрд сўмдан ортиқ кредитлар ажратилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 4 млрд 123 миллион сўмни ташкил этди. Танлов ғолиби бўлиб, 1-, 2-ўринларни эгаллаган тадбиркор аёлларнинг 28 та лойиҳаси 2016 йил давомида тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши доимий тарзда мониторинг қилиб борилди.<sup>2</sup>

Марказий банк маълумотларига кўра, 2007 йили тадбиркор аёллар учун 90,087 млрд сўмлик кредит ажратилган бўлса, 2010 йили 250,595 млрд сўмлик кредит ажратилган. 2015 йилга келиб тадбиркор аёлларга 1 трлн 255 млрд сўмлик кредитлар ажратилди.<sup>3</sup>

Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг ривожига тўсиқ бўлиб келаётган муаммолар тадбиркорлар билан бўлган мулоқотлар жараёнида ўрганилди. Эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳар томонлама таҳлил қилинди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, «Энг муҳими, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2011 йил жорий архив маълумотлари. 12-папка, 18-варақ.

<sup>2</sup> wcu.uz. 2015 йил Хотин-қизлар қўмитасининг веб-сайти.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг жорий архив маълумотлари.



хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби танқидий қайта кўриб чиқилди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди».<sup>1</sup>

Юртимизда аёллар ва ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида 2017 йилда тадбиркор аёллар учун 1 триллион сўм, таълим муассасаларини битириб чиқадиган 10 мингга яқин ёшларимиз учун 60 миллиард сўм кредит маблағлари ажратиш кўзда тутилди.<sup>2</sup> 2017 – «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари» йили давомида «Халқ қабулхоналари»да тадбиркорлар билан бўлган мулоқотлар, айниқса, аёллар уй меҳнати, касаначилик ривожига тўсиқ бўлиб келаётган муаммоларнинг мавжудлиги республика ҳукумати томонидан янгича ёндашувга асосланган комплекс чора-тадбирлар дастурининг ишлаб чиқилишига сабаб бўлди. Жумладан, 2018 – «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан «Ҳар бир оила – тадбиркор» давлат дастури қабул қилинди. Ушбу давлат дастурининг қабул қилиниши юртимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни юқори босқичга кўтарди. Дастурга асосан банклар томонидан тадбиркорларга имтиёзли кредитлар бериш тизимининг кўлами кенгайтирилди. Кредитлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, оилавий тадбиркорларга берилди.

Имтиёзли кредит энг кам иш ҳақининг 150 бараваридан 1000 бараваригача миқдорда ажратилиб, 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилди. Низомда кредитлар амалга ошириладиган лойиҳанинг бизнес режасига мувофиқ ўзини ўзи қоплаш жиҳатларидан келиб чиқиб 2 йилгача

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи // Халқ сўзи. 2018 йил 8 март.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.347.

имтиёзли давр билан 5 йил муддатгача ажратилиши мумкинлиги, бунда берилаётган имтиёзли давр ва кредитни қайтариш муддати батафсил асослантирилиши кераклиги белгилаб қўйилди.

Кредитлар қарз олувчининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб тижорат банки томонидан уч иш кунидан ошмаган муддатда ажратиб бериш ҳақида қабул қилинган қарорга асосан берилди. Тижорат банки кредит беришни рад этган тақдирда кейинги иш кунидан кечиктирмай маҳалла фуқаролар йиғини бу ҳақда ариза берувчига маълумотномалар тақдим этди. Кредитлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан тадбиркорларга етказилди.

Микрокредит суммаси энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бўлиб, асосий қарзни тўлашга олти ой муддатли имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда уч йилгача муддатга берилади. Йиллик фоиз ставкаси миқдорлари: битта иш жойи яратилганда 9 фоиз, иккита иш жойи 8 фоиз, учтадан тўрттагача иш жойи 7 фоиз, беш ва ундан ортиқ иш жойлари яратилганда 6 фоизни ташкил этади.<sup>3</sup>

Ҳукуматимизнинг соҳа ривожига қаратилган молиявий ислохотлари кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида фаолиятини бошлаётган ва фаолият олиб бораётган хотин-қизларимиз ҳаётида ҳам ижобий ўзгаришлар ясади. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, O'zLiDeP «Аёллар қаноти» ўз фаолиятида ҳукуматимиз қарор ва фармонларини хотин-қизларга етказиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ва тадбиркорлигини ривожлантиришга молиявий кўмак бериш борасида қатор ишларни амалга оширди. Ушбу нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга молиявий кўмаклашишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2017 йил 3 февралдаги қарорига асосан «Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилга» номли лойиҳанинг туман (шаҳар) босқичларида 26660 нафар хотин-қиз иштирок этиб,

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил 13 февраль. 6-сон.



республикамиздаги етакчи тижорат банклари томонидан 1137 нафар хотин-қизга 9 млрд 909 млн 570 минг сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 4598 га яқин янги иш ўрни яратилди.<sup>1</sup>

Бироқ бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги тўсиқларнинг мавжудлиги сабабли жуда кўп муаммолар ўз ечимини топмаябди. Жумладан, аҳолининг иш билан бандлиги муаммоси, жуда кўп фуқароларнинг одам савдоси қурбонига айланаётганлиги билан боғлиқ муаммолар ҳамда жиноятчиликнинг ўсиши.

Бу муаммоларнинг ечими, биринчидан, таълим билан боғлиқ. 1997 йилда ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан республикада 12 йиллик узлуксиз таълим тизими йўлга қўйилди. Жумладан, янги мактаблар қурилди ва реконструкция қилинди, лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилиб, уларда энгилфор моддий-техника таъминоти йўлга қўйилди, коллежларнинг иқтисодиёт учун зарур мутахассислар етказиб беришдаги вазифасидан келиб чиқиб янги йўналишларда ўқитиш тизими ташкил этилди. Бироқ, биринчидан, ўқувчиларнинг узоқ масофада жойлашган касб-ҳунар коллежларда ўқиш билан боғлиқ молиявий қийинчиликлар, уларни касбга йўналтиришда ихтиёрий танловнинг бузилиши бандлик билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқарди.

Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини натижасидан кўзланган мақсад, яъни меҳнат бозорида тайёр мутахассисларга (коллеж битирувчиларига) бўлган талабнинг таклифдан пастлиги аҳволни янада мураккаблаштирди. Натижада кўп ҳолларда хусусий корхоналарга 3-4 ойдан кейин бўшатиб юбориш шартлари билан, мутахассислар учун эҳтиёж бўлмаса ҳам, шартнома асосида битирувчилар ишга жойлаштирилди ва бу ҳақда юқорига ҳисоботлар берилди.

Президент Ш.М.Мирзиёев Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида «Юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, 2016 йили Бандликка кўмак-

лашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирганлиги, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тўрт томонлама шартномаларни амалга ошириш борасида кўплаб қўшиб ёзиш ҳолатлари бартараф этилмаганлиги»ни кескин танқид қилди.<sup>2</sup> Республикада ишсизларнинг кўпчилигини коллеж битирувчилари ташкил этмоқда. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида хусусий корхоналарнинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги иштироки ихтиёрий бўлиб, ҳар бир корхонанинг иш кучига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқади.

Масаланинг яна бир жиҳати аҳоли миграцияси билан боғлиқ. Бозор ислохотлари натижасида кўплаб давлат корхоналарининг ёпилиши туфайли Россия, Туркия, Корея ва бошқа хорижий давлатларга пул топиш мақсадида бир қанча фуқароларнинг ноқонуний йўл билан кетиши кучайди. Натижада кўп ҳолларда фуқароларимизнинг одам савдоси қурбонига айланиши билан боғлиқ муаммолар юзага келди. Айниқса, улар орасида хотин-қизларнинг ҳам бўлиши жуда ачинарли эди. Мана бу ҳолатлар оилаларда отаси ёки онаси четга ишлаш учун кетиши оқибатида айни ўсмир ёшидаги ўғил-қизларимизнинг назоратсиз қолиши ва у билан боғлиқ равишда жиноятларнинг кўпайишига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг илдиэлари жуда қадимга бориб тақалади, бу борада биз етарли тажрибага эгамиз. Аҳоли бандлигини таъминлашнинг бирдан-бир йўли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришдир. Бу саъй-ҳаракатлар бугунги кунгача хотин-қизлар масаласидаги тўлиқ ечимини топмаган глобал муаммоларни бартараф этишда самара бериши зарур. Жумладан, хотин-қизларимизнинг «одам савдоси» қурбонига айланиши, оилаларнинг бузилиши, фарзандлар тарбиясидаги муаммолар, соғлом турмуш тарзига амал қилмаслик ёки енгил ҳаёт оқибатида турли бедаво касалликларга чалиниш ва ҳаётдан эрта кўз юмиш каби ҳолатлар.

<sup>1</sup> O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг жорий архив маълумоти.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.270.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: «Аёллар учун доимий иш жойлари яратиш борасидаги муҳим масала билан бир қаторда оилавий бизнес, касаначилик, ҳунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишлари ҳам оқсамоқда»<sup>1</sup>, – дея куюнчаклик билан фикр билдирди.

Бугунги кунда республикада оилавий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит яратилиши натижасида аҳоли бандлигини таъминлаш кўлами янада кенгайди. Агар 2012 йили оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадлари учун 91,3 млрд сўм кредит маблағлари ажратилган бўлса, 2016 йилда ушбу рақам 367,2 млрд сўмга етди, аниқроғи, тўрт баробар ошди. 2017 йилда юртимизда 8 мингдан ортиқ оилавий корхоналар мавжуд бўлди. Лекин ҳудудлар кесимида ўрганилганда юридик мақомга эга оилавий тадбиркорлик субъектлари сонидаги кескин фарқ кўзга ташланади. Хусусан, Тошкент шаҳрида 1027 та, Фарғона вилоятида 1102 та, Тошкент вилоятида 1000 га яқин оилавий корхоналар фаолият юри-

таётган бир пайтда Сирдарё вилоятида атига 9 та, Наманган вилоятида 37 та оилавий корхона мавжуд. Мазкур ҳолатларга фуқароларнинг оилавий тадбиркорлик субъектларига берилган қонуний имтиёзлар ҳамда қулайликлар ҳақида етарлича тушунчага эга эмасликлари сабаб бўлмоқда.<sup>2</sup>

Шундай қилиб, ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётида, айниқса, иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлган тадбиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг мавқеи муҳим ўринга эга. Бинобарин, бугунги кунда мамлакатда тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар уларнинг оила ва жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашларига имкон бермоқда. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал тараққий топтириш баробарида тадбиркор аёлларнинг Ватанимиз равнақи, оилалар фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кутарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б.281.

<sup>2</sup> Маҳкамova Ф. Оилавий тадбиркорлик нега оқсамоқда? // Халқ сўзи. 2017 йил 20 июнь.



# ВЕЛИКИЙ МАНАСЧИ ЖУСУП МАМАЙ



Субакожоева Чолпон,  
докторант ИМЛИ им. А.М.Горького

## К 100-летию Жусупа Мамаю

В сокровищнице духовных ценностей человеческой цивилизации особое место занимают произведения устного народного творчества. Фольклор как явление культурного наследия народа сохранил и донес до нас ценные сведения об истории, жизни, традициях и быте различных этносов.

Одним из ярких памятников духовной культуры кыргызского народа является героический эпос «Манас». В мире это самое большое по объему эпическое произведение, а также то, что у кыргызского народа были и есть люди, обладающие необычным даром – даром манасчи (сказитель эпоса «Манас»). Именно благодаря им сегодня сохраняется живая сказительская традиция и наши современники, включая молодое поколение, имеют возможность обратиться к своим истокам, черпая в них важную информацию и бесценный исторический опыт.

Это уникальное эпическое собрание дошло до нас благодаря манасчи Жусупу Мамаю (1918 – 01.06.2014) из СУАР. Он единственный, кто сказывал героический эпос в таком объеме – от момента появления кыргызов, рождения Манаса до подвигов его седьмого потомка Чигитея. Жусуп Мамай – достойный преемник и продолжатель древней традиции устного исполнения историко-героических произведений. Его имя заслуженно стоит в одном ряду с именами великих сказителей, таких как Сагымбай Орозбаков, Саякбай Каралаев.

Жусуп Мамай родился и жил в Кызыл-Суйском кыргызском автономном округе Китайской Народной Республики. Он происходил из

племени черик и как он сам рассказывал, его предки жили на предгорьях выше Намангана, в местностях Боз-Бел, Кырк-Мойнок. По его подсчетам, примерно в 1704 году, в период, когда усиливались очередные походы ойратов на Кыргызстан, его прадед перебрался в Ат-Башы, оттуда в Восточный Туркестан, точнее – Ак-Чийский район (Жусуп Мамай. Бар бололу агайын журт! // Журн. «Ала-Тоо». 1990. №3. – С.138).

Прославленный Жусуп Мамай действительно последний из плеяды великих сказителей. Он из той когорты уникальных корифеев, увы, уходящих ныне в историю, которые являлись не только гениальными манасчи, но и неутомимыми собирателями устного народного творчества и фанатичными популяризаторами «степной Илиады». Мудрец обогатил древнюю сагу, добавив к образу Манаса, его сына Семетея и внука Сейтека позабытых в стране Ала-Тоо представителей следующих поколений!

Он был человеком своего, уже просвещенного, времени. И то, что он активно участвовал в записывании и издании всех томов эпического наследия, нисколько не уменьшает его яркого





таланта сказителя. Здесь мы согласны с мнением Чингиза Айтматова, который писал: «Великий эпос воистину обрел себе вторую, теперь уже вечную, бессмертную жизнь – жизнь в книге. ... В этом его большое историческое счастье» (Ибраев К. Мамай – последний из могикиан // Слово Кыргызстана. 05.07.2013). Чингиз Айтматов называл его «человеком, который сохранил дух кыргыза». По его приглашению Жусуп Мамай впервые приехал в 1989 году в Кыргызстан.

Задолго до этого события о нем писали в своих исследованиях, посвященных сказительскому творчеству и феномену сказителя (манасчи, жомокчу), известный российский ученый Б.Н. Путилов (Путилов Б.Н. Эпическое сказительство. Типология и этническая специфика. – М., 1997), известный немецкий ученый Карл Райхл (Райхл К. Тюркский эпос. Традиции, формы, поэтическая структура. – М.: Восточная литература, 2008. Серия основана в 1969 г.). Существенный вклад в изучение творчества Жусупа Мамай внесла китайский ученый Лан Йин (Лан Йин. «Манаска» анализ. – Бейжин, 1999). Позднее ее ученики Адыл Жуматурду и Токон Ысак кызы проделали большую работу по переводу и изданию на китайском языке эпоса «Манас». Ими написан ряд работ о жизни и сказительстве Жусупа Мамай (Ысак кызы Токтобүбү. Жуматурду уулу Адыл. Залкар Манасчы Жусуп Мамай. – Бишкек, 2014).

Сказительский дар Жусупа Мамай родился и созрел в недрах киргизского устного народного творчества на китайской земле, окреп и получил мировую известность. Жусуп Мамай был неординарной личностью, которая сочетала в себе феномен манасчи и просветительское служение своему народу. Он был грамотным, образованным человеком, с детства читал и писал на арабском, в более позднем возрасте выучил кириллический алфавит, чтобы читать и другие письменные источники.

Тяжелые жизненные обстоятельства не убили в нем стремления собирать, систематизировать, исполнять, хранить и передать потомкам полную версию героической истории любимых народных героев, издревле хранимых в памяти десятков поколений кыргызов.

Он создал собственную школу, насчитывающую более 40 сказителей, и именно благодаря

его усилиям сегодня «Манас» популярен среди кыргызов автономного края как никогда.

В мае 2014 года в рамках проекта «Сохранение и распространение наследия Жусупа Мамай» в Кыргызстане вышел на кыргызском языке в восьми томах героический эпос «Манас». В восьмитомник, помимо традиционной трилогии «Манас», «Семетей», «Сейтек», вошли сказания еще о пяти потомках баатыра, это: «Кененим» (сын Сейтека), «Сейит» (сын Кененима), «Асылбача, Бекбача» (сыновья Сейита), «Сомбилек» (сын Бекбачи, а его брат Асылбача погибнет совсем юным), «Чигитей» (сын Сомбилека).

Мною, как исследователя Института манасоведения Кыргызского государственного университета имени Ишеналы Арабаева в Бишкеке на протяжении многих лет изучается творчество Жусупа Мамай. С целью расширения читательской аудитории, «Манас» Жусупа Мамай переведён и на русский язык. Большой вклад в переводе «Манаса» на русский язык внесла известный поэт Кыргызстана Светлана Сулова. В настоящее время литературный перевод, а также дословный перевод академического издания рассматривают в отделе мирового эпоса Института мировой литературы им. М.Горького в Москве.

Мы находимся только в начале пути по изучению его творчества. Мне выпало редкое счастье быть рядом с этим человеком, беседовать с ним, прикоснуться к его миру Манаса. На меня легла большая ответственность подготовить к изданию на кыргызском языке новый уникальный вариант этого героического эпоса по версии Жусупа Мамай. Уникальность его, прежде всего в том, что в нем более чем в 200 000 строках рассказана полная история восьми поколений баатыра Манаса.

За исключительные личные заслуги в деле сохранения великого эпоса «Манас» и других эпических произведений, а также выдающийся вклад в обогащение исторического и культурного наследия народа Кыргызстана Указом Президента КР от 30 мая 2014 года Жусупу Мамаю присвоена высшая степень отличия «Кыргыз Республикасынын Баатыры» от 30 мая 2014 года с вручением особого знака «Ак-Шумкар».



# БИР СУҲБАТ ТАРИХИ

Бундан 19 йил муқаддам мен Фарғона давлат университети қошидаги Ўзбекистон тарихини ўрганиши ва ўқитиши марказининг директори лавозимида ишлар эдим. Мен ҳамда марказимиз илмий ходимлари Мақсуджон Жабборов ва Аҳмаджон Салмонов Тошлоқ туманидаги Сўкчилик маҳалласига, шу ерда истиқомат қилган Одилжон ота Зокировнинг уйига ташириф буюрдик. Таширифдан асосий мақсад Одилжон ота билан у кишининг тоғалари – Фарғонада совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш йўлбошчиларидан бири Муҳаммад Аминбек (Мадаминбек) Аҳмадбеков ҳақида суҳбат қилиши эди. Бир пиёла чой устида биз Мадаминбек ҳақида, унинг қариндошларининг кейинги ҳаёти, умуман, совет давридаги тарихимиз тўғрисида узоқ суҳбат қилдик.

Суҳбатимиз матнини қозоғза туширгач, уни матбуотда чоп эттиришига жазм қилдик. Матнни кўтариб пойтахт ва вилоятдаги бир неча газета ва журналлар таҳририятига мурожаат қилинди. Аммо муҳаррирлар турли баҳоналар билан суҳбат матнини чоп этишни хоҳлашмади. Ҳафсаламиз пир бўлиб, журналист дўстим Одилжон Жалоловга «шикоят» қилдим. У матн билан танишиб чиқиб, ўзи муҳаррирлик қилган, Фарғона вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириши институтида нашр этилган «Устоз» мажалласида чоп этиши мумкинлигини айтди. Мен рози бўлдим. Дарҳақиқат, 2001 йилнинг бошида суҳбат матни анча қисқартирилган ҳолда ушбу мажалланинг 1-сонидида чоп этилди. Бунинг учун биз Одилжон Жалоловга чин юракдан миннатдорлик изҳор этдик.

Аммо суҳбат матни тўлиқ ҳолатда чоп этилмаганлиги кўнгилimizда армон бўлиб қолди. Шунинг учун «Водийнома» журнали таҳририятидан ушбу матнни тўлиқ нашр этишни илтимос қилдик. Матн деярли ўзгаришсиз асл ҳолатида тақдим этилмоқда.

**Р.А.Арслонзода**

## МАДАМИНБЕКНИНГ ҚАЙТИШИ

Фарғона вилоятининг Тошлоқ шаҳарчасида 77 ёшга кирган уруш ва меҳнат фахрийси Одилжон ота Зокиров истиқомат қиладилар. У киши истиқлолчилик ҳаракатининг энг йирик намояндаларидан бири Мадаминбек Аҳмадбековнинг жияни бўладилар. Биз қуйида тарихчи олим Раҳматжон Арслонзоданин Одилжон ота Зокиров билан Мадаминбек ҳақида ҳамда советлар давридаги тарихимиз тўғрисидаги суҳбатини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

**Р.Арслонзода:** Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ватан истиқлоли учун курашган, шу мақсад йўлида ўз жонини фидо этган миллий қаҳрамонларимиз ҳақида бемалол гапириш имкониятига эга бўлдик. Шундай ёрқин сиймолардан бири Мадаминбекдир. Совет давридаги адабиётларда Мадаминбек салбий шахс сифатида талқин этилган. Мустақилликкина бу фидойи инсон шаънига маломат тошларини отишга чек қўйди. Авваллари «босмачилар» деб аталган, аслида, юрт озодлиги учун кураш олиб борган ватанпарварлар ҳақида ўнлаб мақола ва китоблар нашр қилинди. Жумладан, тоғангиз Мадаминбек ҳақида Иброҳим Карим ва Алишер Ибодиновнинг китоблари чиқди.<sup>1</sup> Бу яхши, албатта. Лекин Мадаминбекнинг ҳаёти ва фаолиятини янада чуқурроқ ўрганиш зарур деб ўйлайман. Бу борада архивлардаги ҳужжатлар билан бир қаторда Мадаминбекнинг қариндошлари ва сафдошларининг эсдаликлари ҳам муҳим ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилмоқда.

**О.Зокиров:** Жўда тўғри гапни айтдингиз. Аммо советлар даврида Мадаминбекнинг қариндошлари у киши ҳақидаги хотираларини қозоғза тушириш ва матбуотда эълон қилиш имкониятидан маҳрум эдилар. Қолаверса, у даврда бу хавфли ва қалтис иш бўлган. Қатагон балосидан омон қолган истиқлолчилар,

<sup>1</sup> Ибодинов А. Қўрбоши Мадаминбек (Ҳужжатли қисса). – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – 64 б; Иброҳим Карим. Мадаминбек. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 160 б.



Доцент Р.А. Арслонзода Одилжон ота Зокировдан тоғаси Мадаминбек ҳақида эсдаликларини ёзиб олмоқда

Мадаминбекнинг сафдошлари ҳам шу сабабли бу ишни қилолмас эдилар. Бешкапа қишлоғида Абдуқори ота деган бир одам бор эди. У киши Мадаминбекнинг қўл остида жанг қилган йигитлардан бўлган. Абдуқори ота советлар даврида ҳам бир неча маротаба менинг олдимга келиб: «Ука, мен Мадаминбек ҳақида билганларимни айтмай, сен ёзиб олгин», – деганлар. Лекин, гапнинг очиғи, мен у кишининг эсдаликларини ёзиб олишга ботинолмадим. Шу ишнинг орқасидан мени тегишли идораларга чақириб, савол-жавоб қилишлари мумкин деб ҳадиксирадим. Ҳозир эса тоғамнинг сафдошларидан ҳеч ким қолмади. Мадаминбекнинг яқин қариндошлари – акалари Амирали тоғам, сингиллари – холам Фаҳринисо ва онам Меҳринисо ҳам оламдан ўтдилар. Шу боисдан Мадаминбек ҳақидаги хотираларни ёзиб олишнинг имкони бўлмади. Фурсат қўлдан кетди десак ҳам бўлади.

**Р.Арслонзода:** Афсуски, бу мулоҳазаларингиз аччиқ ҳақиқатдир. Шундай бўлса-да, Сиз Мадаминбекни кўрган, у билан доимий мулоқотда бўлган инсонлар, яъни падари бузрукворингиз ва волидаи муҳтарамингиз билан тоғангиз ҳақида гаплашгансиз, албатта. Улар Сизга Мадаминбек ҳақида нималарни сўзлаб берганлар?

**О.Зокиров:** Отам Зокиржон Қурбонов Мадаминбекнинг кичик опалари Меҳринисони (менинг онамни) никоҳларига олганлар. Отамнинг

айтишларича, у киши қайноғалари Мадаминбек билан яхши муносабатда бўлганлар, икковлари бир-бирларини ҳурмат қилганлар. Отам анча муддат Мадаминбек билан бирга юриб, тоғамни турли вазиятларда кузатганлар. Аммо замонанинг зўрлигидан бўлса керак, отам тоғам ҳақида кўп гапирмас эдилар. Мен болалигимда мактабдан ёки кўчадан баъзан тоғам ҳақида «босмачи», «каллакесар» каби гапларни эшитиб, хафа бўлиб уйга қайтардим. Шундай кунлардан бирида хунобим ошиб, отамдан: «Дада, наҳотки, менинг тоғам шундай ёмон одам бўлган бўлса?» – деб сўрадим. Отам эшикни ёпиб, ёнларига келиб ўтиришимни айтдилар. Шундан сўнг паст овозда: «Ўғлим, бундай бўхтонларга ҳеч қачон ишонма. Тоғанг Мадаминбек ҳалол, инсофли, диёнатли инсон эди», – дедилар. Сўнг қўшиб қўйдилар: «Сен бу гапларни ҳеч қаерда айтмагин. Замон кўтармайди. Иншооллоҳ, Мадаминбек ҳақида ҳақиқатни айтадиган кунлар ҳам келади». Мана шундай кунлар ҳам келди, лекин отам бу кунларни кўрмадилар.

Отам Мадаминбек адолатпарвар, айнаи вақтда, қўнғилчан инсон эканлигини таъкидлаб, қуйидаги воқеани айтиб берганлари ҳали-ҳали эсимда. Кунлардан бир куни Мадаминбек ҳузурига Ўш томонлардан ўндан ортиқ мўйсафид келишибди. Улар беқдан анча нарироқда тўхтаб, тиз чўкибдилар. Мадаминбек отамга: «Почча, тезда уларни турғизиб, олдимга олиб келинг», – деб буюрибди. Мўйсафидлар қўрбоши Холхўжа устидан арз қилиб келишган экан. Улар Холхўжа шариятни хор қилганини айтиб, Мадаминбекдан унга қарши чора кўришни илтимос қилишибди. Шу воқеадан сўнг Мадаминбек пайт топиб кўпчилик олдида Холхўжага танбеҳ берибди. Ушбу воқеадан сўнг Холхўжа Мадаминбекка нисбатан кек сақлаб юрар экан. Бунинг оқибати нимага олиб келганлигини кўпчилик яхши билади. Отам раҳматли яна шундай деганлар: «Тоғангнинг қўли баланд бўлганда Холхўжани бемалол йўқ қилиши мумкин эди, лекин у бундай қилмади. Холхўжа эса Мадаминбекдан ўч олиш учун ягона имкониятдан фойдаланди».

**Р.Арслонзода:** Одилжон ота, мен бир нарса-ни қўшимча қилмоқчиман. Мадаминбекнинг



ўлимидан кейин халқ у ҳақда анча шеърлар ижод қилган экан. Шундай тўртликлардан бирида халқнинг бу машғум воқеага муносабати яққол кўриниб турибди. Ушбу шеърни мен анча йиллар олдин Мадаминбекни ўз кўзи билан кўрган марғилонлик бир отахондан ёзиб олганман. Мана ўша тўртлик:

*Сой ичида майда тош,  
Бек акангдир қаламқош.  
Бек акангни ўлдирган  
Холхўжадир бағри тош.*

**О.Зокиров:** Кўп яшанг. Дарҳақиқат, бу тўртликни халқнинг Холхўжа устидан чиқарган ҳукми деса бўлади.

Мен юқорида берган саволингизга яна шуни қўшимча қилмоқчиман. Отам 1920 йилда Мадаминбекнинг Тошкентга қилган сафари чоғида у кишига ҳамроҳлик қилган эканлар. Отам Мадаминбекнинг ўша вақтдаги раҳбарлар билан олиб борган музокаралари ҳақида, Тошкентда Мадаминбекка кўрсатилган иззат-ҳурмат тўғрисида гапириб берганлар.

**Р.Арслонзода:** Мен дадангизнинг Мадаминбек тўғрисидаги мулоҳазалари тўғри эканлигига ишонаман. Нега десангиз, Фарғона вилоят давлат архивида Мадаминбек фаолияти билан боғлиқ кўп ҳужжатларни кўриб чиқдим. Лекин ҳозирча уларнинг биронтасида Мадаминбекнинг қонхўрлигини исботловчи маълумотга дуч келмадим. Тўғри, уруш қурбонсиз бўлмайди. Мадаминбек Фарғона аҳлини қон қақшатган қизил аскарлар ҳамда шўро ҳокимияти амалдорларига шафқат қилмаган, лекин тинч аҳоли ва бегуноҳ шахсларни қийнаган эмас. Гапимнинг исботи тариқасида бир архив ҳужжатидан парча келтирмоқчиман. Мана, менинг қўлимда Наманган уезди Янги-Қўрғон участка комиссари ёрдамчиси И.Кохновичнинг Фарғона вилоят советига юборган билдиришномаси. Совет ҳокимиятининг вакили бўлган бу шахснинг 1918 йил 30 ноябрда ёзган билдиришномасида қуйидаги сатрларни ўқиймиз:

*«29 ноябрь куни кундузи соат 1 да мен идо-рада отлиқ милиционер Андрианов билан шу-*

*гулланаётган пайтимда тўсатдан бир тўда қароқчилар [яъни истиқлолчилар – Р.А.] бос-тириб кирдилар. Улар бизни ушлаб, қўлимизни боғладилар... Сўнгра бизни қуриб қолган Чортоқ сойига олиб боришди. Биз бу ерда Мадаминбек бошчилигидаги 500 га яқин кишидан иборат қароқчилар отрядини кўрдик. Бизни сўроқ қилишди, «большевик эмасмисизлар?» деб сўрашди. Шу ерлик одамлар биз маҳаллий аҳолига ҳеч қандай ёмонлик қилмаганимизни айтганларидан сўнг бизни қўйиб юборишди. ... Бундан ташқари, Чортоқ станциясининг оқсоқоли Комилбоев ва Чортоқ волости бошқарувчисини ҳам қўлга олдилар. Уларни Қарасқон қишлоғидан узоқроқда Мадаминбекнинг ўзи сўроқ қилганидан сўнг қўйиб юбордилар. Қароқчилар бошлиқларидан бири: «Комиссарни огоҳлантириб қўйинглар: агар у аҳолига ёмон муносабатда бўлса ёки бизларга зарар етказса, биз уни, қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳатто шаҳарда бўлса ҳам, албатта, топамиз», – деди» (ФВДА. Ф. 121, р.1, й. 39, в. 119 – 120).*

Ҳужжатдан келтирилган ушбу парчадан Мадаминбек, аввало, оддий халқ манфаатларини ҳимоя қилганлиги ва асло қонхўр бўлмаганлигини билиб олиш қийин эмас.

**О.Зокиров:** Мен ҳам тоғам Мадаминбек тўғрисида одамлардан ёмон гап эшитмаганман. 60 – 70-йилларда турли ишлар билан Андижон, Наманган, Ўш, Жалолобод вилоятларида бўлганман, турли давраларда қатнашганман. Ўшанда Мадаминбекни кўрган, у билан мулоқотда бўлган одамлар билан суҳбатлар қилганман. Улар ҳам тоғамнинг покиза ахлоқли, одамохун инсон бўлганлиги тўғрисида гапирганлар.

Сизга яна бир қизиқ воқеани айтиб бермоқчиман. 60-йилларда (аниқ санаси эсимда йўқ) Бекобод томонлардан Дадажон полвон ва Абдураззоқ изборчи деган одамлар келишди. Улар, асли, фарғоналик бўлиб, 30-йилларда қулоқ қилиниб, Бекобод туманига кўчиртириб юборилган экан. Ўша мен номларини тилга олган шахслар ўз вақтида Мадаминбек уларга қилган яхшиликлари учун сарпо қилиб уйимизга келдилар ва бир кеча ётиб қолиб, эртасига қайтиб кетдилар. Уларнинг ташрифи биз-



нинг озурда кўнглимизни тоғдек кўтарганини бир тасаввур қилинг.

**Р.Арслонзода:** Мадаминбек ёмонотлик қилинган даврда сизларга қўни-қўшни ва маҳалла-қўйнинг муносабати қандай эди? Маҳалладошларингиздан кимлардир сизларга ёмон кўз билан қараб, «қўрбошининг қариндоши» деб камситган ҳоллар бўлганми?

**О.Зокиров:** Йўқ. Бундай одамлар бўлган эмас. Тоғамни яхши билган маҳалладошларимиз Мадаминбек нопок шахслар, ўғриларга нисбатан мурасасиз бўлганлиги, беш вақт намозни қанда қилмаган мўмин инсон бўлганлигини таъкидлар эдилар. Аммо бу гаплар тор доирада, пинҳона тарзда айтилар эди.

**Р.Арслонзода:** Мадаминбекнинг яқин қариндоши бўлганингиз сизларнинг кейинги ҳаётингизга таъсир қилганми?

**О.Зокиров:** Албатта, таъсир қилган. Таъсир қилганда ҳам кўпроқ салбий таъсир қилган дейиш ўринли бўлади. Мен буни ўзимизнинг оиламиз мисолида сўзлаб бермоқчиман. Биз оиламиз билан Наманган вилоятининг Норин районида истиқомат қилганмиз. Мен 1923 йилда шу райондаги Тўда қишлоғида туғилганман. Қишлоғимизда колхоз тузилганда мен 7-8 яшар бола эдим. Отам тўғрисўз, ҳалол одам бўлганлиги учун одамлар у кишини колхозга раис этиб сайлаганлар. Лекин уч нафар партия аъзоси юқори ташкилотларга хат ёзиб, нега қўрбошининг поччаси колхозга раис бўлиши керак деб отамни қаматдилар. Отамни тўғри даладан, пахта чопиқ қилинаётган жойдан олиб кетишди. Шундан сўнг онам ва биз – тўрт бола кўп сарсон бўлдик. Бизни далага йўлатмай қўйишди, колхоздан ҳайдашди. Яхшиямки, уч таноб еримиз бор эди, шу ерни бизга қолдиришди, тортиб олишмади. Якка хўжалик бўлиб, шу ерда деҳқончилик қилдик ва бир амаллаб тирикчилик қилиб турдик. Янги раисга ялиниб-ёлвориб колхозга аъзо бўлиб кирдим. Ўшанда 11 яшар бола эдим. Ҳозир биров бу гапга ишонмайди, лекин бу ҳақиқат. Бир йилдан сўнг бригадага табелчи бўлдим. Бир вақтнинг ўзида аравакашлик ҳам қилдим, мактабда ҳам ўқидим. 16 яшарлигимда Катта Фарғона канали қурилишида қатнашдим. Бу орада отам қа-

моқдан қайтиб келдилар. Ҳаёт анча изга туша бошлади.

Аммо урушнинг бошланиши эл қатори бизнинг бошимизга ҳам кўп кулфатлар олиб келди. Мени 1941 йилда Шимолий Наманган каналининг қурилишига сафарбар қилишди. Қурилишда кечаю кундуз тинмай меҳнат қилдик. Бу ерга Йўлдош ота Охунбобоев келганлари ҳалиям эсимда. У киши бизни руҳлантириб: «Ҳа, ўғилларим, бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади. Канал битса, қанчадан-қанча боғ-роғлар барпо қиламиз. Бугунги меҳнатимизнинг роҳатини мен кўрмасам, сизлар кўрасизлар, сизларнинг фарзандларинг кўришадими», – деганлари эсимдан чиқмайди. Йўлдош ота жуда оддий инсон эканлар. У киши баъзан бировнинг қўлидан чўкич ёки кетмонни олиб, ўзлари ишлаб кетардилар, баъзан тупроқ солинган қопларни йигитларнинг елкасига кўтаришиб берардилар.

1942 йилда аввал акам, кейин мен фронтга чақирилдик. Мен Харьков шаҳридан Прагагача бўлган жанговар йўлни босиб ўтдим. 1946 йилда отам вафот этганларидан сўнг Тошлоқнинг Сўкчилик маҳалласига қайтиб келдик. Урушдан кейин мен 18 йил давомида Марказий Фарғона чўлини ўзлаштиришда қатнашдим. Пахтачилик бригадасига бошчилик қилдим. Нафақага чиққунга қадар боғ бригадасини бошқардим.

**Р.Арслонзода:** Сиз Мадаминбекнинг жияни эканлигингизни одамлардан яширишга ҳаракат қилганмисиз?

**О.Зокиров:** Ҳа, шундай қилишга тўғри келган. Маҳалла-қўйда буни яширишнинг иложи йўқ эди. Лекин бошқа жойларда Мадаминбекнинг жияни эканлигимни сир сақлашга ҳаракат қилганман. Яна бир нарсани айтмоқчиман. Биз армияда баъзан «оғаларимиз» билан гап таллашиб қолганимизда уларнинг айримлари бизни «босмачи» деб камситишарди. Энди тасаввур қилинг, шундай пайтда улар мени Мадаминбекнинг жияни эканлигимни билишса, бизга кун йўқ эди-да.

**Р.Арслонзода:** Шундай пайтларда Мадаминбекнинг жияни бўлганингиздан афсусланганмисиз?



**О.Зокиров:** Ростини айтсам, ёшлигимда қариндошлигим туфайли дакки еганимда баъзан афсусланганман.

Р.Арслонзода: Сиз отангизнинг Мадаминбек ҳақидаги айрим эсдаликларини сўзлаб бердингиз. Лекин онангизнинг у киши ҳақидаги хотиралари ҳақида гапирмадингиз.

**О.Зокиров:** Онам хат-саводи бўлмаган оддий ўзбек аёли бўлсалар-да, ўша замонда Мадаминбек ҳақида кўп гапириш мақсадга мувофиқ эмаслигини англаб етган эканлар, шекилли. Чунки мен бир неча марта онамни кистаб тоғам ҳақида гапириб беринг деганимда: «Кўй, болам, эски гапни ковлаштириб нима қиласан?» – деб жавоб берганлар. Ҳозир ўйлаб кўрсам, ўшанда онам биз – фарзандларини эҳтиёт қилган эканлар. Лекин бир воқеани яхши эслаб қолганман. Бир кун онам деразадан кўчага қараб туриб: «Одилжон, узоқда келаётган анови кишини кўряпсанми? – деб сўрадилар. – Унинг жуссаси ҳам, юришлари ҳам худди Мадаминбек тоғангнинг ўзгинаси-я». Ўша одамнинг шарпаси кўздан ғойиб бўлгач, онам кўзларига ёш олиб: «Қани эди, тоғанг, ҳеч нарса бўлмагандек, эшик қоқиб ҳовлимизга кириб келса», – деб хўрсиниб қўйдилар.

**Р.Арслонзода:** Онангизнинг оғизларига бу гапни Худонинг ўзи солган экан. Мана, ҳозирги дориломон кунларда Мадаминбекнинг покиза номи тикланиб, унинг руҳи ўз юртига, Ватанига қайтиб келди.

**О.Зокиров:** Оллоҳга шукрлар бўлсинким, шу кунларга ҳам етиб келдик. 1998 йилнинг ёзида бўлса керак, биз мана шу уйда раҳматли рафиқам билан телевизор кўриб ўтирган эдик. Айтмоқчи, у киши ҳам Мадаминбекнинг жияни бўладилар. Биз икковимиз опа-сингилларнинг фарзандларимиз. Ўшанда Аҳмад ал-Фарғонийнинг юбилейига тайёргарлик кетаётган эди. Телевизорда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Фарғонага ташрифи ҳақида кўрсатув намойиш этилди. Фарғона шаҳрининг марказий боғида барпо этилаётган иншоотларни кўздан кечириб Президентимиз унга ҳамроҳлик қил-

ган вилоят раҳбарлари билан суҳбат чоғида Мадаминбек тоғамиз ҳақида илиқ гапларни айтдилар. Ўшанда бизнинг севинганимизни кўрсангиз эди. Шундан сўнг мен Мадаминбекнинг руҳи юртимизга қайтиб келганига ишонч ҳосил қилдим. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришганлиги ҳамда Ислоҳ Каримовнинг халқчил ва одилона сиёсати маҳсулидир.

*Одилжон ота билан суҳбатимиз анчагача чўзилди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, камтар бу инсон билан мулоқот қилиб, биз яқин ўтмишдаги тарихимизни яна бир карра чуқур ҳис этдик, унинг ҳам ҳасратли, ҳам нурли саҳифалари кўз ўнгимизда гавдаланди. Суҳбатимиз пировардида Одилжон отадан муштарийларга, ёшларга қандай дил сўзларингиз бор деб сўрадик.*

«Ҳозирги ёшларимиз чинакам бахтли инсонлардир, – деди Одилжон ота. – Чунки уларга Мадаминбек орзу қилган озод Ватанда яшаш бахти насиб этди. Бунинг қадрига етиш керак. Мен халқимизни, ёшларимизни аҳил бўлишга, суюкли Ўзбекистонимизни ғанимлардан ҳимоя қилишга даъват этаман. Ҳаммамиз қўлни қўлга бериб, иттифоқ бўлиб юртимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида меҳнат қилишимиз даркор. Ёшларимиз омон бўлишсин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин».

### Сўнгги сўз

*Халқимиз Мадаминбек сингари фидойи ўғлонлари хотирасини ҳамиша ардоқлаб келган. Шундай экан, бу халқпарвар, ватанпарвар инсоннинг хотирасини ададийлаштириш пайти келди. Мадаминбек тугилиб ўсган Сўкчилик маҳалласидаги мактаб ва кўчаларнинг бири унинг номи билан аталса, Тошлоқда ёки Фарғонада унга ҳайкал ўрнатилса, айти муддао бўларди.*

Суҳбат 2000 йил 14 мартда Тошлоқ шаҳарчасида Одилжон ҳожи Зокиров хонадонида ёзиб олинди.



# АРМОН БЎЛИБ ҚОЛГАН БИР СУҲБАТНИНГ КЕЧИККАН БАЁНИ

**Чуқур ҳурмат билан ушбуни тарих илми паҳлавони, дostonлардаги Рустамдек Рустамбек Шамсиддиновнинг муборак 80 ёшларига бағишлайман. Умрлари зиёда бўлсин деб,**

**Мирсодиқ Исҳоқов**



Кўнгилда кўп яхши ниятларни тугиб юрамиз. Гоҳ у сабаб, гоҳ бу баҳона – ният йўлида ҳаракатимизни пайсалга соламиз. Кечиккан ёки амалга ошмай қолган ниятларимизга келсак, бунинг ҳам йўлини топиб, ўзимизни оқлашга уринамиз. Аслида, гап фақат ўзимизда.

Шу каби армонли фикрларга берилиб ўтириб улуг олим, ўзбек тарихи илмининг дарғаси, умр саҳифаларини каму кўпи билан беш юздан ортиқ илмий асарлар, юзга яқин монографиялар, илмий рисоалар, дарслик ва қўлланмалар билан беаган устоз Рустам Шамсутдинов билан бир суҳбатимизни эсладим. Гапдан гап чиқиб деганларидек, суҳбатимиз советларнинг ғайриинсоний қатағон сиёсати ҳақида бора туриб домлага бизнинг аجدодларимиз бошига тушган қатағон кулфатлари ҳақида оғиз очиб қолган эдим. У киши масалага бирдан жиддий эътибор бера бошладилар, бу маълумотларни ёзиш кераклигини таъкидладилар. Шунда мен ўша машғум қора кунларнинг жабрдийдаси, 11 ёшида отаси қулоқ деб қувғин қилиниб, мол-мулклари мусодара этилган отанинг сарсон

бўлиб қолган қизи – онам ҳаёт эканларини, 85 ёшга етиб қолганлари, хотиралари шу қадар тиниқлигидан бўлган воқеаларни кунма-кун эслашларини айтган эдим. Онаминг хотиралари ёзиб олинса, бирор-бир саҳифага яраса ажаб эмас дегандим.

Замон тўхтамас, вақт эса ўтаверди, биз Рустам ака билан кўришганимизда баъзан ўша суҳбатимизни эслашиб ҳам қўяр эдик. Аммо пайт топиб онаминг хотираларини ёзиб олишга кунт қила олмадик. Бунда мен асосан ўзимни койийман. Ахир ўзинг ҳар куни онангнинг ёнларида эдинг-ку, қўлинг қаламли бўлса, қолаверса, ёзиб олишнинг турли техник имкониятларидан фойдалансанг бўлмасмиди дейман. Ҳа, афсус. Онамиз Мунаввар Тўхтабой қизи 92 ёшда фоний дунёни тарк этиб, 2012 йили боқий дунёга рихлат қилдилар. Оллоҳ жаннатий қилсин. Мен онамдан кўп маротаба эшитганларимни баҳоли қудрат баён этишга жазм қилдим, токи армонимиз ушалсин.

1930 – 1931 йилларда Тошкентнинг шимолидаги Юнусобод мавзесида Совет давлатининг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсатига жавобан деҳқон ва боғдорларнинг ерларини колхозга қўшиш, ўзига тўқ хонадонларнинг ерларини ва мулкларини жамоалаштириш ишлари бошланган кунлар. Навбат ака-ака Турсунбой ва Тўхта бойвачча Ризаҳожини ўғилларига келиб, янги ташкил топаётган колхоз идорасида мажлис бўлибди. «Райондан келган вакил» иштирокида ким бу ерда бой деган масала кўрилибди. Мажлис бўлган ерда бир неча «қулоқ чиқиши» шарт бўлар экан. Акс ҳолда, район вакили «ёмон ишлаган»га чиқарилар экан. Хуллас, «пилон» (план) бўйича қулоқ

«топиш» шарт экан. Мажлисда бизнинг боболаримиздан Тўхтабой бувамиз қулоқ деб эълон қилинибди. Хўш, кенг кўнгилли, саховатпеша, ўзи ва тўрт ўғли, тоғаларим билан бирга Юнусобод оқтепаси ёнбағирларидаги янтоқзорларни ўзлаштириб боғ яратган, анвойи ток навларини экиб кўпайтирган, мўл-кўл ҳосилларини ХХ аср бошларидаёқ Маскоп (Москва)гача поездда етказа олган, сўнгра Москвада ёзу кузда ҳўл мева, қишда қуруқ мева билан савдо қиладиган дўконлар очишгача эришган тадбиркор инсон советларнинг бахилликдан иборат сиёсати қурбони бўлса, додларини кимга айтсин эди? Ақлу идроки, оқилона меҳнати билан ўзини ҳам, халқини ҳам тўйдиришга хизмат қилиб келган советлар учун бегона ва халқига душман қилиб айбланса, бунга чора қаерда эди?



Мазкур ясама «мажлис»да иштирок этган Имомалихўжа деган қўшни боғбон икки боғ ўртасидаги шох-шабадан тўқилган ғов ортидан келиб: «Тўхтавой ака, у ёқ-бу ёғингизни эҳтиёт қилинг, сизни қулоқ қилишди», – деб хабар берибди. Ўша вақтда қулоқ қилинган-

лар аксарияти сурган қилинар экан. Бири Украинага, бошқаси Сибир томонларга... Бувам хабарни эшитгач, шошилинич тоғаларимдан бирини (Ҳасан исмли ўғлини) ҳамроҳ қилиб Андижонга йўл олибди. Ўша кунларда советлар қувғинига учраганларнинг баъзилари водий орқали Уйғуристонга чиқиб кетишга ҳаракат қилишган ва кўплари бунга эришиб турган экан. Бувам ҳам шу йўл орқали ҳаракат қилиш режасини тузган экан. Андижонда бир муддат туриб, дўстлари ёрдамида баққоллик дўкони очишга ҳам улгурган экан. Оилани ҳам Андижонда тўплашга эришгач, Ҳасан тоғам билан Шарқий Туркистонга йўл олишган. У ерда шароит тайёрлаб, сўнгра оилани олиб кетишни мўлжаллашган. Бироқ бу ўртада советлар Шарқий Туркистон билан чегарани ёпиб, борди-келдига барҳам берган. Шундай қилиб, оила бошлиқсиз Андижонда қолиб кетган, дўкон ҳам ёпилган. Ойниса бувим бошчилигида

андижонлик оқибатли кишилар кўмагида оила Тошкентга қайтган. Бу ўртада Исроиил тоғамни «отангни қочиргансан» деб қамоққа олишган. Маҳкам тоғам қочоқда. Исмойил тоғамни амакилар етимхонага беришган. Қулоқнинг оиласини бирор кимса паноҳига олмабдими десангиз, «қулоқнинг думи» деб сўроққа тутишларидан қўрқув ғолиб келар экан. Боғ-роғлар колхозга ўтган, мол-мулк мусодара қилинган, бир оила пароканда, тириклик учун ҳеч вақо йўқ бир аҳволда қолган.

Ойниса бувим ёнларида 11 ёшли қизлари, менинг онам билан ўз оталари Ёқуббой бувам ҳузурига ҳам бора олмайдиган вазият экан. Ёқуббой бува Тошкентнинг шимолидаги Чувалачи, Култёпа мавзеларида пахта экиб, айниқса, америкони пахтани шароитга мослаштириб барқарор мўл ҳосил кўтарган, метрополия Россиянинг фабрикаларига хомашё етиштириб бериб машҳур бўлган катта деҳқон эди. Ерларида ишлаган деҳқонларнинг ризолиги у зотнинг асосий қоидаси бўлган. Аммо советлар бойки бор, ҳаммаси золим, «меҳнаткашнинг қонини сўриб бой бўлган» деган ақидани сингдириб иш кўрган. Ёқуббой бувамизнинг ҳам ер-мулклари мусодара, ўзлари қувғинда қолганлар. Бувамиз ўшанда 80 ёшлар чамасида эканлар. Кичик қизлари Баҳринисо холам Тошкентнинг Қорасарой маҳалласига тушган экан. Ўша кунларда холамизнинг хонадони ҳам нотинч экан. Эшонзодалар деб уларнинг оиласи ҳам пароканда, уйларининг эшигига қулф осилган экан. Ёқуббой бувамизнинг кекса ёшлари ҳурматиға маҳалла аҳли эшикни очиб, қизларининг уйдан бошпана беришибди ва ташқаридан яна қулфлаб қўйишибди. Бувам худди қамоққа тушгандек ҳувиллаган ҳовлида бир ўзи қолибди. Оқибатли бир қўшни девор оша хабар олиб турар экан. Қўшнининг аёли девор ортидан нарвон қўйиб, чамбаракка ўрнатилган косада бувамга овқат узатиб турар экан. Бувам бечора тизимчага осиб туширилган косани олиб, девор тагида турган ҳолда овқатни еб, яна косани қайтариб узатар эканлар. Бир неча кун шундай давом этибди. Бир куни қўшни аёл девордан қараса, бой бувани саждага бош қўйган ҳолда кўрибди ва намоз ўқиётган экан-да деб қайтибди. Бироз-



дан кейин яна қараса, бувамиз бояги ҳолатда... Ёқуббой бува Оллоҳга сажда устида жон таслим қилган эканлар.

Ойниса бувимиз Мунаввар қизлари билан Мирисоқ мироб, ота томонимиздан бувамиз ўз сингилларига ажратиб берган боғ бўлакларига бошпана топиб яшаб турган кунларида оталари Ёқуббой буванинг вафотлари хабарини олгач, сингиллари Баҳринисо холамиз уйларига етиб борибдилар. Отани маҳалладан беш-олти киши амаллаб қабристонга етказиб кўмишибди. Очарчиликдан ҳамма силласи қуриган бир шароитда бировни қабрга етказиш ҳам мураккаб иш бўлган. Шундай ҳолда ҳам ўзбекда майитнинг тириклардаги тўрт ҳақига риоя қилишган экан. Бувамизни ювиб, кафанлаб, жанозаларини ўқиб, қабрга қўйишибди. Шунда бувамизнинг фотиҳасига қариндошлар келишга журъат этишмаган экан. Онам раҳматли ёшгина идроки билан шу ҳолни хотирасида умри поёнигача сақлаб ўтди.

Ёқуббой бувамиздан кейин бувим билан онам ўша ҳовлида қолишибди. Емиш йўқ. Бировдан умидвор бўлишнинг ҳам ҳожати йўқ. Айни шу кунларда қамоқдаги тоғамга оғир касаллиги туфайли озодлик беришган экан. Улар Баҳринисо холамнинг ҳовлисига етиб келибдилар. Ойниса бувим сақланиб қолган узук ва зиракларни онам орқали маҳалладаги заргарга чиқариб соттирибдилар. Пулига бир кило сўк, озгина ун олиб келишибди. Бу ўртада Ойниса бувим қизлари (онам) озгина бўлса-да овқат тотинсин деб ўзларини овқатдан сириб борган эканлар. Очлик шу даражага етганки, бувимнинг аъзолари овқатни қабул қилмас ҳолга келган экан. Шу кўйи бувим ҳаётдан кўз юмибдилар...

Исроил тоғамнинг оиласи ҳам пароканда эди. Аёллари бир ўғил билан ўз оталари уйида жон сақлаб туришган экан. Тоғам сингилларини олиб қайнота эшигига борибдилар. Тирикчилик изидан тоғам Тошкентнинг Яланғоч мавзесида машҳур боғбон Ризамат Мусамухамедовнинг ёнида боғдорчилик ишига машғул бўлибдилар. Бу касб тоғамнинг умрлик ишига айланиб, охири Ҳасанбойда катта узумзорлар барпо қилганлар. Ҳасанбойда Исроил бува деса

ким биларди, ким эса йўқ, аммо Мичурин бува деса, ҳамма танир эди.

Гапни советларнинг қатағон сиёсати ҳақида бошлаб, бу баҳонада онамизнинг кўнглида ўрнашиб қолган хотираларидан баъзи лавҳаларни келтирдик, холос. Сўзимиз охирида онамиз билан боғлиқ ўзларидан эшитганимиз бир-икки воқеани айтишни жоиз билдик. Бир куни онам бозорда узум сотиб турсалар, бир кекса келиб: «Сен чувалачилик Ёқуббой буванинг невараси эмасмисан?» – деб сўрабди. Онам тасдиқлабдилар. Шунда бояги киши: «Бувангнинг ерларини колхоз қилишгандан кейин бизлар унга аъзо бўлиб, ўша ерларда уй-жой, бола-чақа қилиб яшаб келмоқдамиз. Буванг инсофли, диёнатли, элга меҳрибон одам эдилар. Ерларида ишлаган деҳқонлар у кишидан кўп меҳрибонликлар кўрганмиз. Оллоҳ раҳмат қилсин. Дуоларимизда у кишининг номларини унутмаганмиз. Сени эса пешонангдаги холингдан танидим», – дебди.

Яна бир хотира шуки, Тўхта бойвачча бувамизнинг Юнусободдаги улкан боғлари колхозга ўтганидан кейин бир-икки йил сансалор бўлиб, аввалги ҳолатидан асар ҳам қолмабди. Бу ҳақда кадрдон дўстларимиздан бири, марҳум профессор, юнусободлик Эргаш Йўлдошевнинг отаси Йўлдош ота билан танишганимда эшитган эдим. Менинг кимлигимни билиб Йўлдош ота бувам Тўхтабойвачча ҳақларида ўзига хос бир ҳурмат билан гапира кетдилар. Ёшлик йилларида Йўлдош ота бувамизнинг боғларида ишлаган эканлар. Бувамиз қулоқ қилингач, боғлар колхозга ўтибди. Моллари мусодара бўлганида бувам минган қора тўриқ от ҳам колхозга ўтган экан. Эгасига мотам тутгандек ўша от бир қанча кунлар давомида овқат ейишдан бош тортиб, колхоз отхонасида ўлган экан. Шундай қилиб, советларнинг қатағон сиёсати оқибатида миллатнинг энг сара вакилларигина эмас, балки асрлар оша яратилган хўжалик маданияти ҳам қурбон бўлган эди десак хато бўлмайди. Ҳатто эгалари эркалаб минган отлари ҳам, ҳувиллаган қўрғонни қўриқлашда эгаларига содиқ қолган, ўзини очликка топшириб жон таслим қилган Олапар ҳам қатағон қурбонлари рўйхатига киришга лойиқдир, балки.



# ОТРЫВКИ ИЗ ВОСПОМИНАНИЙ ГАФУРА ХАЙДАРОВА

*(Давоми. Боши аввалги сонларда)*

... Второй стресс со мной произошел где-то летом 1935 года в Буденновске. Это – конечная станция железнодорожного узла Ставропольского края, отсюда поезда возвращаются к своим маршрутам.

Руководство детского дома №26, лично его директор Машлаков, уделяли большое внимание здоровью своих питомцев, помня рахитичное состояние большинства поступавших сирот.

Поэтому ребят каждое лето поочередно отправляли «на воду» в курортные города края Пятигорск, Минеральные Воды, Ессентуки, Железноводск, Кисловодск, веселится до отвала в пионерские лагеря.

Кстати заметить, множество людей мечтает побывать в этих лечебницах и курортах, иные за большие деньги покупают путёвки, другие живут лишь грёзами по ним. Я отношусь к третьей категории – мне под восемьдесят, а я ни разу в жизни не отдыхал на курортах (разве что один сезон в доме отдыха «Учитель» под Ташкентом). Причина отсутствие средств, семейные заботы, неотложные дела. Я считаю себя счастливым в том смысле, что в детстве побыл почти на всех северокавказских курортах.

Вернёмся к теме воспоминания. Нас на бричках и телегах, нанятых у соседнего колхоза, привезли в Буденновск для отправки в какую-то из перечисленных лечебниц (забыл, именно, в какую). Оказывается, приехали намного раньше времени, поэтому возникла проблема устройства ребят на временный отдых. Руководители группы договорились с хозяйкой ближайшего к станции домика, и мы гурьбой побежали туда, примостились кто куда. Вре-

мя подошло к полудню, а поезда всё не было. Все проголодались. Воспитатели засуетились. Они взяли с собой пару ребят и отправились в город за покупками, вскоре вернулись с едой. Каждому роздали по два ломтя душистого белого хлеба и большой кусок необычно вкусной подсолнечной халвы (до сих пор ее вкус не улетучивается со рта). У всех разгорелась жажда, которую утолили студёной колодезной водой, предложенной доброй хозяйкой.

Я, улучив момент, ускользнул из дворика и пошёл на железнодорожную станцию. Поднялся к перрону и побродил назад и вперёд, везде, то в одиночку, то кучками стояли и сидели на своих чемоданах пассажиры в ожидании поезда.

Вдруг издали послышался какой-то гулкий звук, я остановился и остолбенел: прямо на меня надвигалась пыхтя и фыркающая паром, громадина. Над его высоким лбом маячил большой круглый «глаз» – светофор. Всё напоминало одноглазого чудовища Циклопа из гомеровской «Одиссеи».

Машина, убавляя свой ход, просвистев у здания станции невероятно громко, проскочила мимо меня и где-то за сто метров остановилась. От страха, обуявшего меня, судорожно дрожал, побелел как бумага, даже неистово крикнул, прося помощи. Я от боязни и волнения вполне мог упасть на рельсы, но Бог сберёг меня от гибели.

Этот пяточок страха на перроне станции Буденновск настолько запомнился в памяти, что когда мы с женой в 1982 году побывали в тамошних местах, я безошибочно указал ей до точности то место, где стоял, остолбенев от страха, несмотря на то, что во внешнем облике стан-



ции (и перрона также) произошли серьёзные изменения.

Всё произошло бы иначе, т.е. попроще, если бы до этого случая я видел паровоз. Что бы тогда на перроне Буденновска ни случилось, но паровоз оказал на меня потрясающее впечатление и оно до сих пор не улетучилось из памяти. Я и сейчас люблю и восхищаюсь его могучей силой, который без заметного усилия тащит за собой вереницу вагонов и цистерн.

Около триста лет прошло со времени изобретения этой безропотной работяги. Ныне мы живем в век атомный, в эпоху космонавтики, небо бороздят могучие воздушные лайнеры, а в глубинах морей и океанов плывут атомные подводные крейсера, по стальным линиям мчатся тепловозы и электровозы, а «дедушка паровоз» ещё не сошел с рельсов и продолжает служить людям. Остаётся только поклониться гению Стефенсону и Черепановым за то, что они дали миру паровоз, которому «в коммуне остановка».

Я жил мечтой, что стану машинистом-железнодорожником. После получения среднего образования я решил поступить учиться в Ташкентский институт железнодорожного транспорта. В 1943 году подал заявление представителю института, приехавшему в Ленинабад для набора абитуриентов, однако не удалось осуществить свою мечту – один тип сбил меня с пути. Я стал учителем.

В 1938 году в жизни моего брата произошло радостное событие – он женился. Брат в 18 лет стал очень сильным и симпатичным парнем, и любая девушка охотно стала бы его женой, но он остановил выбор на Зайнабджон – статной, миловидной, белолицей, с красивыми глазами и мягким голосом, красавице из Канибадама. Она была какой-то дальней родственницей шеф-повара Саиданисо и поэтому её слово играло не последнюю роль в бракосочетании молодых людей. Саидахола близко знала моего брата по совместной работе, хорошо отзывалась о нём, как об одном из лучших воспитателей детдома.

Свадьба состоялась у Саиданисо, дом которой находится против детдома, на левобережье оврага, очень близко от нашей школы.

Я впервые видел свадьбу, которую моё детское воображение не восприняло положительно. Мне не понравился церемониал свадьбы: какая-то непонятная песня (сейчас-то знаю, что она была свадебная «Яллола»), прыжки через костёр, какой-то «чимилик», а за ним огромный дастархан с едой и сидящими на курпачах женщинами, а в другой комнате веселящиеся мужчины, везде шум, гам и беготня. Во всей этой карусели, происходившей в полутьме керосиновых ламп, я себя почувствовал одиноким и беспризорным, т.к. нигде не видел брата, который бы не оставил меня в одиночестве. Вскоре я почувствовал голод и усталость и, уткнувшись в какой-то угол, заснул.

Такое грустное и удручающее воспоминание сохранилось в моей памяти о свадьбе брата.

После свадьбы мои отношения с братом стали приобретать более официальный оттенок. Мы стали встречаться гораздо меньше и реже, чем раньше. Я изредка заходил к ним, но долго не задерживался, стеснялся келинбучи, хотя Зайнабджон со мной была ласкова.

У брата созрела мысль о возвращении на родину. После принятия Конституции 1936 года и проведения в 1937 году всенародных выборов в Верховный Совет Союза ССР политический климат в стране значительно потеплел, а жизнь стала радостней.

Сотни семей спецпереселенцев самовольно покинули Ставрополье и никто их не пытался возвращать обратно, т.к. хлопковый бум здесь пошёл на смарку, «белого золота» больше не сеяли, следовательно, надобность на «дополнительные силы» среднеазиатских «баев» отпала.

Как-то весной 1939 года ко мне в общежитие пришёл брат и, тихонечко приоткрыв дверь спальни, пальцами поманил меня к себе, чтобы не нарушить тихого часа. Привёл меня в конец коридора, и мы остановились у подоконника. Разговор начал издали и закончил свои сокровенные мысли следующим резюме:

– Дорогой Гафурджон! Ты уже подросток, скоро тебя выпишут из детдома, придётся искать работу, которой нет в здешних условиях, устраивать жизнь и быт, а это дело не простое, ты помнишь, как мне было трудно со всем этим.



Нам с Зайнабджон тоже нужно подумать о нашем будущем. Посоветовавшись с ней и с Саидахолой мы решили вернуться на родину. Как ты думаешь? – спросил меня.

– А к кому мы поедим? – спросил я. – Нас ведь никто не ждёт, – ответил на свой же вопрос.

– Нет, ты не прав, брат, – сказал Ходжиусман и попытался урезонить меня. – В Ходженте у нас живут много родни – тётя по матери, два племянника отца, мамин родной дядя (таго) и ещё некоторые другие, я уверен, что они будут рады нашему возвращению, нас приютят на первое время, а затем мы устроим свою жизнь, может быть выхлопочем наш отчий дом.

– Не верю вашим словам, – сказал я. – Едва ли родственники обрадуются нашему появлению, кому нужны сироты, у них свои заботы. Я не поеду, – отпарировал брату.

– Не горячись, Гафурджон, дело ведь серьёзное решаем, ещё раз подумай о моём предложении.

Говорили долго, почти шепотом, чтобы никто нас не слышал, но к единому заключению всё же не пришли. Брат выглядел расстроенным и ушёл от меня весьма удручённым, отчего загрузил и сам, потому что очень любил брата, заменившего мне и отца, и друга.

В начале августа того года нас вывезли в Зеленокумск на сбор овощей. Мы собирали томаты. В один из дней, где-то в 10 часов утра, напротив поляны, где мы собирали помидоры, остановилась автомашина – полторка, слез из неё брат. Подходя поближе, поманил меня к себе. Когда я подошёл к нему, он взял меня за руку и, ничего не говоря, подвёл к машине и посадил в кузов, где, слегка притаившись, сидела келинбуча.

Короче, через час-другой мы прибыли в Буденновск, брат расплатился с водителем и мы со своими поклажами вошли в зал ожидания, и лишь тогда брат сказал:

– Гафурджон! Ты не обижайся на нас, что так вышло, т.е. внезапно. Мы едем на родину.

Мне оставалось только согласиться с решением брата.

Рассказ об обратном пути в родные края на сей раз не через Каспийское море, а по суше на

поезде, очень длинный, поэтому сознательно упускаю его.

... Сойдя на железнодорожной станции Ленинабад, спокойно добрались до черты города (консервного комбината), а дальше невозможно было пробиться сквозь толщу строителей Большого Ферганского канала. Пыль стояла столбом, шум и гам оглушали окрестность. Нам всё же удалось пробиться сквозь людское скопление и добраться до дядино дома, расположенного по соседству с нашим.

После девяти лет отлучки, мы вновь вернулись в родные края, ибо всегда и при любых жизненных ситуациях «дым отечества сладок и приятен».

За эти прожитые годы мы пережили столько бед и мук, что убедились в правоте пословицы: «Жизнь прожить – не поле перейти».

Мы с братом очутились в вихре коллективизации села, и поневоле пришлось ощущать на себе её созидательную и разрушительную силу. При осуществлении коллективизации можно и нужно было использовать мирные, терпимые формы и методы, однако она в целом была проведена насильственным путём, с применением репрессивных мер.

Коллективизирование многомиллионного крестьянства, конечно, имело революционное содержание, оно по существу явилось продолжением Октября 1917 года в условиях деревни – решительная ломка средневековых институтов в интересах создания фундамента социализма. В этом плане чрезвычайно хлётко звучат слова знаменитого французского политика Жореса: «Революция – варварская форма прогресса».

... Ленин ставил перед диктатурой пролетариата (советская власть) задачу внимательного, осторожного, бережного, терпеливого отношения к личности, судьбе людей труда, создателей материальных ценностей, куда, как известно, входят и все три категории крестьян. Ленин предупреждал советских чиновников, чтобы слишком много дров не наломали при проведении социалистических преобразований в деревне и национальных окраинах бывшей Российской империи.



В одном я убеждён стопроцентно: будь жив Владимир Ильич в годы проведения коллективизации села, никогда бы не позволил столь безжалостного обращения с зажиточной частью крестьянства-кулаками. Нам – историкам известно негативное отношение Ленина к сельской буржуазии (мироодам), но он всё равно не допустил бы применения стольких жестокостей при проведении коллективизации и ликвидации кулачества как класса.

История человечества со времени образования государств полна примеров коренных общественно-политических, социально-экономических и духовных преобразований, осуществлённых как путём революционных потрясений, так и мирных реформ. Государственная власть приоритет всегда давала реформам.

Реформу Ленин называл побочным продуктом революции, следовательно, ей вполне под силу существенно изменить устаревшие порядки и институты, и тем самым, совершенствовать господствующий и политический строй, способствовать прогрессу общества.

Исходя из ленинского постулата, реформы, проведенные в древности, средневековье, в новое и новейшее время, в той или другой сферах жизни общества, в частности аграрной, причём без социальных потрясений и кровопролития, следует признать прогрессивным явлением в истории народов.

В анналы истории золотыми буквами занесены имена не одной сотни великих реформаторов, в частности, братьев Гракхов и Юлия Цезаря (Италия), Перикла и Солон (Греция),

Конфуция и Дэн Сяопина (Китай), Петра Великого и П.А.Столыпина (Россия), Карла Великого и кардинала Решилье (Франция), Мартина Лютера и Отто фон Бисмарка (Германия), Махатма Ганди и Джавахарлала Неру (Индия), Авраама Линкольна и Франклина Рузвельта (США), царя Хаммурапи (Древний Вавилон), которые стремились проводить реформы во благо своих народов и стран исключительно мирными средствами, без человеческих жертв, страшась божьей кары за пролитие невинной крови. Большевики-атеисты этого божьего суда не боялись.

Таджикский народ за многовековую историю выпестовал целую плеяду реформаторов, пламенных патриотов, замечательных мыслителей, которые внесли огромный вклад становлению и развитию нашей национальной государственности и мировой цивилизации.

Среди партийно-государственных деятелей нашего времени неопределимую роль в развитии таджикской нации и её культуры внесли славные сыны народа Бободжан Гафуров и Эмомали Рахмонов.

Президент Республики Таджикистан Эмомали Шарипович Рахмонов является инициатором серьёзных реформ в области политики, рыночной экономики, финансов, культуры, науки, женского вопроса и т.д., осуществление которых день за днём преобразовывают лицо страны и уклад жизни таджикского народа. Тому примером служат большие успехи, которые добились трудящиеся Таджикистана за 12 лет суверенного, независимого развития.



# ТАРИХДА ТАРИХЧИНИНГ ЎРНИ

М.Саидхонов, Э.Холмирзаев

*Тарихда шахснинг ўрни* ҳақида кўп гапирилган ва мисоллар ҳам талай. Соҳибқирон Амир Темурнинг бутун дунёни ларзага солгани, шоҳ ва саркарда сифатида адолат билан иш юритган. Заҳриддин Муҳаммад Бобурдай шоҳ, шоир, саркарданинг нафақат Андижон ёки Ўрта Осиёда, балки Ҳиндистондай буюк давлатда ўз изини қолдиргани, 300 йилдан ортиқ бобурийлар сулоласи жаҳон цивилизациясига ўз ҳиссасини қўшгани бутун дунёга маълум. Алишер Навоий ҳам шахс сифатида тарихда муҳим ўрин тутди. Унинг ибратли ҳаёти, инсонийликни тарғиб қилувчи асарларидан дунё аҳли баҳраманд бўлиб келмоқда.

*Тарихда тарихчининг ўрни ҳам эътиборли.* Дарҳақиқат, тарих шахслар томонидан яратилади. Қадимги даврлардан буён тарихий ҳодисалар, тарихий фактлар ва тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар тарихнавис ва тарихшунослар томонидан қаламга олинди, битиклар битилиб, ноёб манба сифатида бугунги китобхонларга тақдим этилмоқда, шарҳлаб берилмоқда, таҳлил қилинмоқда. Мирхонд, Хондамир, Восифий каби тарихнависларнинг асарлари бўлмаганида, биз Алишер Навоий ва у яшаган давр воқеаларини қаяқдан билардик?

Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедрасининг профессори, тарих







директорининг биринчи ўринбосари, таниқли адабиётшунос, драматург Шуҳрат Ризаев профессор Р.Шамсутдинов билан танишуви ва олимнинг илмий-ижодий фидойилиги хусусида тўхталиб ўтди ва сўз навбатини ЎЗР ФА академиги Наим Каримовга берди. У «Яхши одам – яхши олим» мавзuidaги самимий фикрлардан иборат маърузасида Р.Шамсутдиновнинг фазилатларини санаб ўтди.

Анжуманда Қирғизистон Республикаси ҳукуматининг Жалолобод области бўйича вакили Мамасали Такабаевич Акматов, ЎЗР ФА академиги Аҳмадали Асқаров, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Қатағон қурбонлари хотираси» давлат музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор Бахтиёр Ҳасанов, Бухоро давлат университети профессори Сулаймон Иноятов, И.Арабаев номидаги Қирғиз мамлекеттик университети профессори

Ташмамбет Кененсариев, Қарши давлат университети профессори Поён Равшанов, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети профессори Абдуазим Содиқов, академик Бобожон Гафуров номидаги Хўжанд давлат университети доценти Абдурасул Ҳомидов, Наманган давлат университети профессори Турсунбой Файзуллаев ва бошқа олимлар, ижодкорлар, фан ва маданият ходимлари юбилярнинг ижодий, илмий фаолияти ҳақида, асарлари хусусида, дўстлиги, устоз-шогирд муносабатлари ҳақида тўхталиб ўтдилар. Сўз олган нотикларнинг барчаси Р.Шамсутдиновдаги илмга чанқоқлик, тезкорлик, очиқлик, самимийлик, ҳалоллик, адолатпарварлик, саховатпешалик, ташаббускорлик фазилатларини айтиб ўтдилар ва шу жиҳатлар сабаб у ОЛИМ, УСТОЗ, МУАЛЛИМ, ДЎСТ мақомига эга бўлганлигини таъкидладилар.



Андижон вилояти ҳокими  
Ш.Абдурахмонов

... Биз яхши биламизки, Сиз онгли ҳаётингизни тўлалигича илм-фаннинг равнақига, тарих фанининг истиқболига, Ватанимиз ўтмишининг муаммоли, мунозарали ва баҳсли томонларини шаффоф ҳолда талқин этишга бағишлаб, фан номзоди, фан доктори илмий даражаларига, профессор илмий унвонига ҳақли равишда сазовор бўлдингиз. Сиз том маънода ватанпарвар эканингизни «Ватан тарихи», «Ўзбекистон тарихи», «Андижон тарихидан лавҳалар», «Андижон давлат университети» каби китобларингиз орқали намоён этдингиз.

Ўзбекистонда қатағон ва сургунлар сиёсати, коллективлаштириш ва қулоқлаштириш жараёни тарихи бўйича етук ва етакчи олим бўлиш билан бирга бу соҳа бўйича ўз мактабингизни яратдингиз, ўндан ортиқ фан номзоди ва фан докторларини тарбиялаб, тарихимизнинг энг баҳсталаб нуқталарига аниқлик киритдингиз.



Академик Наим Каримов

Ўтган давр мобайнида Рустамжон Шамсутдинов ҳозирги ўзбек тарихшунослиги фанининг энг йирик намояндаларидан бири сифатида намоён бўлганлигини кўриб турибман. Одатда, тарих фани соҳаси бўйича илмий иш қилиб келаётган ёш авлод номзодлик диссертациясини ёзгандан кейин ёки нари борса докторлик диссертациясини ҳимоя қилгандан кейин бемалол ястаниб ётади. Рустамжон, улардан фарқли равишда, битта китоб чиқаргандан кейин иккинчисини, учинчисидан кейин тўртинчисини чиқаришни ўзига мақсад қилиб қўядиган ва ҳеч қачон тўхташ нималигини билмайдиган олимлардан биридир.



Академик Ахмадали Асқаров

Рустамжон ватанпарвар, фидойи олим сифатида вақтинчалик иқтисодий қийинчилик даврида ҳам илм қилишдан, тарихимиз, маънавиятимиз учун хизмат қиладиган монография ва илмий тўпламларни ўз ҳисобидан чоп эттиришдан тўхтамади. Жамғарган маблағидан талай қисмини эзгулик йўлига, илму фан йўлига сарфлашда бошқаларга ибрат бўлмоқда. Илмда бетиним меҳнат қилиш, яқинларига меҳроқибатли бўлиш, атрофдагиларга имкони борича наф келтириш унинг ҳаёти мазмунига айланган.



Академик Акмал Саидов

... Ўтган йиллар давомида кўп қиррали фаолиятингизни сидқидилдан адо этиб, «игна билан қудуқ қазиш»дек машаққатли илм йўлида юксак истеъдодингизни намоён қилиб келмоқдасиз. Ҳар бири уч қисмдан иборат «Ватан тарихи» ҳамда «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари», «Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари», «Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар», «Қатағон қилинган юртдошларни хотирлаб» каби кўплаб илмий-тадқиқот мажмуаларини нашр эттирдигиз. Мана шундай илмий изланишларингизнинг ҳар бири халқимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги биттадан муҳим воқеадир. Барча китобларингиз, таъбир жоиз бўлса, Сиз бунёд этган бағоят муаззам илмий қошоналардир.

Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз билан бугунги кунда Андижон давлат университети қошидаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейида халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг порлоқ хотирасини тиклаш, тарихимизнинг ушбу қисми билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик...

Икромжон Ибрагимов,  
«Hamkorbank» Кенгаши раиси

Сиз босиб ўтган йўл синовлари, бой умр йўли кўплаб замондошларимиз учун чин маънода ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Меҳнат фаолиятингиз давомида ғоят машаққатли, лекин шарафли ҳисобланган илмни тафаккурга бўйсундириш иши, яъни олимлик касби билан тақдирингизни маҳкам боғлашга муваффақ бўлдингиз ва минглаб олимлар ичида юксак мартабаларга эришдингиз. Фан доктори, профессор илмий унвонлари, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони, «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди раиси, «Водийнома» журнали бош муҳаррири, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи директори каби масъулиятли лавозимлар Сизнинг илмда ҳамда жамиятда эгаллаб турган нуфузингиздан дарак беради. Сиз томондан тайёрланган ва ўнга яқин хорижий тилларда эълон қилинган 500 га яқин илмий мақолалар, дарсликлар, қўлланмалар, ўзингизнинг илмий мактабингизни яратганингиз, Андижон давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини берувчи Илмий Кенгаш раиси эканлигингиз Сизнинг нақадар кучли салоҳиятга эгалигингизни билдиради.

Оилада меҳрибон ота, қатор неварая чеваралар учун тенги йўқ бобо, жамиятда эса фаол фуқаро сифатида эъзозланаётганлигингиз бизда ҳавас ҳамда фахр-туйғу ҳисларини уйғотади.



Турғуной Эгамбердиева,  
п.ф.д., профессор

... Сиз жуда бахтли инсонсиз, сизнинг атрофингизда қадрдонларингиз, ёру дўстларингиз, шогирдларингиз, маҳалла-қўй, қариндош-уруғлар, куда-андалар. Яна шунинг учун бахтлисизки, кенг ва ажойиб, ўзининг маълум тажрибаларига эга бўлган Андижон давлат университети жамоаси сизнинг ёнингизда. Яна бахтлисизки, Андижон вилоятининггина эмас, бутун Фарғона водийсининг муҳтарам инсонисиз, забардаст олимисиз. 1993 – 1998 йилларда водийда биринчи бўлиб фаолият кўрсатган Ўзбекистон тарихи йўналиши бўйича фан номзоди илмий даражасини берувчи ихтисослашган кенгашга раис бўлиб, уни матонат билан бошқаргансиз, мен шу советнинг аъзоси бўлиб фаолият кўрсатганим кечагидек эсимда. Ёнингизда елиб-югуриб, бирга теннис ўйнаган ажойиб жуфти ҳалолингиз Фотимахон ҳожининг руҳи сизнинг атрофингизда айланиб сизга мадад тилаб юргандир. Аллоҳ рози бўлсин...



Бугай Николай Федорович, главный научный сотрудник Института Российской истории Российской Академии Наук, профессор, действительный государственный советник Российской Федерации, член Общественного совета по национальной политике при Президенте Российской Федерации

... Широта приобретенных знаний, умение ими распорядиться не остались не замеченными, позволили ему свободно выходить и на международную арену, отставить направления науки, итоги наработок узбекской историографии на международной арене. Рустамбек Темирович с достоинством представлял историческую науку Республики Узбекистан на различных международных форумах, деловых встречах ученых.

Заметным остается его вклад в разработку историографии и источниковедения республики, оснащения этого направления новыми документами. А это ничто иное кроме как фундамент для будущих поколений историков. Об этом свидетельствуют опубликованные им научные труды по истории Узбекистана. На его счету разработка проблемы исторической науки – органов государственной власти, национально-государственного строительства, их трансформаций в условиях современности, вызванных распадом Союза ССР, отличающихся глубоким анализом ситуации как в прошлом, так и в условиях современности (1990-е годы – 2017 г.) ...



Назиф Шахроний, Индиана (АҚШ) университетининг Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш департаменти профессори

Ўзбекистон тарихининг ўта муҳим даври бўлган, яъни собиқ СССР қулаган 1990 йиллар бошида профессор Р.Т.Шамсутдинов СССРнинг Ўрта Осиё тақдиридаги ўрни, шу билан бирга, 70 йиллик совет Россияси истибдоди даврининг таъсирида унинг тарихий, маданий ва диний қадриятлари топталиши, янги жамиятни барпо этиш, янги «совет кишиси»ни яратишдек хаёлий уринишлардан жуда яхши бохабар бўлган. Шу боис у Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий меросини қулаб тушган Совет Иттифоқи асоратларидан қайта тиклашни бошлаш жуда долзарблигини биринчилар қаторида англаб етган олимлардан бири ҳисобланади.



М.К. Койгелдиев, академик  
Национальной Академии Наук  
Республики Казахстан, профессор

Р.Т.Шамсутдинов – ученый, создавший свою научную школу. Под его научным руководством защитили кандидатские и докторские диссертации десятки молодых исследователей, которые успешно трудятся в системе образования Узбекистана.

Рустамбек Темирулы пользуется большим заслуженным уважением и авторитетом в среде ученых историков Казахстана. Он неоднократно выступал с докладами на международных научных форумах в г. Алматы. Он всегда проявляет отзывчивость в деле сохранения и углубления научных связей между нашими странами. Журнал «Водийнома», издающийся под его руководством, известен и в Казахстане.



Т.Кененсариев, КР Билим  
берүүсүнө эмгек сиңирген  
кызматкер, тарых илимдеринин  
доктору, профессор

Шамсутдинов Рустамбек агайдын инсандык касиети, окумуштуулук дарамети, акыл-парасатынын тереңдиги, адамгерчилигинин бийиктиги, достукту жана туугандыкты туу туткан кемеңгер мүнөзү кыргыз менен өзбек элинин достугун бекемдеген инсандык фактор бойдон кала берет деген ишеним зор!



Ж.Б.Исамитдинов, заведующий  
кафедрой Отечественной истории  
и археологии Худжандского государственного университета имени  
академика Бободжан Гафурова

В целом, Р.Шамсутдинов является крупнейшим исследователем изучавший беспристрастно и объективно проблемы массовой коллективизации, раскулачивания и репрессивных действий советской власти сталинской эпохи в Центральноазиатском регионе. Он в своих трудах также особое внимание обратил революционным движениям в деревне, восстанию женщин, ссылку кулаков в 1930 – 1932 гг. на Украину, Поволжье, Северный Кавказ и Казахстан, жизнь и трудовую деятельность ссыльных в лагерях и раскрыл другие вопросы связанной с репрессией.



# ТУРКИСТОН ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОНИ МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ АНДИЖОНДА



Бу миллий қаҳрамоннинг икки жилдлик «Танланган асарлар» тўплами 2018 йили «Akademnashr»да чоп этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, санъатшунослик фанлари номзоди Сирожиддин Аҳмад мазкур китобга сўзбоши ёзган, материал ва маълумотларни тўплаган, изоҳлар ва луғатларни тайёрлаган. Мазкур тўплам таҳрир ҳайъати Наим Каримов, Санжар Назаров, Сирожиддин Аҳмад, Баҳодир Каримов, Зайнобиддин Абдурашидовдан иборат. Филология фанлари доктори Баҳодир Каримов бу тўпламга масъул муҳаррирлик қилган.

Ўзбек халқининг XX асрдаги буюк мутафаккири, адиб, публицист, жамоат ҳамда дин ар-

боби Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 140 йиллигига тўхфа сифатида тайёрланган ушбу «Танланган асарлар» аввалги нашрларга нисбатан тўлароқ экани Сирожиддин Аҳмад томонидан асосланган.

Мазкур тўпламда Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолиятида Фарғона водийси, жумладан, Андижон билан боғлиқ айрим қирралар борлиги ҳам ўз ифодасини топган.

Улардан бири Самарқандий муфти Маҳмудхўжа валади Беҳбудхўжа ўғлининг «Туркистон вилояти газети»нинг 1907 йил 30 декабрдаги 97-сонида эълон қилинган «Фарғона хотиралари»дир, иккинчиси 1917 йил 11 сентябрда ёзилган, «Фан ва турмуш» журналининг 1990 йил 7-сонида берилган «Турк адами марказият (федералист) фирқасининг маромномаси ва низомномаси»дир.

Бу икки тарихий ҳужжат бевосита Андижон тарихига оид. Шу боис Сиз муҳтарам журналхонларга ана шу муҳим тарихий ҳужжатдан айрим мулоҳазаларни ҳавола этишни лозим билдик.

## ФАРҒОНА ХОТИРАЛАРИ

Учинчи декабрдан 12 ғача Фарғона областини Хўқанд, Андижон, Марғилон, Янги Марғилон, Искобулуф шаҳарлари ва Самарқанд областини Хўжанд балдасини тафарруж зиёрат этдук. Нуфус Хўқанддан манга муқимгоҳ ва мушоҳадаларимни «Шухрат» газетасига ёзиб юбориб эдим. Хўқанд мактаби усули жадидалари ва жаноб собиқ иккинчи Дума депутати



Солиҳжонбой Маҳмуджонов ва адиби муҳта-рам Ҳасанжон афандини янги мактаб тўғриси-даги фикр ва ҳиммати ояндаларини билмоқға хоҳлаган кишилар «Шухрат» жаридасини ўқуб кўрмаклари керакдур.

Ушбу мактубим ила Андижондаги усули жаид аталган мактаблардан, катта мадрасалардан ёзарман. Матлабим мактабдорларға изо бермоқ эмас, балки баёни ҳақиқат ва сабаби ибрат ва ислоҳдан иборатдур. Аввало шуни айтайки, жаноби қози шариатшиор Исҳоқхон тўрани баъзи ашъор ва мақолаларини ва мактаблари сифати ва ҳақлариндаги мадҳияларни баъзи жаридаларға кўруб, суҳбатлариға етмоқ ва мактабларини мушоҳада этмоқ муродим эди. Аммо, афсуски, ул жаноб Намангон уездиға ва темир йўлидин кўб узоқ экани учун бу муддаоға етолмадим. Йўллари лой ва қиш фасли ва ҳам сафарим муддати ва плани қисқа эди. Анинг учун ул зоти некусифатни кўрмоғим бир муддат ғайри маълумғача муваққаф қолди.

Хўқанддан чиқиб, зилзиласи ва эшонлари ила машҳур Андижонға кирдук. Мусулмон шаҳри ҳаддан зиёда лой ва юрмоқ ниҳоят мушкил эди. Бир самарқандийни ҳидояти ила усули жаид аталадурган мактабға бордукки, пишик хиштдан бино қилган, парта ва лавҳа. Печ ва оинакорлик эшикларни махтави ва бир тарафи масжидни саҳн ҳавзи, дигар тарафи катта йўлга муттасил ва модатан мунтазим бир мактабға бир хайрпеша мусулмон бино қилган экан (исми ёдимда қолмади, вале ёзар эдим). Ичиға юз қадар шогирд ва бошқа катта болиғ кишилар ҳам партаға ўлтуруб ибтидоий ўқуға машғул эдилар. Муаллими тубжойи киши ва қобилгина муллабача экан. Ўқулатурган китоблар маълум, ул «Фарзи айн», «Каломи шариф», Тажвид, Бедил, Ҳофиз, Навоий. Хулоса, эски мактабға ўқулатурганлар ва ҳисобдан амали арбаъа. Муаллимдан сўровим бўйинча маълум бўлдики, на бошқа мунтазам мактабларни ва ё шаҳарларни кўрубдур, на жариди ва ё китоби туркия ва жаид ўқубдур. Ани учун газет ва мактаби жадида ўқумоғи ва болаларға таълим бературган китобларини «ошиқона»сидан бошқасини фаҳма ўқутмоқиға машварат бериб чиқдим.

Хулосаси, бу мактабни ва адавати ва алифбосидан бошқа ҳаммаси эски мактаб экан, маъа фийҳи эски мактаблардан яхшироқдур. Андижонда бошқа мактаби жадида борлигини истифсор этдим, ушбу мактаб муаллимидан фотиҳа олган бир неча мактаблар борлигини эшитдим. Татар муаллими тутган, йўқми деб сўраганимға бир неча кишидан шу жавобни олдим: яқинға келиб мактабдорлик қилган нўғай домла бор ва аммо болаларни аксар ё оёғи ила тепадурки, баъзи болалар ани мактабидин чиқдилар, сўкуш, уруш кўп ёмон дейдилар. Яна бир неча кишидан бу хабарни сўрадим, ростдур дедилар, эҳтимолки, ҳизбда «мулло мешавад аз зарби чуб»ға<sup>1</sup> эътиқод этган киши бўлса деб мактабига бормадим, сўнгра янги чиқган эшон мустажоб ул-даъват тўғрисида кўп кишилардан маълумот муродим у кишини хориқулудда қароматлариға ҳамма мункир бўлди. Вақти анга истишфо учун борган баъзи касаллардан сўрадимки, шифо топганларини айдилар ва лекин эшон жанобларини мулло киши деб бир неча одам баён қилди, ҳисалариға бориб зиёрат қилмоқчи эдим, вақтим кифоя қилмади.

Марҳум Муҳаммадали бойни мадрасасиға кирдим, мадрасани саҳни «Т» таноб, яъни бир десятиндан васеъ ва ўртасиға орасти «Л» ва юлдузлик бир ниҳоят рафеъ минораси бор эди. Саҳни тўрт тарафи ҳужра ва шарқий тарафида дурўя ошиёна, ғарбий тарафиға катта бир масжиди жомеъ ва маддали икки зовия кунжиға икки гунбазлик дарсхона ва дигаридаги икки зовия нуқтасини бириға имом ва хатибни номмати учун ҳужра ва гунбаз, дигар кунжиға икки мураббий истироҳатгоҳи учун дахма бино қилгандур, мадрасани барча ҳужраси юздан зиёда, ҳар бириға қирқ сўм вақф тегар экан. Мударрислари ҳам бир неча нукта мударрис, икки минг сўмдан зиёда вақф олур. Мадраса ичиға икки-уч юз қадар талаба ҳар тарафдан келиб муколама ва мужода ила машғул эдилар. Андижон кирган вақтим шанба кунға мусодиф эди, мударрис ҳузуриға кирсам талаба дарсдан қолур деб кирмадим. Чунки бошқа мадрасаларға бир-икки мударрис ҳузуриға кирдим, бериб турган дарс

<sup>1</sup> Таёқ зарбидан мулло бўлади.



ва сабоқларини ёпиб олиб ўтурдилар. Бу мударисни ҳавоси ва фарри хазролиги ичиндаги талабаларни касратига инсон ғабт эдар, мадрасага бир эмас, икки мартаба кирдим, бориб боний марҳум Муҳаммадалибойга дуо ва фотиҳа қилдук, ҳақиқатда Муҳаммадалибой ўлган йўқ ва бу асари хайрияи азимаси-ла маънан ва моддатан исботи жуда етиб турубдур. Бу мадрасага боний марҳум неча сарой ва катта иморат ва бир неча каппонлар ва юзлар ила дўконларни вақф қилиб кетибдур. Икки миллиён фарғоналик мусулмонларни сарафрози ва сартожи ушбу мадрасани мевасидур, наки ушбу марҳум Муҳаммадалибой фақат Фарғона аҳлини сартожи бўлсун, балки ўн миллиёнлик Осиёи Вусто мусулмонларини ушбу асрга етушган ходимидин ва миллат қаҳрамонидур, тўғриси, биз Муҳаммадалибойни бу ҳиммати ва асари хайрияси илан дўст-душман ҳузурида ифтихор қилармиз. Оллоҳ ани раҳматига ғариқ этгай ва анга халаф ва амсолларини халқ этгай, омин.

Хўқанд, Андижон мадрасаи қадимлари анинг азим аш-шаън ва ободон сервақф мадрасалардур. Агарда буларни ортқан маънавияси етса, бутун Фарғонани тажидид ва тараққийи фавқулоддасига ва мадрасалар кафилидур...

Бундан маълум бўладики, М.Беҳбудий Андижондаги мусулмон мадрасалари фаолияти билан яқиндан танишган ва улар фаолиятидан қониқиш ҳосил қилган. Айни вақтда, мусулмон мактаблари ҳақида ҳам ўз фикрларини изҳор этган.

Беҳбудий машҳур Жомеъ масжидидаги Муҳаммадалибой (халқ уни Мамталибой деб атаган) мадрасасида ҳам бўлиб, бу мадрасани тасвирлаб берган. Андижонлик Муҳаммадалибой ва унинг фаолияти, тақдири ҳақида маълумотларга эга журналхонлардан бу шахс ҳақидаги эсдалик, ҳужжат каби манбаларни «Водийнома» таҳририятига юборишларини илтимос қиламиз.

Тўпламдан «Турк адами марказият (Федералист) фирқасининг Маромнома ва Низомномаси» қонуни ва уни тузганлар рўйхати жой олган. Уни айнан келтирамиз.

### ТУРК АДАМИ МАРКАЗИЯТ (ФЕДЕРАЛИСТ) ФИРҚАСИНИНГ МАРОМНОМА ВА НИЗОМНОМАСИ

Бу қонунни бирлашуб ясовчи зотлар:  
Мулло Камолуддин қози домла Раҳмонберди ўғли, Хўқанд;

**Мулло Муҳиддин махдум аълам мулло Муҳаммад, Андижон;**

**Мулло Боқи охунд домумло Одилбой ўғли, мударрис, Андижон;**

**Мулло Нуриддин аълам Йўлдошхўжа эшон ўғли, Андижон;**

**Мулло Муҳаммадҷон бойвачча Камолҷонбоев, тужжор, Андижон;**

**Мирзо Абдулқодирбек Мирзоаҳмад Қушбеғиев, Андижон;**

Мулло Обидҷон Маҳмудов, тужжор, Хўқанд;  
Мир Одил Мирзо Аҳмад ўғли, тужжор, Скобелев;

Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Тошканд;

**Мулло Маҳмудхўжа Беҳбудий, муфтий, Самарқанд;**

Абулқосим Муҳаммад Аминзода;  
Муҳаммад Амин Афандизода, Қофқоз уламоларидан;

Садриддинхон махдум Муҳаммад Шарифхўжа қози ўғли, Тошканд;

Мулло Мир Абдуллоҳ мулло Шоҳмирзо охунд ўғли, аҳли талаба, Тошканд.

5 зулқаъда сана	1335 ҳижрий сана
11 сунбула (11 сентябрь)	1917 милодий <sup>1</sup>

1917 йил 27 – 29 ноябрь кунлари Қўқон шаҳрида Туркистон ўлкаси мусулмонлари фавқулодда IV қурултойида Туркистон мухториятини ташкил этишда мазкур «Турк адами марказият (Федералист) фирқасининг Маромнома ва Низомномаси» асос қилиб олинган. Мазкур тарихий ҳужжатни ташкил этган бутун Туркистон жадидчилик ҳаракатининг забардаст 14 нафар сиймосидан 5 нафари андижонлик бўлганидан

<sup>1</sup> Нашрга тайёрловчилар филология фанлари номзоди Аҳмадҷон Мадаминов (Қўқон) ва Саид Мурад // Фан ва турмуш. 1990. №7. – Б.6 – 8 (Таъкид бизники – С.А., Р.Ш.).



Андижон таракқийпарварлари. 1917 йил сентябрь. Андижон. Пастда ўтирганлардан ўнгдан биринчи Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, ёнбошлаб Туркистон Маромномасини ушлаб турган Акбар Ўрозалиев, ёнидаги одамнинг қўлидаги ҳужжат Низомнома

фахрлансак арзийди. Бу Андижон жадидлари Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, мафкуравий-ғоявий ҳаётида жуда катта мавқега эга бўлганлигини кўрсатади. Шу боис биз юртдошлар, жумладан, андижонликлардан ана шу 5 нафар Андижон жадидлари – **Мулло Муҳиддин махдум аълам мулло Муҳаммад, Мулло Боқи охунд домулло Одилбой ўғли, Мулло Нуриддин аълам Йўлдошхўжа эшон ўғли, Мулло Муҳаммаджон бойвачча Камолжонбоев, Мирзо Абдулқодирбек Мирзоаҳмад Қушбеғиев** ҳақида қандай маълумот билсалар «Водийнома» таҳририятига хабар беришларини илтимос қиламиз. Андижонлик жадидлардан бири Абдуқодир Қушбеғиев ҳақида мавжуд айрим маълумотларни келтиряпмиз. Аслида, Абдуқодир Қушбеғиев 1882 йили Тошкент шаҳрида Қўқон хони Худоёрхон амалдорларидан бирининг оиласида туғилган. Ўзбекистон ССР НКВД ҳузуридаги «Учлик» 1937 йил 14 августда Абдуқодир Қушбеғиевни отувга ҳукм қилган, ҳукм ўша кун ижро этилган. Ўшанда у 56 ёшда эди. Бу инсон гарчанд Тошкентда туғилса ҳам, XX аср биринчи чораги давомида Андижонда фаолият кўрсатган. 1917 йилга қадар Андижондаги йирик тад-

биркор, жадидлар ҳомийси Миркомил Мирмўминбоевнинг пахта заводида пахта қабул қилиб, уни бошқа жойларга жўнатиш бўйича вакил бўлиб хизмат қилган. Октябрь тўнтаришидан сўнг турли совет муассаса ва ташкилотларда ходим бўлиб ишлайди. 1919 йили Туркистон ер-сув ишлари халқ комиссари бўлиб хизмат қилган, кейин Бухоро Совет Халқ Республикасида ер-сув хўжалиги вазири бўлиб ишлаган. 1918 – 1925 йилларда большевиклар партияси аъзоси бўлган. 1925 йили ОГПУ коллегияси томонидан давлат шартномаларини бажармагани учун 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган ва партиядан ўчирилган. Унга инқилобнинг биринчи кунлариданоқ советларга қарши кайфиятда бўлган, партия сиёсати билан келиша олмаган, мулкдор буржуазиянинг мулкани миллийлаштириш, мусодара қилишга қарши чиққан, аксилинқилобчилар А.Муҳитдинов, Файзулла Хўжаев ва бошқалар билан бирга кенгашларда қатнашган, шу аксилинқилобий ташкилот топшириғи билан Туркистон ички ишлар халқ комиссари М.Ориповга 1921 йили террор ҳужуми ташкил қилган деб айб қўйилган.

Унинг оила аъзолари – аёли Меҳрихон Халилова, қизи Тожихон Эшонхўжаева, ўғли Ҳасан, қизи



Собирахон Тошкент шахрида бўла туриб Абдуқодир Қушбегиевнинг қатл этилишидан беҳабар қолдилар. ГПУчилар бу ҳақда сукут сақлашганди. 1989 йил 15 сентябрда ЎзССР прокурори хулосасига асосан А.Қушбегиев реабилитация қилинган.<sup>1</sup>

Андижонлик жадиждлардан Жумабой ҳожи Парпибоев 1941 йил 10 октябрдаги терговда Абдуқодир Қушбегиев «Иттиҳоди ва тараққий» ташкилотининг аъзоси бўлганлиги, 1920 йил баҳорида Тошкентдалигида Абдуқодир Қушбегиев томонидан меҳмонга чақирилганлигини таниқлаган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзади: «1920 йил бошларида қандайдир масала юзасидан Тошкентга келганимда, собиқ эски шаҳарда Абдуқодир Қушбегиев билан (у 1937 йили қамоққа олинган) учрашганимда у мени ўз уйига таклиф қилди. Мен унинг уйида бўлиб, бир кун тунадим, эртаси куни у янги шаҳарга бирга боришимни таклиф қилди, мен кўндим, икковимиз шаҳарга бордик. Баландли масжидга келганимизда Қушбегиев менга у билан бирга унинг ўртоғиникига киришимни айтди, мен рад қила олмадим ва биз Баландли масжиддаги бир уйга кирдик. Аммо шу заҳоти Қушбегиев йўқ бўлиб қолиб, бошқа бир одам пайдо бўлди, у менга мутлақо бегона, таниш эмасди. У мени уйга киришга таклиф қилди. Мен уй ичига кирганимда у одам ҳам кўздан ғойиб бўлди. Шу онда мен уй ўртасидаги стол устида Қуръон китоби ва «Наган» системали браунга кўзим тушди. Мен кўрқиб кетдим, шу онда уй орқасидан оқ либосга ўралган, юзи ёпиқ, фақат кўлигина очик ҳолатда бир киши чиқиб шундай деди: «Сиз биласизми қаерда турганингизни, бу уй «Миллий иттиҳод» ташкилотининг жойи, Сиз Қуръон олдида биз билан бирга ишлашга қасамёд қилишингиз керак, бизнинг сирларимизни ошкор қилгудек бўлсангиз бизнинг одамларимиз томонидан йўқ қилинаси». Шундан сўнг унинг огоҳлантиришидан кейин мен «Миллий иттиҳод» ташкилотининг содиқ аъзоси бўлишликка ваъда бердим ва оқ кийимга ўралиб олган киши мени табриклаб хонадан чиқиб кетди, унинг ўрнига мени шу уйга таклиф қилиб олиб келган одам пайдо бўлди ва мени бошқа дарвоза орқали бошқа кўчага кузатиб қўйди.

<sup>1</sup> Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шахид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.294.

У жойдан чиқиб мен Баландли масжид йўналиши бўйича юриб бораётган эдим. Баландли масжидда мени Қушбегиев кутиб олди ва у кулимсираб, мени табриклаб: «Сиз ташкилотга уч ойлик синов билан қабул қилинаси, шундан сўнг биз сизни ташкилотимизнинг Андижон бўлимига раҳбар қилиб тайинлаймиз», – деб айтди ва биз у жойдан кетдик. Шундан сўнг мен «Миллий иттиҳод» ташкилоти билан ҳеч қандай алоқада бўлганим йўқ ва ундан бирон-бир топшириқ олмадим ҳам. Бу ҳақда ҳозиргача бирон жойда ҳеч кимга бирон нарса деганим йўқ».<sup>2</sup>

Маромнома ва Низомноманинг андижонлик муаллифларидан Мулло Муҳиддин маҳдум аълам мулло Муҳаммад, Мулла Боқи охун домолло Одилбой ўғли, Мулла Нуриддин аълам Йўлдошхўжа эшон ўғли, Мулла Муҳаммадҷон бойвачча Камолҷонбоев ҳақида,



Мулла Нуриддин аълам Йўлдошхўжа эшон ўғли

уларнинг келиб чиқиши, юмуши, таржимаи ҳоли, ижтимоий фаолияти, тақдири ҳақида ҳозирча маълумотга эга эмасмиз. Ана шу 5 нафар андижонлик тараққийпарварлардан бири Мулла Нуриддин аълам Йўлдошхўжа эшон ўғли бўлган. Унинг ўғли Каримҷон ака Янги шаҳарда кўмир омборида узоқ йиллар мудирлик қилган. Мен шахсан у киши билан яқиндан таниш эдим. У одам ўша қиш пайтлари, қийинчилик вақтларида кўмирга муҳтож тул аёллар, етим-есирлар, қўли калта мўйсафидларни ўз ҳисобидан ёқилғи билан таъминлаб турганлигининг шахсан шоҳидиман. Раҳматли Каримҷон аканинг қизи тарих факультетини битирганини яхши эслайман. Шу Каримҷон ака ва унинг отаси, жадижд тараққийпарвари Мулла Нуриддин аълам Йўлдошхўжа эшон ўғли ҳақида яқин қариндошлари, танишлари бисотида эсдалик, ҳужжат, расм, маълумотлар бўлса, уларни «Водийнома» таҳририятига йўллашларини илтимос қиламиз.

**Профессор Р.Т.Шамсутдинов,  
докторант Д.И.Хомидов**

<sup>2</sup> Кўрсатилган манба. – Б.295 – 296.



# «ПАДАРКУШ» ПЪЕСАСИДА РОЛЬ ЎЙНАГАН АКБАР ЎРАЗАЛИЕВНИНГ ТАҚДИРИ

1985 йил 4 февралда андижонлик жадидлар, тараққийпарварлардан Акбарали Бойтурсунович Ўразалиев, Абдурахим Юсуфзода, Иномжон Хидиралиевнинг ҳаёти, фаолияти ҳақида манбалар, маълумотлар олиш мақсадида доцент Р.Т.Шамсутдиновнинг илтимосига биноан Андижон область партия комитетининг секретари Мирза Хўжаевич Муҳитдинов ўз имзоси билан СССР Ташқи ишлар министрлигига хат билан мурожаат этган. Бунинг сабаби шу эдики, юқорида номлари зикр этилган андижонликлар совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида дипломатия соҳасига тортилган эдилар. Акбарали Ўразалиев Хитойда, Абдурахим Юсуфзода Афғонистон ва Москвада, Иномжон Хидиралиев Москвада, Лондонда фаолият кўрсатган.

СССР Ташқи ишлар министрлигидан (унинг манзили: 121200, г. Москва, Г-200, Смоленская-Сенная майдони, 32/34 уй. Телефон: 244-16-06) 1985 йил 11 апрелда область партия комитетининг секретари М.Х.Муҳитдинов номига манабу жавоб хати келган эди:

«Секретарю Андижанского обкома Компартии Узбекистана

Тов. Муҳитдинову

В связи с Вашим письмом сообщаю имеющиеся в Архиве внешней политики СССР краткие биографические сведения на Уразалиева Акбар-Али Байтурсуновича.

Уразалиев Акбар-Али Байтурсунович родился в 1890 г. в гор. Андижане. По национальности киргиз (казах – Р.Ш.), сын безземельного степняка. Окончил русскую школу в г. Андижане и 4 класса городского училища в г. Коканде. В 1907

– 1909 гг. работал конторщиком в Московском учетном банке в г. Коканде. В 1909 – 1916 гг. – переводчиком у мирового судьи г. Андижана. С 1914 по 1917 гг. состоял членом младоузбекской подпольной организации «Итихады-Ватараки». Член РКП(б) с 1918 г. После 1917 г. Уразалиев Акбар-Али Байтурсунович находился на различных должностях в советских, партийных и хозяйственных органах: товарищ председателя в Совете солдатских, рабочих и крестьянских депутатов, член Президиума Совнархоза г. Андижана; зам.председателя областного Совнархоза, г. Коканд; председатель Угорревкома г.г. Ош и Андижан; зам.председателя областного Ревкома г. Коканда. В 1922 г. на XI съезде Советов был избран членом Центрального Исполнительного Комитета Советов Туркестанской Советской Социалистической Республики. В 1923 г. Президиумом ВЦИК был награжден грамотой за героическую работу в деле борьбы с басмачеством. В 1925 г. по реко-



Муҳитдинов Мирза Хўжаевич (1930 – 1990) 1970 – 1988 йиллар оралигида Андижон область партия комитетининг идеология секретари лавозимида фаолият кўрсатган. СамДУ тарих факультетини битирган, тарих фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган. 1980 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти томонидан нашр этилган «История Андижана» китобининг муаллифларидан бири.



мендации Средне-Азияцкогo бюро ЦК РКП был командирован НКВД переводчиком Генерального консульства СССР в Кашгаре (Западный Китай), где работал до 1927 года.

Что касается Инамджана Хидиралиева (по архивным данным: Хидыр-Алиев Инагамаджан), то с апреля по август 1924 г. он входил в состав делегации Советского Союза по переговорам с Великобританией. На этих советско-английских переговорах он участвовал в работе IV комитета по выработке текста договора с Великобританией, но его выступлений на заседании Комитета не обнаружено.

Другими сведениями о Хидиралиеве Инамджане, Уразалиеве Акбар-Али Байтурсуновиче и Абдурахиме Юсуф-Заде АВП СССР не располагает.

Зам. Начальника Историко-дипломатического Управления МИД СССР (подпись) В.В.Соколов».

Бу ҳужжатни қўлга олган Р.Шамсутдиновнинг ўзи юқорида номи кўрсатилган архив раҳбарига мурожаат этиб, аввалги маълумотларга қўшимча янги материаллар бўлса, улардан нусха олиб жўнатишни илтимос қилган. Шунга мувофиқ СССР Ташқи ишлар ми-нистрлиги дипломатия бўлими мутасаддиси В.В.Соколов томонидан 1986 йил 6 апрелда Р.Шамсутдиновнинг номига А.Ўразалиев ҳақида маълумот юборилган. Унда айтилишича, Акбарали Ўразалиев 1925 йил 6 июлда Москвада Хитойга дипломатик хизматга – Қашқарда Бош Консуликда ишлаш учун кетаётиб тўлдирган шахсий варақасида «Ўтмишда қандай партияларга мансуб эдингиз?» деган саволга ҳеч иккиланмасдан: «1914 йилдан 1917 йилгача ёш сартлар (ўзбеклар)нинг «Иттиҳод ва тараққий» яширин ташкилоти аъзоси бўлганман», – деб жавоб ёзган. «Сизнинг инқилобий ва ижтимоий ишдаги иштирокингиз нимада ифодаланган?» деган саволга Акбарали Ўразалиев: «1917 йилга қадар маърифатпарварлик, тўғарак ишларида, 1917 йилдан сўнг эса совет, хўжалик, партия органларида ишладим», – деб жавоб берган.

Р.Шамсутдиновнинг 2001 йили «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Истиқлол йўлида

шаҳид кетганлар» номли китобида Абдурахим Юсуфзода, Акбар Ўразалиев ва бошқаларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, фожиали тақдир илмий жиҳатдан ёритиб берилган. Биз ана шу маълумотлар асосида Акбар Ўразалиевнинг фаолияти, хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесасида роль ўйнаганлиги, вақтлар ўтиб бунинг учун таъқиб остига олинганини кўрсатиб беришни лозим топдик. Акбар Ўразалиев 1916 йили Туркистондаги миллий-озодлик қўзғолонида қатнашган, Андижонда рус мустамлакачи маъмуриятининг маҳаллий халққа нисбатан қўллаган мустабид сиёсатини фош этишда фаоллик кўрсатган маҳаллий етакчилардан бири эди. Подшоҳ ҳукуматининг жазолаш органи Андижондаги яширин ташкилотнинг изидан тушиб, уни батамом йўқ қилмоқчи бўлган. Туркистон район муҳофаза бўлими (ТРМБ) бошлиғи ўринбосари Розалион-Сошалский ҳарбий губернатор маҳкамаси ҳужжатларини синчиклаб ўрганиб, Андижондаги «тараққийпарварлар» иши юзасидан жиноий иш қўзғаган.

Акбар Бойтурсунович Ўразалиев Андижондаги «Тараққийпарварлар», «Падаркушчилар», «Гап»чилар номи остида фаолият кўрсатётган ижтимоий-сиёсий жамиятнинг энг фаол аъзоларидан эди.

Шунинг учун ҳам ТРМБ раҳбарияти ва агентлари унга қарши астойдил кураш олиб бордилар. Акбарали Ўразалиев ва укаси Муҳаммаджон Андижондаги келиштирувчи суд тилмочлиги ва мирзалиги вазифаларидан бўшатилади. ТРМБ бошлиғининг ўринбосари Розалион-Сошалский 1917 йил 7 февралда Андижонга етиб келади. Шунда Акбарали Ўразалиев тактик йўл тутиб, отаси Бойтурсуннинг А.Н.Куропаткин



Акбар Ўразалиев.  
Қашқар. 1926 йил



билан ўзаро яқин танишчилигидан (у 1877 йили Куропаткин билан бирга Шарқий Туркистонга борган эди) фойдаланиб ўзи ва бошқа тараққийпарварлар ҳаётини сақлаб қолиш, Андижонда ҳеч қандай яширин сиёсий ташкилот йўқлигини исботлаш учун Туркистон генерал-губернаторига ариза билан мурожаат қилади. Шу аризани русчадан ўзбекчага ўгириб бермоқдамиз:

«Туркистон ўлкаси генерал-губернатори, саодатли олий ҳазратлари Алексей Николаевич Куропаткинга. Георгий Хочининг барча даражалари соҳиби Бойтурсун Ўразалиевнинг ўғли қозоқ Акбар Бойтурсунович Ўразалиевдан

### ИЛТИМОСНОМА

Скобелев округи суди раисининг 1917 йил 6 январдаги фармойиши бўйича мен ва укам Муҳаммаджон Андижон уезди келиштирувчи суди ҳузуридаги тилмочлик хизматидан бўшатилдик. Бизнинг хизматдан бўшатилишимиз сабаблари хусусида менга суд раисининг тушунтиришича, бу ўринда сиз ҳазратларининг фармойишингизга кўра иш кўриб суд раиси мени ва укамни хизматдан бўшатишга мажбур бўлган. Шу йилнинг 6 феввалида мен шахсан сиз саодатли олий ҳазратларига бу ишни текшириш ҳақида илтимоснома топширган эдим. Шунда сиз саодатли олий ҳазратлари томонидан бундай суд идораларида хизматда турган шахсларга хизматдан бўшатиш тўғрисида фармойишлар берилмаслиги айтилган эди.

Ҳозирда эса, менинг эшитишимга қараганда, гўё айрим шахслар томонидан бизлар қандайдир аслида бўлмаган «ёш ўзбекларнинг падаркушлар партия»сига мансублигимиз тўғрисида сиз саодатли олий ҳазратлари бизларни хизматдан бўшатиш ҳақида фармойиш берган экансиз.

**1914 йилнинг 6 июнида Андижон шаҳрида маҳаллий ҳаваскор сарт ёшлари томонидан кўнгилни хуш этувчи кеча ташкил қилинди, унда Маҳмудхужа Беҳбудийнинг сарт тилида ёзилган «Падаркуш» номли**

**пьесаси ҳам сахнада қўйилганди.<sup>1</sup> Пьеса ўз мазмунига кўра чуқур ибратли эди. Ҳозирги замон сартлари жамиятининг маънавий тушкунлигини очиб беради. Шу кечада тўпланган маблағнинг бир қисми ҳозирги бораётган урушда ҳалок бўлганларнинг боқувсиз қолган оилаларига, бир қисми Андижондаги эркаклар прогимназияси фойдасига, қолган қисми эса кўнгилни хуш этувчи бошқа муассасалар фойдасига сарфланган эди. Бундай кечани ташкил этиш учун маҳаллий рус ҳукуматидагиларнинг рухсати олинганди. Бу пьесани ўйнаганлар орасида мен ҳам бор эдим.**

Ҳаммининг эсидан аллақачон чиқиб кетган бу воқеадан қуруқ сафсатабоз кишилар партия, «Ёш ўзбеклар ҳаракати»ни ўйлаб топдилар, бу кечани ташкил этишда қатнашганларни эса қандайдир партиявий гуруҳга дахлдор деб гумонсирадилар. Буларнинг ҳаммаси бизларнинг кам маданийлигимизни характерлаб бермоқда, арзимас ҳаваскорлик пьеса кўникмаган ақлимизни шу қадар таажужубга солмоқдаки, бутун давлат ҳаётини тўнтариб юборишга қодир улкан ҳодиса юз бергандек туюлмоқда.

Мазкур масала бўйича Андижонга Тошкент соқчилари бўлими бошлиғи ёрдамчиси келиб, дастлабки тергов олиб борди, ҳам рус, ҳам маҳаллий маъмуриятни сўроқ қилди. Оқибатда ўзбек ёшларининг қандайдир фирқа тузиб, қандайдир асоссиз мақсад сари курашаётгани ҳақидаги гумонлар тўлалигича исботланмади.

Мен шахсан ўзим келиб чиқишим қозоқ бўлиб, ўзининг бутун ҳаётини рус ҳукумати хизматида ўтказган ҳамда ўз меҳнати эвазига Георгий Хочининг барча даражаларига эга бўлган кишининг ўғли сифатида ҳеч қачон ўзбекларнинг қандайдир фирқаларида иштирок этишим мумкин эмас, агарда шундай фирқалар мавжуд бўлганида ҳам, тарбиям ва олган билимим бўйича менга шу нарса аниқ ва тушунарлики, Россиянинг улуғлигини бирон нарса

<sup>1</sup> Бу ўринда Миён Бузрукнинг Тошкент ҳаваскорлари ҳам Андижонга бориб «Падаркуш» пьесасини қўядилар деган фикри ҳақиқатга зиддир (Абдулхайров Б. Миён Бузрук – жадид драматургияси ва театри тадқиқотчиси. – Тошкент: Фан, 2009. – Б.105). «Падаркуш» пьесаси андижонлик тараққийпарварлар томонидан қўйилган (Абдулхамид Чўлпон, Қўчқор Алимов, Абдуқодир Қўшбеғиев, Акбар Ўразалиев, Саъдуллахужа Турсунхужаев ва бошқалар).



билан тенглаштириб бўлмади ва Россия қудратини ҳеч нарса бука олмайди.

Мен ва укам Муҳаммаджон бутун хизматимиз давомида ножўя танбеҳ олган эмасмиз. Бизнинг маънавий сифатимиз, хулқ-атворимиз ва фаолиятимизга келсак, бутун маҳаллий маъмурият баҳо бериши мумкин. Андижон уезди бошлиғи К.К.Мединский, Ўш уезди бошлиғи ёрдамчиси К.П.Городинский, Скобелев округ суди прокурори ёрдамчиси П.П.Робин, Андижон уезд 1-даҳа келиштирувчи судьяси Петров ва мени хизмат бўйича билган ҳамда ҳалол ҳаётимдан воқиф бўлган бошқаларни ҳам келтиришим мумкин.

Тилмоч сифатида мен ва укам хизмат қилиб катта оиламизни тебратмоқда эдик, эндиликда эса хизматдан бўшатилиб, яшаш воситаларидан маҳрум бўлиб қолдикки, ҳозирги вақтда бундай аҳволда бўлишлик биз учун фавқулодда тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолатдир.

Бундан ташқари, ўзим етарли маълумотга эга бўлмаганимдан, аммо маълумотли бўлишнинг фойдасини тушунганлигимдан энг охириги маблағларимни, имкониятимни ишга солиб укамни Андижондаги эркаклар прогимназиясида ўқитмоқдаман. Бу тўғрисида сиз олий ҳазратлари Андижон шаҳрига келганингизда ҳам хабар топгансиз.

Ушбуларни баён этиб, сиз олий ҳазратларидан бизларни хизматга тиклаб қўйиш тўғрисида фармон беришингизни, борди-ю бунинг имкони бўлмаса, мазкур иш бўйича расмий ва оғзаки текширув ўтказишни итоаткорлик билан илтимос қилишни шарафим деб биламан. Бу ишни расмий текшириб чиқишда бизга қўйилаётган айблар қандай бўлмасин исботланмайди, биз ўз томонимиздан бу нотўғри ишни қўзғатган шахсларни топишга ҳамда яхши номимиз ва обрўйимизнинг тикланишига эришажакмиз.

Скобелев шаҳри, 1917 йилнинг 24 февраль куни.

А.Б.Ўразалиев».<sup>1</sup>

Ариза 4 март куни етиб борган. Аризага 1917 йил 6 март куни виза қўйилган: «Прокурор ху-

<sup>1</sup>ЎзР МДА, 1-фонд, 31-руйхат, 114-иш, 71 – 72-варақлар.

лосасида сўровнинг ҳаракатлари ҳақида маълумот йўқ. Расмий учун текширув бўлиши керак. Бу ҳақда генерал-губернаторга ва ариза-чига маълум қилинсин».<sup>2</sup>

Февраль инқилоби туфайли Андижондаги «Ёш ўзбеклар яширин ташкилоти» ҳақидаги тергов ишларига барҳам берилди. «Падаркуш» пьесасида рол ўйнаган Акбар Ўразалиев боши устидаги қора булут тарқалди. Унинг ҳаётида янги саҳифа очилди.

1917 йил 14 июнь соат 3 да Андижон шаҳрининг 2-қисмида Олимжон ҳожи заводида ҳаракатдаги армиядаги фронторти ишларидан қайтиб келган 900 га яқин ишчи-мусулмонларнинг митинги бўлиб, унда мусулмон ишчиларидан совет ҳайъати тузилди, унга мусулмонлардан 13 киши, европалик руслардан 2 киши кирди. 27 ёшли Акбар Ўразалиев Андижон мусулмон совети раиси ўринбосари этиб сайланди. 1917 йил августда шаҳар думасига демократик руҳда сайлов ўтказилди. «Шўро ислон»нинг маҳаллий аҳоли ўртасида таъсири кучлилиги натижасида миллий ҳаракат намояндалари Андижон шаҳар думасидаги 97 ўриндан 84 тасини эгаллайдилар. Думага Акбар Ўразалиев ҳам сайланган. Ўразалиев эсерлар партияси сафига кирган, чунки эсерлар мусулмон аҳоли манфаати йўлида большевикларга қарши курашаётган эди. Андижон мусулмонлар совети эсерлар ташкилоти билан яқин алоқада фаолият кўрсатган. Эсерлар партияси Андижон бўлимнинг раиси Мария Николаевна Орда эди. Акбар Ўразалиев давр тақозоси, замона зайлига кўникиб, мустабид тузумга хизмат қилишга мажбур бўлган, Андижон уезд-шаҳар совети ижроқўми раиси ўринбосари, инқилобий комитет раиси ўринбосари, ҳарбий тайёрлов бўлими бошлиғи, «босмачилар»га қарши кураш «бешлиги»нинг раиси, Андижон ва Ўш уезд-шаҳар инқилобий комитетлари раиси ўринбосари, Фарғона вилояти ревкоми раиси ва ўринбосари, Фарғона вилоят ревкоми раиси ўринбосари, вилоят режа комиссиясининг раиси лавозимларида ишлаган, 1925 – 1927 йилларда Хитойнинг Қашқар вилоятида Совет бош консуллигида хизмат

<sup>2</sup>ЎзР МДА, 1-фонд, 31-руйхат, 114-иш, 72-варақ.



қилади, Фарғона вилояти банк бошқарувчиси бўлади. 30-йиллар бошида Андижондаги Манжара номли артелга, сўнг «Савай» совхозига раҳбарлик қилган. Аммо 1934 йил 1 декабрда троцкийчи-зиновьевчилар томонидан С.М.Кировнинг ўлдирилиши туфайли душманларни излаб топиш, уларни қамоққа олиш, тергов қилиш, «аксилинқилобчи», «миллатчи» деган тамгалар қўйиб қатагон қилиш кампанияси Акбар Ўразалиевни ҳам ўз домига тортди. У 1935 йил 14 сентябрда қамоққа олиниб, 14, 16 сентябрь, 27 октябрь, 26 ноябрда тергов қилинган. Бу тергов материаллари алоҳида таҳрир қилишга муҳтождир. ЎзССР Олий Суди Махсус коллегияси 1936 йил 10 – 11 сентябрь кунлари Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди билан айбланган Акбар Ўразалиевнинг ишини кўриб чиқади ва уни 3 йил муддат билан озодликдан маҳрум этиш ва 3 йил сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқаради.

1959 йил 10 октябрда ЎзССР прокурорининг Акбар Ўразалиев иши бўйича протести қараб чиқилиб, 1936 йил 10 – 11 сентябрдаги ҳукмни бекор қилиш, Акбар Ўразалиев иши таркибида жиноят йўқлиги учун ишни тўхтатишга қарор қилинган. Аммо бу вақтда ноҳақ жазоланган инсоннинг ўзи аллақачон ҳалок бўлган эди. Унинг турмуш ўртоғи Маҳпират ҳожи аяга келган хатда Акбар Ўразалиевнинг 1947 йили турмада вафот этгани айтилган.

Агар бу хатга ишонилса, А.Ўразалиев 1936 йил 11 сентябрда атига 3 йил муддатга қамоқ

жазосига ҳукм этилган эди-ку. Уч йил муддат 1947 йилгача чўзилиб кетганми? Бу савол жумбоқлидир. Келгуси тадқиқотларда бу муаммога жавоб топилиши керак. Шунитаъкидлаш лозимки, Акбар Ўразалиевнинг аёли Маҳпират ҳожи ўз замонасининг ўқимишли, маданиятли, маърифатли кишиси эди. У санъаткор бўлган. 1925 йили Андижондаги аввалги «Беш-бош», кейин Андижон ёғ-мой заводида бадий ҳаваскорлар тўғарагини ташкил этган. Профессор Р.Т.Шамсутдинов СССР халқ артистлари Тамарахоним, Ҳалима Носирова ва Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова, академик ёзувчи Комил Яшин Маҳпират ҳожининг ўзбек санъати, театри ривожидан тутган ўрни улканлигини таъкидлаганларини айтиб берган. Акбар Ўразалиевнинг қабри қаердалиги номаълум, лекин унинг турмуш ўртоғи Маҳпират ҳожининг мақбараси Андижон шаҳридаги тарихий Бобосаъдин қабристонидан



Маҳпират ҳожи Юсупова

**Манзураҳон Акбарова,**  
тарих фанлари номзоди,  
**Жасурбек Иминов,**  
АДУ ўқитувчиси



# ИЛМИЙ МАКТАБ АСОСЧИСИ

Т.К.Иминов, иқтисод фанлари доктори, профессор



Тоҳиржон Иминов,  
иқтисод фанлари доктори,  
профессор

2019 йил 1 май куни Андижон давлат университетининг катта мажлислар зали Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан ҳамда қўшни давлатлардан келган илм аҳллари, санъат ва адабиёт вакиллари билан тўлди. Шу куни нафақат андижонликлар, балки ўлкамизнинг барча илм аҳли юртнинг ажойиб фарзанди, улкан олим Рустам Шамсутдиновнинг табаррук 80 ёшини нишонлашга тўпланди. Йиғилишнинг тафсилотига тўхталиб ўтирмайман, бу борада биргина фикрни – фарғоналик олима, университет кафедра мудирасининг сўзларини келтирмоқчиман: «Рустам акага бағишланган бугунги анжуман Андижон учун маънавият кунига, тўғрироғи, маънавият байрамига айланди». Бу сўзларда шу куннинг мазмуни етарли даражада акс этган десак муболаға бўлмайди. Зеро, халқимиз азиз фарзандини улуғлаётган эди, олимлар эса Аллоҳнинг энг суйган бандаларидир.

Ўша кунги юбилей тантаналарининг асосий мазмуни кун бошида ўтказилган ва олимнинг ижод йўлини сарҳисоб қилишга бағишланган илмий конференцияда ўз аксини топди. Унда, аввало, Р.Шамсутдинов илмий фаолиятининг серқирра жилолари таърифлаб берилди.

Рустам ака тарих фанининг турли йўналишларида изланишлар олиб борди, уларнинг барчасида ҳам сезиларли натижаларга эришди. Аммо изланишларининг **энг салмоқлиси, энг юқори илмий ва амалий натижага эришгани** советларнинг қулоқлаштириш ва қатағон сиёсатини ва унинг аянчли оқибатларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлари бўлди. Бу борада у биринчилардан бўлиб советларнинг қулоқлаштириш ва жамоалаштириш сиёсатини атрофлича таҳлил қилди, энг асосийси, минглаб, ўн минглаб қулоқ қилин-

ганларнинг изсиз кетган тақдирини аниқ ҳужжатлар асосида тиклади ва шу орқали собиқ қулоқларнинг номини оқлади, жабрдийдалар авлодларининг қаддини ростлаб қўйди. Шу сабаб ҳам Рустам аканинг юбилей байрами собиқ қулоқлар ва уларнинг авлодлари учун ҳам катта шодиёнага айланди.

Конференцияда яна шу эътироф этилдики, Рустам Темировичнинг бу мавзуга киришишининг ўзи **илмий жасорат**дир. Зеро, у бу ишни бошлаганида М.Горбачев эндигина ҳокимият тепасига келган, «қайта қуриш» ғоялари энди куртак ёза бошлаган, тарихий тадқиқотлар олиб боришда советлар мафкураси ўрнатиб қўйган постулатлар, тақиқлар ҳамда чеклашлар тўлақонли амал қилар, ўша машғум жамоалаштириш, қулоқлаштириш ҳамда қатағон сиёсатини амалга оширган сиёсий ташкилот-



ларнинг мамлакат ички ҳаётидаги ўрни ҳеч камаймаган, шу сабаб сиёсат истаган томонга бурилиб кетиши, бунинг оқибати Рустам акага ўта аянчли бўлиши мумкин эди. Чунки бундай хатти-ҳаракатларга рухсат берувчи СССРнинг «1930 – 1940 йиллар ҳамда 1950 йил бошларидаги репрессия қурбонларига нисбатан адолатни тиклаш тўғрисидаги қонуни» қабул қилинишига ҳали бир неча йил бор эди.<sup>1</sup> Масаланинг яна бир муҳим томони, Рустам ака мавзу бўйича изланишларини бошлаганида юқорида эслатилган сиёсий ташкилотларнинг архивлари ҳали очилмаган бўлиб, тадқиқотларни асосан қулоқ қилинганларнинг хотиралари ҳамда матбуот материалларига таяниб бошлашга тўғри келган. Архивларни қисман очишга фақат юқоридаги қонун қабул қилингачгина рухсат берилди.

Р.Шамсутдиновнинг ушбу мавзуда ўзига хос илмий мактаб шакллантира олганлиги авваллари ҳам турли доираларда айтиб ўтилган эди. Ўша кунги анжуманда эса юқори малакали тарихчилар, академиклар, етакчи олимлар томонидан бу мактабнинг тўлақонли шаклланганлиги ва самарали фаолият олиб бораётганлиги эътироф этилди.

Каминага ушбу мактабга тамал тоши қўйилган палладан бошлаб унинг фаолияти билан танишиб бориш насиб этди. Бунга бошқа фан вакили бўлсам ҳам, юртимнинг тарихига қизиққанлигим, қолаверса, ўзимнинг ҳам ўша собиқ қулоқлар авлодидан бўлганлигим сабаб бўлган – иккала бобом ҳам Украинага қулоқ қилиниб, ўша ёқларда қолиб кетган. Шунинг учун Р.Шамсутдинов илмий мактабининг айрим томонларини, айниқса, **илмий ва амалий** аҳамиятини қисқача ёритиб ўтмоқчиман.

Адабиётларда «илмий мактаб» категориясига илмий изланишлар ташкил этилишининг энг юқори даражаси сифатида қаралиб, у икки таркибий қисмга эга бўлади деб таърифланган. Биринчиси фаннинг маълум йўналишида илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган илмий қарашлар мажмуасининг, иккинчиси ўша илмий қарашларни қўллаб-қувватловчи илмий жамоанинг мавжудлигидир. Бизнинг таҳлили-

миздаги илмий мактабда бу икки сифат тўлақонли мавжуд эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Шу ўринда илмий мактабнинг учинчи сифатига ўқувчининг эътиборини қаратмоқчиман. Бу илмий мактабнинг етакчиси (лидери)дир. Илмий мактаб фақат лидер раҳбарлигида, унинг ғоялари, шижоати, ташаббускорлиги таъсири остидагина шаклланади. Фан тарихида шундай ҳоллар ҳам бўлганки, ўз лидеридан ажраган йирик лабораториялар, илмий йўналишлар тарқатиб юборилган. Демокчиманки, фанда лидерлик алоҳида ўрин тутуди, ўзига хос намоён бўлади. Р.Шамсутдинов мактаби ҳам у кишининг номи билан бевосита боғлиқдир, бу мактабни устоз авайлаб-асраб шакллантирди, камолга етказди.

Анжуманда бу мактабнинг илгари сурган қатор **илмий янгиликларига** юқори баҳо берилди. Мактабнинг энг катта илмий янгилиги шуки, бизнингча, МДХ давлатларида биринчилардан бўлиб қулоқлаштириш жараёнини **советлар мафкураси ўрнатиб қўйган тақиқлар ва чекловлардан** холи тарзда тадқиқ этиб, унинг барча аянчли ва даҳшатли оқибатларини очиб бера олди, бу борада қабул қилинган қарорларнинг ноинсоний бўлганлигини исботлай билди.

Рустам Темирович мактаби сталинчиларнинг **«қулоқларни синф сифатида тугатиш»** шиори нақадар асоссиз ва мамлакат ҳаёти учун қанчалар зарарли бўлганини кўрсатиб берди. Синфлар тарихий тараққиёт маҳсулидир. Қулоқлар деб ном олган аҳоли қатлами Россияда 1861 йили крепостнойлик тузуми бекор қилингач шакллана бошлаган ва аста-секин қишлоқда бошқарув тизимининг ўрта бўғинини ташкил қилган. Қулоқларнинг синф сифатида тугатилиши эса шу бўғин ўрнида бўшлиқ ҳосил қилган, натижада бошқарувдаги мувозанат бузилган, оқибати барчага аён: улкан очарчилик, мамлакатнинг ғалла экспортчисидан импортчисига айланиши, энг ачинарлиси, миллионлаб синдирилган тақдирлар, қурбонлар ва ҳ.к. Шу хулосалар асосида Р.Шамсутдинов қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсати бутунлай асоссиз, тарихий тараққиёт қоидаларига зид эканлигини кўрсатиб берди. У бошқарув

<sup>1</sup> Бу қонун 1989 йили қабул қилинган.



тизимда қулоқлар эгаллаб турган бошқарувнинг ўрта бўғини нақадар аҳамиятли бўлганини, унинг қисқартилиши нақадар аянчли, ҳатто фожиали оқибатларга олиб келганлигини фактларда кўрсатиб берди. Шу ўринда олим: «Туркистонда қулоқлар синфи шаклланмаган эди, шу сабаб бу ерда қулоқларга қарши кураш сиёсати ўтказилишига ҳеч қандай асос бўлмаган», – деб ўта муҳим хулосани илгари сурган.

Бу мактабнинг илмий натижаларидан яна бири шуки, у жамоалаштириш ва қулоқлаштириш даврида большевиклар қўллаган аҳолини **ҳақли ва ҳақсизларга** бўлиб юбориш усулининг моҳиятини ва унинг аянчли оқибатларини биринчилардан бўлиб чуқур таҳлил қилди. Бу қўлланган усул қишлоқ аҳлини иккига бўлиб юборди, улар ўртасида ҳатто рақибликни пайдо қилди. Энг даҳшатлиси, ўша ҳақдорлар ёки улар мафкураси билан заҳарланганлар ҳатто 90-йилларгача ҳам қулоқларни унута олмади, фарзандларини эса «қулоқ авлоди» деб кўрсатиб келди. Умуман, мана шу ҳақдор ва ҳақсизларга бўлинишнинг оқибатларини ўрганиш давом эттирилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Рустам Темирович мактаби тадқиқотлари натижаларининг **амалий аҳамиятига** тўхталганда изланиш давомида ўн минглаб, юз минглаб қулоқ қилинган, изсиз бедарак кетган ватандошларимизнинг номлари тиклаб қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада унинг Украина, Қозоғистон, Россия, Кавказ давлатларининг махсус органлари архивларида узоқ вақтлар ишлагани ва кўплаб собиқ қулоқларнинг тақдирини юзага чиқариш бўйича қилган ишлари таҳсинга сазовор. Бунинг натижасида олим ўнлаб китоблар, илмий мақолалар чоп эттирди. Ҳозиргача айримларнинг Рустам Темирович китобларидан қулоқ қилинган ота-онаси ёки яқин қариндошлари тақдири қандоқ кечганини билиб олгани ҳақидаги хабарлар келиб туради.

Бу мактабнинг илмий хулосалари қатор фанлар, айниқса, сиёсатшунослик ҳамда иқтисод фанлари ривожини учун, **ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогнозлаш** учун яхшигина манба ҳисобланади. Аммо ҳаётда тарих тажрибаларига амал қилиш ҳар қачон ҳам кузатилавермайди. Биргина мисол, қулоқлаштириш натижасида қишлоқда бошқарувнинг ўрта бўғини қисқартирилиши натижасида мамлакат жуда катта иқтисодий, сиёсий, маънавий зарар кўрди. Афсус, бу ҳолат 80-йилларда Ўзбекистонда яна такрорланди, Гдлян-Иванов гуруҳи фаолияти натижасида бошқарувнинг минглаб ўрта бўғин вакиллари: бригадирлар, колхоз раислари қамалди ёки ишдан четлатилди. Бунинг биргина оқибатини келтираман. Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятларида ўша йиллари пахта тайёрлаш ҳажми тенг ярмига камайиб кетди.

Р.Шамсутдинов мактабнинг яна бир амалий аҳамияти шуки, унинг илмий хулосалари жуда кўплаб дарсликлар, ўқув қўлланмалари таркибига киритилди, ўқув юртларида ватанимиз тарихини ўрганишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Рустам Темирович, 80 ёшига қарамай, ҳавас қилгудай куч-қувватга эга. Илмий шижоати қирқ йил бурун қандай бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича қолган. Яқинда телефон орқали суҳбатимизда Андижонда яшаб ўтган Миркомилбой, Аҳмадбой, Рўзиохунбой, Мамталибой каби йирик бойларнинг тарихини ўрганиш мавзусига киришаётганини гапириб қолди. Бу мавзу ҳозирги кун учун жуда долзарб эканлиги ҳақида гаплашдик. Сабаби, совет мафкураси эксплуататор сифатида таърифлаган ўша ўзбек бойларининг ички олами, халқ олдида, ватан олдида ўз миссиясини шараф билан ўташ учун қандай сифатларга эга бўлгани ҳозиргача кам ёритилган. Бу масалаларни ўрганиш мамлакатимизда шаклланаётган тадбиркорлар қатламининг маънавий-ахлоқий тамойилларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.



# ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ БОШЛАНИШИ. УРУШ ҚУРБОНЛАРИ

Наим Каримов, академик

Яқинлашиб келаётган 2020 йилда Иккинчи жаҳон уруши иттифоқдош халқларнинг буюк тарихий ғалабаси билан тугалланганига 75 йил тўлади. Биз шу қутлуғ сана муносабати билан совет даврида биродарлашган халқларнинг улуғ ғалабага қўшган ҳиссасини Адолат ва Ҳақиқат тантана қилган байрам сифатида нишонлаб, урушнинг барҳаёт қатнашчиларини тавоф этамиз. Илоҳим, уларнинг азиз умрлари янада зиёда бўлсин.

Уруш фахрийларига бўлган ҳурматимизни қанчалик юсак даражада ифодаламайлик, жанг майдонларида қолган, ноиложликдан асир тушишга мажбур бўлган ва фашизм концентратив лагерларида дўзах азобларини бошидан кечириб ўлган ватандошларимизни ҳам унутмаслик, улар хотираси олдида ҳам таъзим қилишга бурчдоримиз.

## Уруш арафасидаги тарихий шароит

Совет давлати 1927 йилда 10 йиллигини нишонлаб, инқилобий талатўплар даврида бошқа партияда бўлган, йўқсиллар давлатининг ғайриинсоний, ғайримаданий ва ғайримиллий моҳиятини сеза бошлаган кишиларни қамаш, сургун қилиш, мол-мулкларини тортиб олиш ишларини бошлаб юборди. 1937 – 1938 йилларда эса Совет давлатининг олис ва яқин ҳудудларида бир парча жой қолмадики, у ерда қамоқхонаю лагерлар очилмаган ва улар ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ҳалол меҳнат қилаётган кишилар билан тўлдириб ташланмаган бўлсин. Машҳур

давлат, фан ва маданият, саноат ва қишлоқ хўжалиги дарғаларигина эмас, нуфузли ҳарбий академияларни битирган, халқ ва армия ўртасида катта ҳурмат қозонган генераллар ва офицерлар ҳам ё отиб ташланди, ё шу қамоқхона ва лагерларда азоб чекишда давом этди.

Шу йилларда барча соҳалар сингари ҳарбий саноат ҳам издан чиққан, армиянинг ҳарбий салоҳияти аянчли ҳолда эди. Ҳолбуки, шу даврда фашистлар Германияси ҳарбий саноатини юксалтирибгина қолмай, 1938 – 1941 йилларда Европадаги 12 та давлатни босиб олган, шу давлатлардаги саноат, қишлоқ хўжалиги, стратегик хомашё ва аҳоли бошланажак урушда Германия фойдасига хизмат қилишга тайёр эди.

Ана шундай шароитда Совет давлати 1939 йилда Германия билан ўзаро урушмаслик ҳақида шармандали шартномани тузишга мажбур бўлган ва Германиянинг яқин 5-6 йил ичида урушни бошламаслигига умид қилаётган, Германия эса уруш бошлаш учун қулай фурсатни кутаётган эди.

Хуллас, 1941 йил 22 июнь кечаси Германиянинг Европа давлатлари армияси билан бирлашган қўшинлари СССР чегараларидан ўтиб, шу чегаралар яқинидаги аэродромларни яқсон қилди, яшин тезлигида кўплаб шаҳар ва қишлоқларни босиб ола бошлади.

Германия урушнинг дастлабки кунларида ноқ босиб олинган мамлакатлар ҳудудларида, шу жумладан, СССРда ҳам кўплаб концентратив лагерларни ташкил этди. Кўп ўтмай Германиянинг энг замонавий техника билан қуролланган армияси ҳужумларига бардош



бера олмаган совет армияси қисмларидаги гуруҳ-гуруҳ жангчилар душманга асир тушиб, шу лагерларга оқиб кела бошлади. СС органлари ихтиёридаги маълумотларга қараганда, 1942 йилнинг апрелига қадар 15 та асосий концлагерь ва уларнинг 100 та бўлими ташкил этилган. Асосий лагерлар сони 1944 йил апрелига қадар 20 га, бўлимлари эса ўша йилнинг охирида 1000 га етган. Уруш чўқмоқлари Германия ҳудудларига яқинлашгани сайин бу асосий лагерлар ва уларнинг бўлимлари билан жангу жадаллар ўртасидаги масофа тобора қисқариб борган.

«Концентрацион лагерлар, – деб ёзилган «Улуғ Ватан уруши. 1941 – 1945» энциклопедиясида (Москва, 1985 йил), – ҳақиқий «ўлим фабрикалари» эди. Аксарият маҳбуслар ўлимга маҳкум этилганди... Лагерлар ихтиёрида одамларни замонавий техника ёрдамида оммавий қиришнинг барча унсурлари – газ камералари, крематорийлар, жиноий тиббий тажрибалар учун лабораториялар ва бошқалар мавжуд бўлган... Барча маҳбуслар жиловсиз зулм-зўравонликка мубтало этилган эдилар. Уларни шафқатсиз равишда ишлатишар, домий руҳий таназзул ҳолатида ушлаб туришар, очлик билан азоблашар, улардан турли-туман тиббий тажрибаларда фойдаланишар, уларни ахта қилишар эди» (366-бет).

Ана шундай мислсиз азоб-уқубатларни бошидан кечириб, ўз юртларидан олисда, даҳшатли йўллар ва усуллар билан ҳалок этилган ҳарбий асирлар ўртасида ўзбек халқининг фарзандлари ҳам оз бўлмаган.

### «Шталаг-326» лагери

1999 йил 9 майда Берлинда муҳим бир воқеа рўй берган. Шу куни мустақил Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ташаббуси билан «Умид» жамғармаси йўлланмаси асосида Берлинда таҳсил кўраётган талабаларимиз Штукенброк қабристонини зиёрат қилиб, шу ерда абадий уйқуда ётган ўзбек жангчилари қабрига гулчамбар қўйиб, улар хотираси олдида бош эгдилар. Бу асирлик азобларини бошларидан кечириб, хорлик ва зорликда ўлган ватандошларимиз хотирасига илк маротаба билдирилган ҳурмат ва эътибор эди.

2000 йилнинг қиш ойларида Берлинда бўлганимда бир харитани кўздан кечиришга тўғри келган. Харитада 1941 – 1945 йилларда Германия ҳудудларида мавжуд бўлган концлагерлар ва уларнинг бўлимлари махсус белгилар билан ажратилган ва бу белгилар қарийб бутун Германия бўйлаб сочиб юборилган эди. Бу лагерларнинг ҳар бирида минглаб ҳарбий асирларнинг азоб-уқубатдан вафот этгани ёки отиб ўлдирилганини кўз олдимизга келтирсак, шу лагерлар ҳудудидаги қабристонларда ўзбекистонлик ҳарбий асирларнинг ҳам дафн этилгани ўз-ўзидан ойдинлашади.

Берлин яқинидаги шундай лагерларнинг бири «Шталаг-326» деб аталган. Камина собиқ лагер қошидаги қабристонни зиёрат қилиш учун борганимда шу ерда кўнгилилардан иборат немис жамияти бўлиб, унинг асосий вазифаси ҳарбий асирлар хотирасини эъзозлаш сингари хайрия ишларини олиб бориш, хотирасини абадийлаштиришга ёрдам бериш экан. Шимолий Райн-Вестфалия ўлкасига қарашли Биелефельд шаҳри яқинидаги Штукенброк қабристонидида ўзбекистонлик асирларнинг ҳам қабрлари борлиги шу жамият аъзоларининг қабристон архивида олиб борган ишлари тўғрисида маълум бўлган.

«Шталаг-326» лагери 1941 йилнинг май ойида бир гуруҳ немис офицерлари ва солдатлари томонидан махфий равишда қурила бошланган. Маҳаллий пасторнинг ва деҳқонларнинг уйларига жойлаштирилган бу ҳарбийлар 400 – 1000 м<sup>2</sup> келадиган ерни девор билан ўраб олиб, сув насосларини ўрнатишган. Бажарилаётган иш ҳақида маҳаллий аҳолига ҳеч нарса айтилмаган. Фақат Совет Иттифоқи билан уруш бошлангандан кейингина лагернинг мақсад-моҳияти маълум бўлган.

Совет ҳарбий асирларининг 7 мингдан иборат дастлабки қисми лагерга 1941 йил 10 июлда келган. Орадан 3 ҳафта ўтгач улар сони 12 мингга етган. 1941 йил 1 декабрдан бошлаб Вермахт (герман қўмондонлиги) лагердаги ҳарбий асирларнинг аниқ сони ҳақида мунтазам равишда маълумот бериб турган. Шу



маълумотга қараганда, 1942 йилнинг 1 майида лагерда 1181 киши бўлган (демак, лагерга олиб келинган 10 мингдан зиёд маҳбус очлик ва зулмдан ўлган ёки ўлдирилган). 1944 йил 1 сентябрда эса лагерда 31 минг 638 совет аскарлари бўлган. Умуман, 1941 – 1945 йилларда шу лагерда 200 мингдан зиёд совет ҳарбий асирлари азоб-уқубат чекишган.

1945 йил апрель ойининг бошларида уруш тақдири ҳал бўлиб, герман қўшинлари иттифоқчиларнинг бирлашган ҳарбий қисмлари томонидан қуршаб олинганида лагерда қўмондонлик қилган ҳамда уни қўриқлаган немис солдат ва офицерлари АҚШ қўшинларига асир тушишган.

1945 йилнинг 2 апрелида америкаликлар «Шталаг-326» лагери маҳбусларини озод қилганлар.

Ҳозирги кунда «лагерь аҳли» учун қурилган 3 та катта барак сақланган бўлиб, улар уруш йилларида бу ерда дўзах азобларини бошидан кечирган ҳарбий асирларни ва ўша даҳшатли йилларни ёдга солиб туради.

### Штукенброк қабристонини

«Шталаг-326» 1941 йил сентябридан Германиядаги ҳарбий асирларни қабул қила бошлаган 140 та лагердан бири бўлиб, оддий аскарларга мўлжалланган. Расмий маълумотларга қараганда, бу ерга урушнинг дастлабки ойида 13 эшелон совет ҳарбий асирлари келтирилган. Кейинчалик лагерга француз, поляк, югослав ва италян ҳарбий асирлари ҳам олиб келинган, улар бошқа-бошқа баракларга жойлаштирилган.

1941 йил сентябрида лагердан бироз нарида очликдан, тифдан ва оғир меҳнатдан ўлган совет ҳарбий асирлари учун махсус қабристон «барпо этилган». Агар дастлабки вақтда вафот этган ҳарбий асирлар яқка-яқка тарзда дафн қилинган бўлса, кейинчалик лагердаги ўлиш даражаси бениҳоя кўтарилгач, жасадлар оммавий равишда «саржин тахлаш усули»да қўмила бошланган. 1945 йил 9 майгача бу ерда дафн этилган ҳарбий асирлар сони аниқ маълум эмас.

Тирик қолган маҳбуслар 1945 йил мартда АҚШ қўшинлари томонидан озод этилгач, оммавий дафнлар бўлиб ўтган жойда ёдгорлик ўрнатилиб, унга қуйидаги сўзлар ёзилган:

**«Бу ерда  
фашистлар асирлигида  
азоблаб ўлдирилган  
65 минг аскар ётибди.  
Қабрингиз тинч бўлсин,  
ўртоқлар.  
1941 – 1945»**

Ёдгорлик ўша йилнинг 2 май куни тантанали равишда очилган.

1960 – 1964 йилларда Шимолий Райн-Вестфалия федерал ўлкаси ҳукуматининг қарори билан қабристон кенгайтирилади ва қайта қурилади. Шундай ишлар жараёнида Шарқий Вестфалиядаги совет аскарлари хоки ҳам бу ерга кўчирилиб, улар алоҳида-алоҳида дафн этилади.

1967 йили Штукенброк посёлкасида «Штукенброк учун гуллар» («Блюмен фюр Штукенброк») номи остида ишчи тўғараги майдонга келади. Бу тўғаракнинг ғайрати ва инсонпарварлик ҳаракати билан маҳаллий аҳамиятга молик бўлган биродарлар қабристонининг овози Европа бўйлаб кенг тарқалади.

### Штукенброкда дафн этилган ватандошларимиз

«Шталаг-326» ҳалок бўлган ҳарбий асирлар хотирасини абадийлаштириш жамияти ўзининг инсонпарварлик маслагига содиқ қолиб, мавжуд архив ҳужжатлари асосида Штукенброк қабристонини дафн этилган бир қанча ватандошларимизнинг исм-шарифларини аниқлади. Шулар орасида қуйидаги ватандошларимиз бор:

1. **АЛЕКСЕЕВ Токо** (исми шу тарзда ёзилган). 1903 йили Тошкент вилоятида туғилган. 1944 йил 28 июлда вафот этган.

2. **АШИМОВ (ҲОШИМОВ) Қосибой (Қосимбой)**. 1925 йили Тошкент вилоятида туғилган. 1944 йил 6 июлда вафот этган.



3. **АШИРОВ Турдиқул.** 1924 йили Самарқанд вилоятида туғилган. 1944 йил 6 декабрда вафот этган.
  4. **АЗИЗОВ Норбўта.** 1905 йили Самарқанд вилоятида туғилган. 1944 йил 8 августда вафот этган.
  5. **АТОЕВ Иброҳим.** 1912 йили Душанбе шаҳрида туғилган. 1944 йил 5 январда вафот этган.
  6. **БОБОЕВ Бошмен.** 1899 йили Самарқанд вилоятида туғилган. 1944 йил 4 майда вафот этган.
  7. **БЕКНАЗАРОВ Давронбой.** 1919 йили Крупская туманида туғилган. 1944 йил 29 майда вафот этган.
  8. **БУРЦЕВ Анатолий.** 1911 йил 31 декабрда Тошкентда туғилган. 1944 йил 19 апрелда вафот этган.
  9. **ДЎСТУПОВ Жалил.** 1897 йили Тошкент вилояти (Ниёзбоши)да туғилган. 1944 йил 13 августда вафот этган.
  10. **ЖЎРАЕВ Ашел** (исми шундай ёзилган). 1912 йили Самарқанд вилоятида туғилган. 1944 йил 29 мартда вафот этган.
  11. **ИСЛОМОВ Назар.** 1906 йили Душанбеда туғилган. 1944 йил 27 июнда вафот этган.
  12. **КЕНЖАЕВ Раҳмат.** 1924 йили Тошкентда туғилган. 1944 йил 9 майда вафот этган.
  13. **КАМОЛОВ Сафар.** 1902 йили Бухорода туғилган. 1945 йил 13 январда вафот этган.
  14. **ҚУРБОНОВ Тожибой.** 1910 йили Тошкентда туғилган. 1944 йил 26 декабрда вафот этган.
  15. **КУЧУНОВ Рубак.** 1866 йили Тошкент вилояти (Велико-Алексеевск)да туғилган. 1944 йил 1 июнда вафот этган.
  16. **МАМБЕТОВ Исақул.** 1892 йили Бухорода туғилган. 1944 йил 5 июнда вафот этган.
  17. **МАМЕДОВ Али Мамедович.** 1906 йили Бухоро вилояти (Чашна олов)да туғилган. 1944 йил 24 апрелда вафот этган.
  18. **МАМОНТОВ Александр.** 1905 йили Бухорода туғилган. 1944 йил 1 августда вафот этган.
  19. **МИРЗААҲМЕДОВ Анорбой Мирзаметович.** 1915 йили Тошкентда туғилган. 1944 йил 25 июлда вафот этган.
  20. **НАЗАРОВ Имрат.** 1914 йили Бухорода туғилган. 1944 йил 15 ноябрда вафот этган.
  21. **ОБИДОВ Бўри.** 1895 йили Бухоро вилоятида туғилган. 1944 йил 26 августда вафот этган.
  22. **ОЛИМОВ (АЛИМОВ) Фозил.** 1919 йили Андижон вилоятида туғилган. 1945 йил 1 январда вафот этган.
  23. **ОМОНОВ Назар.** 1906 йили Самарқанд вилояти (Кичик тўсин)да туғилган. 1944 йил 10 майда вафот этган.
  24. **ОРЦЕХОВСКИЙ Николай.** 1910 йил 24 мартда Тошкентда туғилган. 1944 йил 12 сентябрда вафот этган.
  25. **РАШИДОВ Юсуф.** 1925 йили Самарқанд вилоятида туғилган. 1943 йил 5 апрелда вафот этган.
  26. **РЎЗИҚУЛОВ Абдураҳмон.** 1918 йили Тошкентда туғилган. 1944 йил 9 июлда вафот этган.
  27. **САНАҚУЛОВ Очилбой.** 1919 йили Самарқанд вилояти (Кулчабинский)да туғилган. 1944 йил 16 июнда вафот этган.
  28. **СОБИРОВ Саид.** 1908 йили Душанбеда туғилган. 1945 йил 6 январда вафот этган.
  29. **СУЛТОНОВ Ҳаким.** 1896 йил 10 августда Фарғонада туғилган. 1944 йил 4 апрелда вафот этган.
  30. **УСМОНОВ Ражаб.** 1899 йили Самарқанд вилоятида туғилган. 1945 йил 26 февралда вафот этган.
  31. **ҒАФФОРОВ Кагор (Қаҳҳор).** 1901 йили Тошкентда туғилган. 1944 йил 24 декабрда вафот этган.
- Иккинчи жаҳон урушининг ҳарбий асарлар билан боғлиқ фожиали саҳифаларини варақлар экансиз, инсоният тарихи кўрмаган даҳшатлардан сочингиз оқариб кетиши ҳеч гап эмас. Аслида, бундай қийноқлар Иккинчи жаҳон уруши арафасида Совет мамлакатада синовдан ўтган. Лекин улар ҳақида кам ёзилгани учун биз немис фашистларинигина XX асрнинг жаллодлари деб биламиз.

#### Яна «Шталаг-326» лагери ҳақида

«Шталаг-326» «рус лагерлари»дан бири бўлиб, 1941 йил майда Зеннадаги ўқув полигони ўрнида қурилган эди. 1941 йилнинг 10 июлида лагерга илк бор 2 минг нафар ҳарбий асир олиб келинганида бу ерда тиканли симдан иборат девор билан очик майдондан бошқа ҳеч нарса



йўқ эди. Ҳашта йилнинг кеч кузига қадар асирлар очиқ майдонда ёхуд ўраларда яшашга мажбур бўлганлар.

1941 йил 22 июлда фашистлар Германиясининг Совет Иттифоқига бостириб кириши билан ҳаётий манфаатлар кураши, дунёқарашлар кураши бошланиб кетди. Бу курашда Қизил Армия сафида ҳаракат қилган ҳар бир аскар, национал-социализм мафкурасига кўра, халқаро ҳуқуқларга эга бўлган асир эмас, балки ашаддий душман ҳисобланиб, немис халқининг манфаати ва келажаги учун уни ўлдириш ҳам қарз, ҳам фарз эди. Шунинг учун ҳам фашистлар совет асирларига нисбатан ҳаддан зиёд шафқатсизлик билан муносабатда бўлганлар. Натижада қизил аскарлар 1941 йил қишида тутдай тўкилиб, 1942 йил январда 3333 нафар асирдан бор-йўғи 922 кишигина ишга чиққан. Қолганлари эса очлик ва қийноқлардан ўлиб кетган.

1942 йил сентябрида қайта ташкил этилганидан кейин «Шталаг-326» лагери бошқа шталаглар билан бирга Липпе ўлкасига қарашли VI ҳарбий округдан ер олиб, унда бошқа миллатларга мансуб асирларни ҳам ишлатиш имконига эга бўлди. Аксар асирлар лагердан ташқарида, иш жойларига яқин ерларда яшай бошладилар.

Бундан ташқари, немис кўмир бирлашмасининг талаби билан собиқ «руслар лагери» Рур вилоятидаги тоғ саноати учун ҳарбий асирларни танлаш марказий лагери вазифасини ҳам бажара бошлади. Кўплаб асирлар наридан-бери ўтказилган саралаш ишларидан кейин VI А Хемер шталагига юборилди, бу лагерь асирларни тоғли жойлардаги корхоналар ва конларга тақсимлаб турди. Минглаб кишилар ёстиғи ғайриинсоний шароитдан ва сил касаллигидан қуриди.

Асирларнинг ҳаёт-мамоти турли омилларга боғлиқ эди. Шулардан бири 1929 йилги Женева конвенцияси эмас, балки национал-социалистик дунёқараш бўлиб, бу дунёқарашга кўра, совет ҳарбий асирларини истаганча азоблаш мумкин эди. Бундай муносабатнинг рағбатлантирилганидан илҳомланган қўриқчиларгина эмас, балки маҳаллий аҳоли ҳам асирларни

одам ўрнида кўрмади. Ғайриинсоний шароитдан норози бўлган асирлар Гестапо томонидан Бухенвальд концлагерига жазолаш учун юборилиб турди. Уруш охирига қадар Бухенвальдга тахминан 4600 киши этап қилинди. «Шталаг-326» лагери орқали тоғли жойлардаги корхона ва конларга 300 мингга яқин киши юборилди.

Вермахт томонидан белгиланган нормага кўра, совет ҳарбий асирларига бошқа ҳарбий асирларга нисбатан кам озуқа берилди. Шунинг учун ҳам бу корхоналарга юборилган асирлар очликдан силласи қуриб, оммавий равишда қирғинга учрадилар. 1942 йилнинг сўнгги уч ойидаёқ 5000 киши ҳаётдан кўз юмди.

1945 йил 2 апрелда Зеннадаги шталаг Америка Қўшма Штатлари қўшинлари томонидан озод этилганида лагерда 9000 га яқин совет асирлари бўлган. Очликдан ичлари таталанган бу асирлар озод бўлишлари билан, бир томони, ўч олиш мақсадида теварак-атрофни вайрон этиб, озиқ-овқат ахтарганлар. Афсуски, маҳаллий аҳоли бечораҳол асирларнинг тўрт йил мобайнида чеккан азоб-уқубатларини эмас, балки шу нарсанигина эслаб қолган.

1945 йил ёзида барча асирлар Совет Иттифоқига қайтарилди. Аммо улар ўша пайтдаги таомилга кўра хоин деб эълон қилиниб, энди 1937 йил қурбонларидан қолган лагерларда яшашга маҳкум этилдилар. Шу тарзда америкалик нажоткорлар томонидан озод қилинган ўзбек ҳарбий асирларининг фожиали қисмати ғалабадан кейин ҳам ўзгармади.

## Штукенброкда дафн этилган ватандошларимиз

### 2-рўйхат

«Шталаг-326» ҳалок бўлган ҳарбий асирлар хотирасини абадийлаштириш жамиятининг фаоллари ўзларининг кейинги изланишлари давомида яна қуйидаги ўзбекистонлик ҳарбий асирлар номини аниқладилар:

1. **АБДУРАҲМОНОВ Очил.** 1905 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Ишчи.



2. **АБДУҚОДИРОВ Кошган.** 1897 йили Ўшда туғилган. Ишчи.
3. **АБДУЛЛАЕВ Манас.** 1909 йили туғилган. Унинг туғилган жойи маҳбуслик анкетасида Сувишов деб ёзилган. Деҳқон.
4. **АБДУЛЛАЕВ Шихназар (Шоҳназар).** 1923 йили Тошкент вилоятида туғилган. Деҳқон.
5. **АБДУЛЛАЕВ Густам (Рустам).** 1906 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Деҳқон.
6. **АБДУЛЛАЕВ Журсунбий (Турсунбой).** 1920 йили Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида туғилган. Деҳқон.
7. **АБДУНАЗАРОВ Шовас Ёқуб ўғли.** 1915 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Тракторчи.
8. **АБДУРАҲМОНОВ Косиндшо (Қосимшо).** 1920 йили туғилган. Туғилган жойи қайд этилмаган. Деҳқон.
9. **АБДУЛЯЛЯКОВ Иброҳим Хундшон ўғли.** 1902 йили туғилган. Туғилган жойи Пареганский деб ёзилган. Ошпаз.
10. **АБДУЛЛАЕВ Собир.** 1924 йили Фарғонада туғилган. Деҳқон.
11. **АБДУЛЛАЕВ Макял (Макжал).** 1897 йили Наманган вилоятида туғилган. Ошпаз.
12. **АБРОЕВ (Оброев) Омон.** 1923 йили туғилган. Туғилган жойи Ўзбекистон деб ёзилган. Деҳқон.
13. **АБУЛҚОСИМОВ Абдройд (Абдураим).** 1925 йили Тошкентда туғилган. Деҳқон.
14. **АҲБОРДИЕВ Лагим (Раҳим).** 1914 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Тўқимачи.
15. **АҲМЕДОВ Юсуф.** 1924 йили Душанбеда туғилган. Деҳқон.
16. **АҲМЕДОВ Темур.** 1917 йили Кўлобда туғилган. Деҳқон.
17. **АҲМЕДОВ Соут (Саид).** 1899 йили Душанбеда туғилган.
18. **АҲМЕДОВ Отсафар.** 1898 йили Тошкент вилоятида туғилган. Ишчи.
19. **АҲМЕДОВ Ўктабой (Ўктамбой).** 1926 йили Тошкент вилоятида туғилган. Деҳқон.
20. **АҲМАДЖОНОВ Шокир.** 1922 йили Тошкентда туғилган. Ишчи.
21. **АКБАРОВ Усмонжон.** 1923 йили Наманган вилоятида туғилган. Деҳқон.
22. **АКИМОВ Ношом (Нишон).** 1910 йили туғилган. Туғилган жойи Паршон деб ёзилган (Фарғона бўлса керак). Деҳқон.
23. **АКРАМОВ Холиқул.** 1925 йили Фарғона вилоятида туғилган. Деҳқон.
24. **АЛЁРОВ Усмон.** 1925 йили Самарқанд вилоятида туғилган.
25. **АЛИМОВ Салим.** 1920 йили туғилган. Туғилган жойи қайд этилмаган. Деҳқон.
26. **АЛМАТОВ Маматқул.** 1924 йили Бухоро вилоятида туғилган. Деҳқон.
27. **АРАБХЎЖАЕВ Далим.** 1890 йили Жалоллободда туғилган. Деҳқон.
28. **АСАНОВ (ҲАСАНОВ) Абдулапар.** 1911 йили Наманган вилоятида туғилган. Новвой.
29. **АШИРМАТОВ Абдумалик.** 1897 йили Тошкент вилоятида туғилган. Деҳқон.
30. **АШИРОВ Турдиқул.** 1924 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Деҳқон.
31. **АЗИЗОВ Норбўта.** 1905 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Деҳқон.
32. **АСҚАРОВ Камолиддин.** 1902 йили туғилган. Туғилган жойи Тарагановск вилояти деб ёзилган. Фарғона вилояти бўлиши мумкин. Деҳқон.
33. **АҲМАДЖОНОВ Ортиқвой.** 1908 йили Наманган вилоятида туғилган. Касби кўрсатилмаган.
34. **АБУЛҚОСИМОВ Ашраф.** 1909 йили Тошкент вилоятида туғилган. Деҳқон.
35. **АВАЛЖОНОВ Шайдон.** 1924 йили Самарқандда туғилган. Деҳқон.
36. **БОБОЖОНОВ Абдулла.** 1922 йили Хоразм вилоятида туғилган. Деҳқон.
37. **БОЙНАЗАРОВ Раҳмат.** 1912 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Деҳқон.
38. **БОЛТАЕВ Босон.** 1908 йили Бухорода туғилган. Касби қайд этилмаган.
39. **БОЗОРОВ Даврон.** 1908 йили Бухоро вилоятида туғилган. Тракторчи.
40. **БЕГИМОВ Соат.** 1925 йили Бухоро вилоятида туғилган. Деҳқон.
41. **БЕГНАЕВ Раҳмон.** 1909 йили Душанбеда туғилган. Деҳқон.
42. **БЕГАЛИЕВ Қурбон.** 1901 йили Бухорода туғилган. Деҳқон.
43. **БЕКТОШЕВ Карим.** 1916 йили Андижон вилоятида туғилган. Новвой.



44. **БЕКТОШЕВ Мамод (Мамат, Муҳаммад)**. 1898 йили Фарғона вилоятида туғилган.
45. **БЕРДИЕВ Тўхта**. 1913 йили Бухорода туғилган. Деҳқон.
46. **БЕКТОШЕВ Намоз**. 1903 йили туғилган. Туғилган жойи Пашанской деб ёзилган. Деҳқон.
47. **ГРУСИЕВ (?) Абдурахмон**. 1909 йили Сурхондарёда туғилган. Деҳқон.
48. **ЖАМОЛОВ Исроил**. 1913 йили Тошкент вилоятида туғилган. Касби қайд этилмаган.
49. **ЖУСУПОВ (Юсупов) Усасенбет**. 1903 йили Тўрткўлда туғилган. Касби қайд этилмаган.
50. **ҚОДИРОВ Лео**. Исми шундай ёзилган. 1924 йили Тошкентда туғилган. Радиомонтёр.
51. **ҚОДИРОВ Мўмин**. 1915 йили Новқатда туғилган. Қассоб.
52. **КАЛЛАБЕРГАНОВ (ОЛЛОБЕРГАНОВ) Очил**. 1917 йили Хоразмда туғилган.
53. **КАЛМАРАТОВ (ХОЛМУРОДОВ) Бекмурод**. 1903 йили Бухорода туғилган. Деҳқон.
54. **ҚИРҒИЗОВ Аҳмаджон**. 1924 йили Наманган вилоятида туғилган. Деҳқон.
55. **МАМАДАЛИЕВ Раҳмон**. 1922 йили Тошкентда туғилган. Касби қайд этилмаган.
56. **МАМАДИЙ (МАМАТОВ) Жаббор**. 1916 йили туғилган. Туғилган жойи қайд этилмаган. Деҳқон.
57. **МАМАСОЛИЕВ Абдуллахон**. 1925 йили Андижонда туғилган. Деҳқон.
58. **МАМАТМУРОДОВ Сайдали**. 1904 йили Андижон вилоятида туғилган. Деҳқон.
59. **МАРИЕВ Шергатий (Шерали, Шермат)**. 1913 йили Новқатда туғилган. Қассоб.
60. **МИРЗАЕВ Жўратой (Жўрабой)**. 1916 йили Андижон вилоятида туғилган. Деҳқон.
61. **МУСАЕВ Исоқ**. 1924 йили Тошкентда туғилган. Ишчи.
62. **НУРИЕВ Сотволди**. 1916 йили Наманган вилоятида туғилган. Деҳқон.
63. **ОБИДОВ Неъматжон**. 1922 йили Фарғона вилоятида туғилган. Деҳқон.
64. **ОДАМБООВ (ХАДАМБОЕВ) Кошай**. 1919 йили туғилган. Туғилган жойи Шиман деб қайд этилган. Деҳқон.
65. **ОЙДАГДИЕВ (ҚАЙДАРБЕКОВ) Ёқуб**. 1911 йили Бухоро вилоятида туғилган. Деҳқон.
66. **ОМОНОВ Калах**. 1903 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Деҳқон.
67. **ОРЗИМАТОВ Ниёзмат**. 1921 йили туғилган. Туғилган жойи Чоусон деб қайд этилган. Талаба.
68. **ОРИПОВ Мамасоат**. 1925 йили Тошкент вилоятида туғилган. Деҳқон.
69. **ОРТИҚОВ Турсун**. 1925 йили Наманган вилоятида туғилган. Деҳқон.
70. **ОШБОЕВ (ТОШБОЕВ) Баграм**. 1903 йили Душанбеда туғилган. Деҳқон.
71. **ОТАБЕКОВ Соат**. 1900 йили Самарқандда туғилган. Деҳқон.
72. **ОТАЖОНОВ Тўхтасин**. 1910 йили Фарғона вилоятида туғилган. Деҳқон.
73. **ОТАҚУЛОВ Холмат**. 1904 йили Тошкент вилоятида туғилган. Деҳқон.
74. **ОТАМУРОДОВ Рустам**. 1903 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Деҳқон.
75. **ОТАЕВ Иброҳим**. 1912 йили Душанбе вилоятида туғилган. Деҳқон.
76. **ОЧАЛДАЕВ (ОЧИЛДИЕВ, ОЧИЛБОЕВ) Шамси**. 1905 йили Тожикистон (Яван, Жаван) ҳудудида туғилган. Деҳқон.
77. **ОЧИЛДИЕВ Талке**. 1919 йили Душанбе вилоятида туғилган. Деҳқон.
78. **ОРТИҚОВ Эргаш**. 1903 йили Фарғона вилоятида туғилган. Деҳқон.
79. **ОРТИҚОВ Орзу**. 1924 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Деҳқон.
80. **РАСАТОВ (Асатов) Раимжон**. 1907 йили Жалолободда туғилган. Деҳқон.
81. **РАСУЛЕВ Абдухолиқ**. 1923 йили Андижон вилоятида туғилган.
82. **РАУСХОНОВ (РАИСХОНОВ) Шоир**. 1924 йили Бухоро вилоятида туғилган. Деҳқон.
83. **ШАРИПОВ Латиф**. 1901 йили Бухоро вилоятида туғилган. Деҳқон.
84. **ШОКИРОВ Қодир**. 1910 йили туғилган. Туғилган жойи қайд этилмаган. Амалдор.
85. **ШАРТБИЕВОВ Ҳасан**. 1920 йили Бухоро вилоятида туғилган. Деҳқон.
86. **ШЕРБИНИН Фёдор**. 1910 йили Тошкентда туғилган. Касби қайд этилмаган.
87. **СЕКАТЧЕВ Дмитрий**. 1918 йили Тошкентда туғилган. Касби қайд этилмаган.



88. **СЕМЕНОВ Пётр.** 1919 йили Тошкентда туғилган. Касби қайд этилмаган.
89. **ШУРАЕВ (ЖЎРАЕВ) Абдумутал.** 1923 йили Наманган вилоятида туғилган. Деҳқон
90. **СИМОНОВ Пётр.** 1918 йили Тошкентда туғилган. Касби қайд этилмаган.
91. **ТУРСУНОВ Холбой.** 1907 йили Самарқандда туғилган.
92. **ТОШЕВ Сагар.** 1924 йили туғилган. Туғилган жойи Обемейк деб ёзилган. Деҳқон.
93. **ТУКУЛБОВ Гулмурот.** 1922 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Деҳқон.
94. **ТЎЛАГАНОВ Тўхта.** 1922 йили Тошкент вилоятида туғилган. Ошпаз.
95. **ТОШПЎЛАТОВ Абдулла.** 1909 йили Самарқандда туғилган. Деҳқон.
96. **ТЕШАБОВЕВ Мамадали.** 1908 йили Андижон вилоятида туғилган.
97. **ХОДИРАСОМОВ (ҚОДИРАСОМОВ) Райсан.** 1914 йили Тошкент вилоятида туғилган. Касби қайд этилмаган.
98. **ҲАЙДАРОВ Жўра.** 1922 йили туғилган. Деҳқон. Туғилган жойи қайд этилмаган.

### 3-рўйхат

1. **НАВРЎЗОВ Насул (Расул).** 1901 йили Бухоро вилоятида туғилган.
2. **АЗИЗОВ Тихта (Тўхта).** 1913 йили Бухоро вилоятида туғилган.
3. **РОДИОНОВ Георгий.** 1915 йили Тошкентда туғилган.
4. **ЖУМАЕВ Элдош (Эргаш).** 1921 йили Самарқанд вилоятида туғилган.
5. **МАРАХОВСКИЙ Николай.** 1906 йили туғилган.
6. **САМАРСКИЙ Виктор.** 1924 йили Тошкентда туғилган.

7. **САИДОВ Шариф.** 1925 йили туғилган.
8. **ТЎРАМУМУРОДОВ Болта.** 1917 йили Тошкент вилоятида туғилган.
9. **ТАРАПШИН Григорий.** 1911 йили Тошкентда туғилган.
10. **ЭГАМБЕРДИЕВ Мирзашо.** 1912 йили Тошкентда туғилган.
11. **АБДУРАҲМОНОВ Қозоқвой.** 1904 йили Тошкент вилоятида туғилган.
12. **БЕГИМШОЕВ Хорабой.** 1895 йили Тошкент вилоятида туғилган.
13. **БЎРОНОВ Абдулла.** 1923 йили Самарқанд вилоятида туғилган.
14. **ЛЕВЧЕНКО Иван.** 1909 йили Тошкент вилоятида туғилган.
15. **ҚОСИМОВ Сафар.** 1922 йили Душанбеда туғилган.
16. **КАПЛИН Михаил.** 1909 йили Тошкентда туғилган.

### 4-рўйхат

1. **БОБОЕВ Сулаймон.**
2. **АБДУРАЗЗОҚОВ Муҳаммаджон.**

Ушбу марҳум асирлар рўйхатини эълон қилар эканмиз, уларнинг исм-шарифлари аксар ҳолларда бузилиб ёзилгани учун муҳтарам журналхонлардан минг бора узр сўраймиз. Афсуски, бизнинг қўлимизга етиб келган ҳужжат ва рўйхатларда исм-шарифлар шундай қайд этилган. Айни пайтда, биз «Водийнома»нинг Фарғона вилоятларидаги ўқувчилари бу исм-шарифларнинг аслида қандай бўлганини аниқлаш ва марҳум ватандошларимизнинг қариндош-уруғларини топишда лутфан ёрдам беришларига умид қиламиз.



1940 йил сентябрь  
 Халқий асир қозони Германияда асир қўлишлари





# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 9 май – Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган қабул маросимидаги нутқида бутун Ўзбекистон халқи, Иккинчи жаҳон уруши майдонларидан қайтмаган минг-минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтиришини алоҳида таъкидлаб шундай деган эди:

**«Халқимиз фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб уруш майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.**

**Ўта оғир ва машаққатли йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намоён бўлди. Эл-юртимиз мамлакатнинг уруш бўлаётган ғарбий ҳудудларидан эвакуация қилинган турли миллатга мансуб 1 миллионга яқин болалар, аёллар ва кексаларга бошпана бериб, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди.**

**Ўзбекистонга кўчириб келтирилган заводларда кексалар, аёллар, ўсмир болалар туну кун машаққатли меҳнат қилгани ҳақиқий фидойилик, қаҳрамонлик намунаси десак асло хато бўлмайди».**<sup>1</sup>

Андижон вилояти халқи ҳам инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатларини намоён этиб уруш бўлаётган ҳудудлардаги аҳолини, жумладан, болаларни, ярадор ҳарбийлар, жанглarda ҳалок бўлганларнинг яқинлари, етим-есирларни ўз бағрига олгани, уларни ҳар жиҳатдан таъминлаб тургани, инсонпарварлиги вақт ўтиб сарғайиб кетган архив ҳужжатларида ўз аксини топган. Мазкур мақолада суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлади.

Фашистлар Германияси вақтинча босиб олган ҳудудлардан ва фронт яқинидаги районлардан, Украинадан, Белоруссиядан ҳаммаси бўлиб Ўзбекистонга 1 миллиондан ортиқ киши эвакуация қилинган. Улардан 200 000 нафари болалар эди.



Абдурахмон Мусаев иш кабинетидида

Ўзкомпартия Марказий Комитети Ташкилий бюроси ва ЎзССР Олий Совети Ташкилий комитетининг 1942 йил 17 февралдаги йиғилишида «Андижон вилояти бўйича эвакуация қилинган аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуши тўғрисида»ги масала кўрилган. Бу вақтда ЎзССР Олий Советининг Андижон области бўйича Ташкилий комитети раиси Абдурахмон Мусаев, ЎзКомпартия Марказий Комитетининг Андижон области бўйича Ташкилий бюроси котиби Н.П.Трофимов бўлган. Қарорда фронт яқинидаги ҳудудлардан эвакуация қилинган совет фуқароларига максимал даражада ғамхўрлик қилиш, уларни жойлаштириш, иш би-



Н.П.Трофимов

<sup>1</sup> <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyevning-9-may-khotira-va--09-05-2017>



лан таъминлаш, улар учун зарур турмуш шароитларини яратиш маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг муҳим вазифаси эканлиги белгилаб берилган. Эвакуация қилинганлар Андижон областининг колхоз ва совхозларига жойлаштирилган, иш ва уй-жой билан таъминланган.

Вилоятдаги район ва шаҳар партия комитетлари секретарлари ва райижроқўм раислари эвакуация қилинган фуқаролар турмуши ва меҳнатини ташкил этиш ҳолатини текшириб ўрганиш учун зудлик билан махсус комиссиялар тузиб, комиссия иши натижалари район партия комитетлари бюрolarида муҳокама қилиниши кўрсатилган.

Партия комитетлари секретарлари ва райижроқўм раислари зиммасига ёрдамга муҳтож бўлган эвакуация қилинганларни зудлик билан моддий жиҳатдан таъминлаш, озиқ-овқат, тураржой билан таъминлаш ва уларни ишга жойлаштириш каби вазифалар топширилган.

Мазкур қарор ижросини доимий равишда назорат қилиш Шербаков зиммасига юклатилган.<sup>1</sup>



Ю.А.Бакулин

1942 йил 2 октябрда Ю.А.Бакулин томонидан имзоланган **«Эвакуация қилинган аҳолини жойлаштириш ишидаги камчиликлар ҳақида»**ги қарорда фронт яқинидаги ҳудудлардан эвакуация қилинган аҳолини тураржой, иш, кийим-кечак билан таъминлаш масалалари кўрсатиб ўтилган.

Унда, жумладан, ушбу фактлар келтирилган.

Катта Тожик қишлоқ совети «Ленин йўли» колхози раиси Зоиров эвакуация қилинган оилаларга ун ўрнига буғдой берган, сўнгги вақтларда эса колхозчиларнинг асосий қисми рўза туфайли кундузги пайтда овқатланмаяпти деган баҳона билан ишчиларга тушлик учун иссиқ овқат тайёрламай қўйишган. Шундай ҳолат Киров қишлоқ советидаги «Коммунизм» колхозида, Стрелково қишлоғидаги «Социализм» ва районнинг бошқа колхозларида кузатилган.

Эвакуация қилинганларнинг асосий қисми колхозда яхши ишлаган. Масалан, Киров қишлоқ совети «Коммунизм» колхозида уч кишидан иборат бўлган Рабиновичлар оиласи 1942 йил 1 январдан 1 июлгача 507 иш куни, эвакуация қилинган Қримплар оиласи эса 230 иш куни меҳнат қилишган.

Зоировнинг эвакуация қилинганларнинг оилаларига нисбатан ноинсоний муносабати ҳақида Ленин район партия комитетига хабар берилган бўлса-да, унга нисбатан ҳеч қандай жазо чораси кўрилмаган, уларнинг аҳволи яхшиланиш ўрнига ёмонлашган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Ташкилий бюро Ленин район партия комитети секретарига ҳайфсан эълон қилган, барча район партия комитетлари секретарларига эвакуация қилинган аҳолига тўловларни амалга ошириш жараёнини текшириш, бундан кейин ҳафта-сига камида бир марта пул тўловларини амалга ошириш мажбурияти юкланган, колхозда ишловчи эвакуация қилинган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, сабзавот, сут маҳсулотлари билан маошлари ҳисобидан таъминлаш ёки колхоз нархида нақд пулга сотиш, бунда ёш болали оилалар ва оиласида боқувчиси бўлмаган қарияларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш кўзда тутилган, октябрь ойи давомида эвакуация қилинган аҳоли яшайдиган жойларни тўла таъмирлаш, агар уй-жой яшашга нолойиқ деб топилса, аҳолини яхши шароитли бошқа жойларга кўчириш, шу билан бирга, эҳтиёжи юқори бўлган оилаларни ўз ҳисобидан кийим, пойабзал билан таъминлаш ёки шароити оғир бўлганларга колхоз томонидан ссуда бериш ҳақида қарор қабул қилинган.

Область прокурори Турсунмуҳаммедовга беш иш куни давомида Ленин райони Катта Тожик қишлоқ совети «Ленин йўли» колхози раисини фронт яқинидан эвакуация қилинган аҳолига нисбатан ноинсоний муносабати учун жавобгарликка тортиш вазифаси юклатилган.<sup>2</sup>

Андижон область партия комитети уруш ногиронлари ва ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини иш билан таъминлаш, иқтисодий, маиший, яшаш шароитларини яхшилаш бора-

<sup>1</sup>ЎзР ПАА АББ, 106-фонд, 1-руйхат, 130-иш, 130-варақ.

<sup>2</sup>ЎзР ПАА АББ, 106-фонд, 1-руйхат, 134-иш, 66-варақ.



сида жуда катта ташкилий ва амалий ишларни амалга оширганлиги ҳужжатларда акс эттирилган. Масалан, 1943 йил 1 февралдаги ҳолатга кўра, область бўйича 5613 нафар уруш ногиронлари бўлиб, улардан 4014 киши, яъни 75 фоизи иш билан таъминланган. Улардан 145 нафари учинчи гуруҳ ногиронлари эди. Область, шаҳар ва район ижтимоий таъминот ташкилотлари уруш ногиронларини ишга жойлаштириш ва ўқитиш борасида амалий вазифаларни бажарганлар. Айниқса, Андижон шаҳридаги 6-сон ёғ заводи, 5-сонли пиво заводи, шаҳар умумий овқатланиш, шаҳар савдо ташкилотлари зиммасига жуда катта вазифалар юклатилган. Уруш ногиронларининг моддий, маиший ҳолатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишларни партия органлари ўз назоратига олган.<sup>1</sup>

Ҳарбий хизматчилар, фронтдагиларнинг оилаларини моддий ва маиший жиҳатдан таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилган. 1944 йил 1 июлдаги маълумотга кўра, 71577 оилага 580121 рубль ёрдам берилган, 7314 оилага 8866 дона кийим-кечак, 2973 оилага пойабзал, 4774 оилага 134190 килограмм дон маҳсулотлари, 109930 оилага 38951 килограмм сабзавот, 16 бош қорамол, 271 майда шохли ҳайвон берилган. Фронтдагиларнинг 10571 кишидан иборат болалари болалар майдончалари, болалар боғчаси ва яслиларга жойлаштирилган. 1944 йил учун 6201 оилага моддий кўмак, 764 оилага нафақа тайинланган.

Область партия комитети бюроси айрим район раҳбарлари (Избоскан, Олтинкўл, Холде-вонбек районлари) бу масалага керакли эътибор бермаганликларини кўрсатиб ўтган. Уруш ногиронлари, ҳарбий хизматчилар оилалари учун бугдой, маккажўхори экишга тегишли чора-тадбирлар кўрмаганликлари учун масъул шахслар қаттиқ танқид остига олинган.<sup>2</sup>

Фронт учун, ғалаба учун бутун борини бериб, ярим оч меҳнат қилаётган халқимиз уруш бўлаётган жойлардан эвакуация қилинган жабр-дийдаларни қабул қилиш, улар билан бир бурда нонини бўлишиб яшаши керак эди. Бағрикенг андижонликлар энг оғир пайтларда ўзларининг

муруввати ва олижаноблигини кўрсатдилар. Албатта, шולי курмаксиз бўлмайди. Йўл қўйилган айрим камчилик ва муаммоларни ҳал қилишда раҳбарлар жиддий позицияда турганлар. ЎзКП (б) МК ва ЎзССР Олий Совети Андижон области бўйича ташкилий қўмитаси 1942 йил 13 июнда қабул қилган қарор иловасида эвакуация қилинган болалар уйлари текширилганда қуйидаги камчиликлар аниқланганлиги баён этилади.

Хоналар етарли эмас ва болалар зич жойлашган, тарбияланувчиларнинг бир қисми битта қаравотда икки киши ётишга мажбур. Ленин районидаги болалар уйида тарбияланувчилар полда ётишади. Хоналар тартибсиз ва зах, капитал таъмирга муҳтож. Баъзи болалар уйларида қайноқ сув йўқлигидан қайнатилмаган сув ичишмоқда (Пахтаобод, Хўжаобод, Бўтақора). Марҳамат болалар уйидаги омборда етарли кийим-бош, чойшаб-тўшақлар мавжудлигига қарамай, тарбияланувчилар кир ва жулдур кийимда юришибди. Область соғлиқни сақлаш бўлими санитарлари болалар уйларида бўлишмайди ва айбдорларни жазолашмайди.

Болалар уйларининг аксарияти ЎзХКС қарори билан белгиланган нормадан анча кам маҳсулот олади.

Андижон, Марҳамат болалар уйларида тарбиявий ишлар ғоят қониқарсиз олиб борилаётганлиги туфайли тарбияланувчилар томонидан давлат мулкани, колхозчилар мевалари ва пуллари йўғирлаш мунтазам равишда содир бўляпти. Интизом йўқ, тарбияланувчилар ва катталар билан қўпол муомала қилишади, сиёсий қолоқлик кўриниб турибди.

Область ва шаҳар комиссиялари, айрим район комиссиялари эвакуация қилинган болаларга ёрдам кўрсатиш бўйича ишларни ғоятда сусайтириб юборган: эвакуация қилинган болалар ҳисоби, уларнинг яшаш шароитларини доимий ўрганиш ва ёрдам кўрсатиш йўқ, натижада шу кунгача болалар хонаси таъмирланмаган, болаларга ёрдам кўрсатиш жамғармаси учун маблағ қидириш бўйича ҳеч қандай иш амалга оширилмаган.

Эвакуация қилинган болаларнинг ҳисобини олиб юрадиган адрес столи шу чоққача ташкил этилмаган.

<sup>1</sup> ЎзР ПАА АБВ, 106-фонд, 1-руйхат, 445-иш, 106-варақ.

<sup>2</sup> ЎзР ПАА АБВ, 106-фонд, 1-руйхат, 445-иш, 41-варақ.



Ойим, Жалолқудуқ, Марҳамат, Хўжаобод районларида болаларга ёрдам кўрсатиш комиссиясининг ўзи ташкил этилмаган.

ЎзКП (б) МК ва ЎзССР Олий Советининг Андижон области бўйича ташкилий қўмитаси қарор қилади:

1. Район партия ташкилотлари секретарлари ва район ижроия комитетларининг раисларига болалар уйларидаги шароит ва таълим-тарбия бўйича мунтазам равишда шахсан текширув ўтказиб бориш, ободонлаштириш, колхозчилар билан алоқа ўрнатиш ва болаларнинг овқатланишини назорат қилиб боришда ёрдам кўрсатиш юклатилсин.

2. ОблОНО мудирини Абдуллаевга қуйидагилар юклатилсин:

а) Бўтақора болалар уйини иккига бўлиш: Бўтақорада 150 болани олиб, қолган 100 нафарини Сталин райони марказига кўчириш, у ерда янги болалар уйини ташкил этиш;

б) болалар уйларини таъмирлаш ва хоналарни тартибга келтириш шу йилнинг 15 августигача якунланиши зарур.

3. Район ижроия комитетлари раисларига болалар уйларини таъмирлашда қурилиш материаллари билан таъминлаш ва колхозларни болалар уйларини таъмирлашга ёрдам кўрсатишларини уюштириш сўралсин.

4. Область савдо бўлими (Мельников) ва область матлубот уюшмасининг раиси (Раҳимов) болалар уйларини озиқ-овқат билан таъминлашда йўл қўйиб бўлмас даражадаги масъулиятсизлиги кўрсатиб ўтилсин. Мельников ва Раҳимовга уч кун муддат ичида барча болалар уйларига 1 майдан бери берилмаган маҳсулотларни тарқатиш юклатилсин.

5. Район партия комитетлари секретарларига болалар уйлари ёрдамчи хўжаликлари учун уруғ, чорвачиликни юритиш учун қўй ва чўчқалар билан ёрдам кўрсатиш таклиф этилсин.

6. Андижон (Усмонов), Марҳамат (Шоабдураҳмонов), Пахтаобод (Кимсанов) ва Хўжаобод (Бадалов) район ижроия комитетлари раисларига болалар уйларига ёрдамчи хўжалик учун 2 дан 5 гектаргача ер ажратиш ва кечки экин учун уруғ билан таъминлашга ёрдам бериш.

7. Пахтаобод ва Ленин районлари ижроия

комитетлари раисларига болалар уйлари колхозлардан керакли озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишлари учун узлуксиз молиялаштиришни ташкил этиш юклатилсин.

8. Марҳамат (Шоабдураҳмонов) ва Ленин (Мамадалиев) район ижроия комитетлари раисларига жамоатчилик ҳисобидан чойшаб-тўшақлар, халат, каравот ва идиш-товоқлар йиғиб болалар уйларига доимий ишлатиш учун топшириш таклиф этилсин.

9. Эвакуация қилинган болаларга ёрдам кўрсатиш шаҳар ижроия комиссиясининг раиси Ўрозовга болаларга ёрдам кўрсатиш жамғармасига маблағ топиш бўйича ишларга жамоатчи аёлларни жалб этиш юклансин. Ойига икки марта боғларда концертлар уюштириб, уларда энг яхши артистларнинг иштирокини таъминлаш, пул-буюм лотереяларини ташкил этиш ва бошқа қонуний чоралар кўрилсин. Эвакуация қилинган болаларнинг ҳисобини юритиш ва маиший шароитини текшириб бориш, болалар уйлари ҳолати ва иши назорати, кўп болали оилаларни кўриқдан ўтказиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, болалар адабиётига оид китоблар йиғиш ва эвакуация қилинганлар учун кутубхоналар ташкил этиш.

10. Район партия комитети секретарлари ва район ижроия комитетларининг раислари уч кун муддат ичида кучли колхозларнинг болалар уйларига оталиғини ташкил этиб, ҳар бир болалар уйига колхоз бириктирилгач, ўзаро ёрдам бўйича шартномалар тузишни ташкил этиш. Болалар уйлари дала ишларида ёрдам берса, колхоз озиқ-овқат, ўтин, қурилиш маҳсулотлари билан таъминласин.

11. ОблОНО мудирини (Абдуллаев)га қуйидагилар юклатилсин:

а) ОблОНО мудирини ва болалар уйларига ёрдам кўрсатиш бўйича инспекторларнинг ҳар ойда 3 кун оператив назорат ўтказиб, болалар уйларида тарбиявий ишларнинг яхшиланишига эришишини таъминлаш, ўртоқлари ва катталарга ҳурмат ва одоб билан муносабатда бўлиш, ўзгалар меҳнатини қадрлаш, меҳнатсеварликни тарбиялаш, қийинчиликлар ва оғир кунларни мардонавор енгиш, душманларга нафрат, ватанга муҳаббатни сингдириш;



б) бир хафталик муддат ичида жамоатчи аёллар ёрдамида Андижон шаҳрига эвакуация қилинган болаларни кўздан кечириш, озиқ-овқатга муҳтож болалар контингентини ажратиш.

12. Область савдо бўлими мудирини (Мельников)га Андижон шаҳрида кунига 500 бола овқатланадиган ошхона очиш юклатилсин.

13. Область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудирини Фуголга:

а) болалар касалхоналари ва болалар ошхоналаридаги санитария ҳолати бўйича оператив назорат ўтказиш;

б) уч кунлик муддат ичида болалар касалхоналарининг штабини қайта кўриб чиқиш ва уни болаларга меҳрибон жамоатчи аёллар билан мустақамлаш топширилсин.<sup>1</sup>

\* \* \*

Фашист босқинчилари билан ҳаёт-мамот жанглари бораётганда ҳам фронт ортида уруш ногиронлари, ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ва эвакуация қилинганларга ёрдам кўрсатиш кун тартибидан тушмаган. ЎзКП (б) МК Ташкилий бюроси ва ЎзССР Олий Кенгаши Ташкилий комитетининг 1943 йил 2 мартдаги Андижон области бўйича «Улуғ ватан уруши ногиронлари, ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ва эвакуация қилинганларга ёрдам кўрсатувчи доимий ишловчи комиссиялар тузиш ҳақида»-ги қарори бунинг яққол далилидир.

ЎзКП (б) МК Ташкилий бюроси ва Олий Кенгаши Ташкилий комитети қарор қилади:

1. Андижон областида Ватан уруши ногиронлари, ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ва эвакуация қилинганларга ёрдам кўрсатувчи комиссия қуйидаги таркибда тузилсин:

Пышкина – раис (обком секретари)

Чиждова – раис ўринбосари (облисполком раиси ўринбосари)

Ковазова – комиссия аъзоси (Ташкилий бюро ҳарбий бўлими мудирини)

Власова – комиссия аъзоси (облвоенкомат сиёсий бўлими мудирини)

Джангирова – комиссия аъзоси (облисполком раиси ўринбосари)

<sup>1</sup>ЎзР ПАА АБВ, 106-фонд, 1-руйхат, 132-иш, 43 – 44-варақлар.

2. Барча районлар ва шаҳарлар партия комитетларига шундай комиссиялар тузиш топширилсин.

3. Область комиссияси (Пышкина) уч кунлик муддат ичида область ва районлар миқёсида амалга ошириладиган ишлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин. Режада ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ва эвакуация қилинганларнинг маиший аҳволини доимий ўрганиш, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим, пойабзал, уй-рўзғор буюмларини бериш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш белгилансин.<sup>2</sup>

Республика раҳбарияти 1943 йили «Фарходстрой» қурилиши суръатини янада жадаллаштириш масаласини муҳокама қилди. Бу чиндан-да долзарб масала бўлиб, қурилишга андижонликлар муносиб ҳисса қўшдилар.



Фарход ГЭСи қурилишидаги андижонликлар

ЎзКП (б) МК Андижон вилояти бўйича Ташкилий бюроси ва ЎзССР Олий Кенгаши Ташкилий бюросининг 1943 йил 2 августдаги «Фарход ГЭСи қурилишида ишлаётган Андижон вилояти колхозчиларининг қишки ишлаш жараёнларини нормаллаштиришни таъминлашга оид тадбирлар ҳақида»-ги қарори билан танишар эканмиз, улкан қурилишдаги андижонликлар иштироқи ҳақида тасаввурга эга бўламиз.

ЎзКП (б) МК ва ЎзССР ХКСнинг 2 июндаги қарори, Оргбюро ва Оргкомитетнинг 4 июндаги қарорига мувофиқ Андижон области бўйича Оргбюро ва Оргкомитет қарор қилади:

<sup>2</sup>ЎзР ПАА АБВ, 106-фонд, 1-руйхат, 100-иш, 153-варақ.



1. Барча район партия комитетлари котиблари ва район ижроия комитетлари раисларига Фарҳод ГЭСига одамларни ишга жўнатиш ишини 22 августгача амалга ошириш топширилсин.

2. Фарҳод қурилишига жўнатилаётганларни қатъий текширувдан ўтказиб, жисмоний меҳнатга нолайиқ инсонларни ишга жўнатиш тақиқлансин.

3. Фарҳод ГЭСи қурилишидаги ишчиларнинг яшаш шароитлари ва уларга коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ишларини яхшилаш мақсадида ҳар бир район партия комитетлари котибларига Фарҳод ГЭС қурилиши майдонида

ЎзКП (б) барча РКларига ва район ижроия комитетларига бинолар қурилиши учун материалларни 1 сентябрдан кечиктирмай етказиб бериш топширилсин (№2 илова).

4. ЎзКП (б) Жалолқудуқ РК секретари Акбаровга торфни қайта ишлаш учун етишмаётган ишчиларни ажратиш топширилсин.

5. Оргбюронинг ёқилғи бўйича секретари Титовга ва Ўзёқсавдо (Саҳор)га «Фарходдстрой» учун ёқилғини тасдиқланган график бўйича юклаб жўнатиш топширилсин (№3 илова).

6. Тошкент темир йўллари 6-бўлими бошлиғи Пучкин ва пассажир хизмати бошлиғига колхозчиларни материаллар ва керакли озик-

**Илова №1<sup>8</sup>**

Районлар	Одам сони			
	Оргком ва Оргбюро қарори бўйича	4 июль ҳолатига кўра, қурилишда борлар	4 июлдан 20 августгача жўнатилганлар	25 августгача жўнатилиши керак бўлганлар
Андижон ШК	655	30	–	630
Андижон РК	610	320	–	370
Ойим	325	174	–	151
Олтинқул	500	290	70	140
Балиқчи	340	160	180	–
Ворошилов	410	170	160	80
Жалақудуқ	410	146	55	60
Избоскан	550	174	–	370
Ленин	600	237	300	360
Марҳамат	180	170	10	–
Пахтаобод	400	220	80	100
Сталин	470	240	65	165
Хўжаобод	440	126	250	65
Чинобод	340	174	63	103
Холдеувонбек	260	136	–	134
	<b>6500</b>	<b>2757</b>	<b>1333</b>	<b>618</b>

25 киши ҳисобига 1 та ертўла уй, ҳар бир район учун 1 та овқат тарқатиш ошхонаси, чойхона қуриш тавсия этилсин. Район штаби учун инвентарлар ва озик-овқат сақлаш учун омбори бўлган штаб қурилсин. Ишларни тугатиш вақти 1943 йил 1 октябрь.

овқатларни район ташкилотларининг биринчи талаби биланоқ жўнатиш вазифаси юклатилсин.

7. РК котиблари ва район ижроия комитетлари раисларига Фарҳод ГЭС қурувчилари учун

<sup>8</sup> ЎзР ПДА АББ, 106-фонд, 1-руйхат, 298-иш, 58-варақ.



озик-овқатни тасдиқланган меъёр бўйича жўнатиш тавсия қилинсин.

8. Ташкилий бюро Сафарбарлик бўлимига «Фарходстрой» қурилиши учун 4 нафар ҳайдовчи, 3 чилангар,<sup>1</sup> 1 нафар токар зудлик билан жўнатиш тавсия қилинсин.

ЎзССР Олий Кенга- шининг Андижон об- ласти бўйича Ташкилий бюроси раиси (Мусаев)

Ўз КП (б) МКнинг Андижон вилояти бўйича Ташкилий бюроси котиби (Қосимов)

Област ижроия қўмитаси ва обком ЎзССР ХКС ва ЎзКП (б) МКнинг 1943 йил 28 ноябрдаги қарори ижроси бўйича қарор қабул қилган. Унга кўра, Фарҳод ГЭСи қурилишида меҳнат қилаётганларга қўшимча равишда 6000 нафар колхозчи юборилди. Колхозчиларни Фарҳод ГЭСи қурилишига олиб бориш бўйича тайёрлов ишларини ўтказиш район ижроия қўмитаси раислари ва ЎзКП (б) район комитети секретарлари зиммасига юклатилди. Колхозчилар-

*Илова №2<sup>2</sup>*

**Юборилиши керак бўлган қурилиш материаллари  
ВЕДОМОСТИ**

Районлар	1 сентябрга қадар жўнатиш керак									1 октябрга- ча жўна- тиш керак	
	Ёғоч м/з	Мих ёки ХХХ, кгр	Пердан- лар ёки қамиш	Печ- лар дона	Пли- талар дона	Лампа ёки фо- нарлар дона	Пақир ва жом- лар	Ёғоч бочка- лар	Ўтин м/з	Ёғоч	Ўтин
Андижон	40	200	–	20	30	30	15	2	40	20	20
Ойим	23	120	–	10	10	22	15	2	20	10	10
Олтинқўл	40	200	–	20	20	30	15	2	35	20	20
Балиқчи	23	120	–	10	10	23	15	2	25	10	10
Вороши- лов	23	120	–	10	10	22	15	2	35	10	10
Жалаку- дуқ	23	150	4500	10	10	23	15	2	35	10	10
Избоскан	35	200	–	20	15	23	15	2	35	20	20
Ленин	40	200	–	20	20	30	15	2	40	20	20
Марҳа- мат	27	150	–	10	10	32	15	2	15	10	10
Пахтао- бод	23	150	–	10	10	22	15	2	30	10	10
Сталин	35	200	4500	30	15	30	15	2	35	20	20
Хўжаобод	18	150	–	10	77	23	15	2	30	10	10
Холде- вонбек	20	120	1500	10	5	22	15	2	30	10	10
Чинобод	20	120	–	9	5	22	15	2	20	10	10
	390	2200	13500	189	167	343	210	28	115	190	190

ни «Фарходстрой»га жўнатишни ҳар томондан тайёрлашни район ва колхозларда кенг қулоч ёйдириш район ижроия қўмиталари раислари-

<sup>1</sup> ЎзР ПДА АВБ, 106-фонд, 1-руйхат, 298-иш, 57-варақ ва орқаси.

<sup>2</sup> ЎзР ПДА АВБ, 106-фонд, 1-руйхат, 298-иш, 59-варақ.



га топширилди. Қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

а) «Фарходстрой»га юборилаётган колхозчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш, кекса, касалманд, ҳомиладор ёки болалари ёш аёлларни зинҳор жалб этмаслик;

б) ишга юборилаётганларни пойабзал, иссиқ кийим-кечаклар ҳамда кўрпа-тўшақлар билан таъминлаш;

в) ишга юборилаётганларнинг ҳар бирига иккитадан қоп ва саватлар берилишини таъминлаш;

г) ишга юборилаётган колхозчиларни йиғиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ЎзКП (б) МК ва ЎзССР ХКСнинг 1943 йил 8 январдаги қарори асосида амалга ошириш.

ЎзКП (б) район партия комитети ва район ижроия комитетларига колхозчиларга маиший хизмат кўрсатиш, район штабларини транспорт билан таъминлаш, ҳар бир райондан от арава юбориш юклатилди. Қурилишга қўшимча юборилган колхозчиларга инженер, техник ва қурилиш усталари бириктирилди.

*Илова №3'*

**Ёқилғини юклаб жўнатиш бўйича  
График**

Ёқилғи тури	15 сентябргача жўнатиш керак	15 сентябрдан 1 ноябргача жўнатиш керак	Ҳаммаси бўлиб жўнатиладиган ёқилғи миқдори	Изоҳ
Торф, тонна	430	540	970	
Торф, вагон	86	108	194	Бир вагонга 5 тонна торфни юклаш норма деб қабул қилинган
Жами вагонлар	86	108	194	



Фарход ГЭСи қурилишидан лавҳа

<sup>1</sup>ЎзР ПАА АВБ, 106-фонд, 1-рўйхат, 298-иш, 60-варақ.



«Фарходстрой»га жўнаб кетаётган колхозчиларни шахсан ЎзКП (б) район партия комитети биринчи секретари қишлоқ совети фаоллари билан кузатиб борди. Область соғлиқни сақлаш бўлими, район ижроия комитети раислари, район соғлиқни сақлаш бўлимларига қурилишда эпидемик касалликларнинг олдини олиш юклатилди. Колхозчиларни қурилишга оммавий равишда жўнатиш чоғида «Фарходстрой»га 2

нафар врач, 54 нафар ўрта ва кичик тиббий ходимларни керакли дори-дармонлар билан юбориш топширилди. Йўловчи ташиш бўлинмаси бошлиғига колхозчиларни юклари билан ишлаб чиқилган график асосида жойлаштиришни ташкил этиш топширилди. Пропаганда ва агитация секретарлари барча районларда «Ўзбекистонни электрлаштириш» мавзуида маърузалар ташкил этдилар.

**1943 йил 12 декабрда Фарход ГЭСи қурилишига қўшимча жўнатилаётганларнинг ГРАФИГИ**

Район номи	Режа	Жўнатилиш станцияси	Жўнатилиш вақти			
			15:12	17:12	19:12	21:12
Андижон	600	Андижон ст	–	600	–	–
Олтинқўл	500	Андижон ст	–	500	–	–
	350	Қўрғонтепа	350	–	–	–
	300	Ҳаққулобод	–	–	300	–
	400	Қорасув	400	–	–	–
	500	Гуручмозор	500	–	–	–
	500	Байток	–	–	500	–
	500	Асака	–	–	–	500
	300	Асака	–	–	–	300
	300	Тентаксой	–	–	300	–
	550	Шаҳрихон	–	–	–	550
	400	Гуручмозор	–	400	–	–
	300	Асака	300	–	–	–
	500	Ҳаққулобод	–	–	500	–
Жами	6000	–	1550	1500	1600	1350

\* \* \*

ЎзКП (б) МКнинг Ташкилий бюроси ва ЎзССР Олий Кенгашининг Ташкилий бюроси 1943 йил 1 сентябрда Андижон области бўйича «Уйғур мусиқали драма ва комедия театри қурилишининг бориши ҳақида» қарор қабул қилди. Унда уйғур мусиқали драма ва комедия театри қурилишининг бориши қониқарли эмаслиги маълум қилинди. Барча иш 62 фоизга бажарилган, 17 минг ғишт, 102 кубометр ёғоч, шунингдек, бошқа қурилиш материаллари етишмаган. Қурилиш ишчи кучи ва транспорт билан таъминланмаган.

Қарорда қуйидаги вазифалар қўйилган:

1. Уйғур театри қурилишини яқунлаш ишини бошқариш учун қурилишга кўмак берувчи қуйидаги таркибда комиссия тузилсин: Муродов – комиссия раиси – ЎзКП (б) МК ОКнинг тарғибот ва ташвиқот бўйича котиби, Аҳмад-жонов – шаҳар ижроия комитети – комиссия раиси ўринбосари, Қосимова – Ўз ВЛКСМ ОК – комиссия аъзоси.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзтранс ва ГорОСО 15 сентябрга қадар қурилиш ихтиёрига биттадан машина ажратсин;

б) ЎзКП (б) Андижон РК котиби Исмаилов 10 сентябргача уйғур театри қурилиши бошлиғи ихтиёрига 10 сентябргача 10 та арава ажратсин;



в) ЎзКП (б) Ойим РК котиби Мамадалиев Қорасув станциясигача 18 кубометр ёғочни етказиб берсин ва 100 лист темир ажратсин.

3. ЎзКП (б) ОК Титовга уйғур театри қурилишида хизмат қилаётган транспортларни ёқилғи билан таъминлаш юклатилсин.

4. 1943 йил 20 сентябрга қадар қурилишни тугаллаш топширилсин.

Ўзбек ва уйғур театрлари директорларига бинолар таъмирини 1943 йил 15 сентябрга қадар тугатиш юклатилсин.

5. Бугров ва Аҳмаджоновга уйғур артистларининг яшаш ва маиший шароитлари билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш топширилсин.

6. Бакулинга артистларнинг овқатланишларини зудлик билан яхшилаш топширилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ЎзКП (б) ОК тарғибот ва ташвиқот бўлими бошлиғи Муродовга юклатилсин.

ЎзССР Олий Кенгашининг Андижон области бўйича Ташкилий бюроси раиси (Мусаев)

Ўз КП (б) МКнинг Андижон вилояти бўйича Ташкилий бюроси котиби (Қосимов)<sup>1</sup>

ЎзКП (б) МК Ташкилий бюроси ва ЎзССР Олий Кенгашининг Ташкилий комитети 1943 йил 20 сентябрдаги Андижон вилояти бўйича қароридан уйғур ва ўзбек театрларида амалга оширилаётган ишларни қониқарсиз деб баҳолаган.

ЎзКП (б) МК Оргбюро ва Оргкомитет шундай вазифалар белгилаган:

1. Мусаев, Муродов ва Тўхтабоевга уч кунлик муҳлат ичида янги уйғур театрининг қурилишини, ўзбек театрининг таъмирланишини, шунингдек, барча янги келган уйғур актёрларини тураржой билан таъминлаш, артистлар квартираси ва ётоқхоналарини коммунал бўлим хисобидан таъмирлаш топширилсин.

2. Ленин районидаги театрнинг бадий жиҳатдан ўсганлигини ва унинг коллективи ижодий кадрлар билан мустаҳкамланганлигини ҳисобга олиб ЎзССР ХКС қошидаги санъат ишлари бўйича бошқармадан бу театрни область учинчи поясдаги колхоз-совхоз театрига реорганизация қилиш сўралсин. Театр таъминоти маҳаллий бюджет хисобига ўтказилсин.

3. Областнинг бошқа театрларидаги ижодий даражанинг пастлигини ҳисобга олиб область санъат бўлими (Абдураззоқов)га бу театрларни Избоскан театри базасида реорганизация қилиб қишлоқ районларига хизмат қилувчи Охунбобоев номидаги театр филиали сифатида ташкил этиш тавсия қилинсин.

4. ЎзКП (б) область комитети санъат бўлими ва тарғибот ва ташвиқот бўлимига уйғур, ўзбек, рус ва болалар театрларидаги ходимларнинг ижодий малакасини, жумладан, нота саводхонлиги ва сахна маҳоратини ошириш учун машғулотлар ўтказиш топширилсин.

5. Охунбобоев номидаги театрнинг ҳозирги биноси яроқсизлиги учун ЎзССР ХКСдан 1944 йилда Андижон шаҳрида янги катта театр қуришга рухсат бериш, бунинг учун 1944 йил бюджетидан махсус ассигнация ажратилиши сўралсин.

6. Маяковский номидаги театр яқин вақтда Ўзбекистон ҳақидаги биринчи спектакль – Иззат Султоннинг «Бургутнинг парвози»ни намойиш этади. Шахсан Абдураззоқовга спектакль намойиши учун керакли ўзбек миллий кийимлари ва матоларни Охунбобоев номидаги театрнинг резерви ҳисобидан ажратиш топширилсин.

7. Ўзбек филармонияси Андижон бўлими (Гукасов) ишининг сифатсизлигини қайд этган ҳолда ЎзКП (б) область комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими раҳбарига ўзбек коллективи фаолиятини яхшилаш ва областдаги ва Андижон шаҳридаги концерт хизматини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топширилсин. ЎзССР ХКС қошидаги санъат ишлари бўйича бошқармадан филармонияга янги бошлиқ жўнатиш сўралсин.<sup>2</sup>

\* \* \*

ЎзКП (б) МК Андижон область ташкилий бюроси 1943 йил 10 августда «Ўзбекистон ССР саноат коммунал муассасалари ва қурилишларига Уралокамск районида ёғоч тайёрлаб келтириш учун 80 нафар ишчини жўнатиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур ҳужжатда Урал-Камск районидаги ёғоч тайёрлаш ва

<sup>1</sup>ЎзР ПАА АББ, 106-фонд, 1-руйхат, 298-иш, 95-варақ.

<sup>2</sup>ЎзР ПАА АББ, 106-фонд, 1-руйхат, 298-иш, 199-200-варақлар.



кайта ишлаш ишларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Андижон областидан 80 нафар фаол колхозчи ва ишчиларни юбориш, улар коммунист бўлишлари мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Райком биринчи котиблари Наринлесзагга кетаётган номзодларни шахсан танлаб олганлар, ҳар бирлари билан яқка тартибда суҳбат ўтказилган, улар ўта масъулиятли ва қийин ишга кетаётганликлари тушунтирилган, иссиқ кийим, кўрпа-тўшаклар, 14 кунга етадиган озиқ-овқат билан таъминланганлар.

Ёғоч тайёрлаш учун кетаётган гуруҳга раҳбар тайинланиши ва у иш тугагунга қадар улар билан бирга бўлиши белгиланган.

\* \* \*

1944 йил 15 апрелда Андижон область партия комитети Уйғур театрининг ёзги биноси қурилишини тугатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Муродов, Обидов, Қосимовнинг ахбороти эшитилади. Қарорда уйғур театри қурилиши уч ой давомида тўхтаб қолганлиги, бунинг учун театр директори Обидов шахсан масъуллиги кўрсатиб ўтилган, биринчи майгача театрнинг ёзги биноси қурилишини тугалаш ва театр спектаклларини шу ёзги бинода қўйиш, смета бўйича сарфланмаган 300 минг рублни олиш, ундан электр асбоблар ва қурилиш материаллари олишда фойдаланиш вазифаси шаҳар ижроқўми раиси Аҳмаджонов, шаҳар партия комитети ходими Лимешкевич, қурилиш бошлиғи Зайцманга топширилган.

\* \* \*

Андижон область партия комитети секретари Ю.Бакулин имзоси билан қабул қилинган ҳужжат бўйича Андижон область партия комитети томонидан 1944 йил 9 июнда Фронтдагилар ва офицерларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш бўйича комиссия тузилган. Комиссиянинг раиси область партия комитети секретари Мухторова, унинг ўринбосари област ҳарбий комиссари Власов, комиссия аъзолари Қориев – область ижроия комитети раиси ўринбосари, Кабардин – область савдо бўлими мудири, Алиев – област соғлиқни сақлаш му-

дири ўринбосари, Давидов – область милиция бошқармаси бошлиғи ўринбосари бўлган.

Фронтдагилар ва офицерларнинг оила аъзоларини ишга жойлаш ва моддий-маиший ёрдам кўрсатиш масалаларини амалий жиҳатдан ҳал қилиш ва бошқаришни ташкил этиш комиссиянинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Барча шаҳар, район партия комитетлари, шаҳар ва район ижроия комитетларига шаҳар ва районларда фронтдагилар ва офицерлар оилаларига ёрдам кўрсатиш комиссиялари тузиш вазифаси топширилган. Мухторова ва Власовга май – июнь ойлари учун комиссиянинг иш режасини тузиш вазифаси топширилган.<sup>1</sup>

Ўзбекистон, жумладан, Андижон области Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет ҳокимияти томонидан сургун қилинган корейслар, қрим татарлар, месхети турклар, жумладан, поляклар учун ҳаёт кечириб маскани бўлиб қолган эди. Ғарбий Украина ва Ғарбий Белорусиядан кўплаб поляклар Ўзбекистонга сургун қилинган ва улар меҳнатидан душман устидан ғалаба қозонишда фойдаланилган. Ҳатто улардан қуролли ҳарбий қисмлар тузилиб ҳаракатдаги фронтга юбориб турилган.

Марҳум дўстимиз Шодмонқул Пиримқулов кўп йиллик илмий изланишларини шу масалага бағишлаб 2005 йили Тошкентда «Фан» нашриётида «Сургун қилинган поляк фуқаролари Ўзбекистонда (1941 – 1946)» номли монографиясини нашр этишга муваффақ бўлди.

1941 йил 1 октябрдаги совет раҳбарияти қарорига кўра Ўзбекистонга дастлаб 100 000 поляк фуқаролари жойлаштирилиши кўрсатилган. Самарқанд область ижроия қўмитасининг 1941 йил 3 октябрдаги 30-рақамли «мутлақо махфий» қарорида область районларига 25 000 эвакуация қилинган поляк фуқароларини жойлаштириш тўғрисида қатъий кўрсатма берилган. Муаллифнинг кўрсатишича, 1944 йил ўрталарига келиб Ўзбекистонда 44 000 дан ортиқ поляк фуқаролари яшаган, Фарғонада 5400, Наманганда 3000, Андижонда 3800 поляк фуқаролари яшаган.

Андижон областининг 10 та районида поляк фуқаролари ҳаёт кечирган. 1945 йил охири-

<sup>1</sup>ЎзР ПАА АБВ, 106-фонд, 1-руйхат, 444-иш, 100-варақ.





Эвакуация қилинган поляк ишчилари Андижондаги «Андижон», «Полвонтош», «Жанубий Оламушук», шунингдек, «Средазнефтьстрой»нинг бошқа нефть корхоналарида меҳнат қилганлар. Улардан С.Крохмаль, К.Мервен, К.Селзер ва бошқаларнинг ютуқлари ўрнатилган сифатида матбуот саҳифаларида бир неча бор тилга олинган.

Андижон вилояти давлат архивида фуқароларнинг Польша элчихонасига жўнатилган хатлари 75-сонли архив фондида сақланмоқда. Бу хатларнинг деярли ҳаммаси поляк тилида. Ўша хатлардан айримлари рус тилида ёзилган. Улардан бирини айнан келтирамиз:

Польскому консулу от воспитанника Ворошиловского д/д №7 Замерфрайида М.И.

Я, Замерфрейид М., жил все время до 1939 г. в Западной Украине, г. Косов, Косовской р-н. Станиславской обл. ст. Заблатов. В 1941 г. в связи войной прибыл дет-дом в Узбекистан. Теперь имею большое желание попасть в польской дет-дом. Родных у меня нет. Мать умерла, отец остался там.

Прошу удовлетворить мою просьбу.

Мой адрес: Андижанская область, Ст. Курган-Тюбе, Ворошиловский р-н. Абдул-Лабинский с/с. Дет-дом №7

Замерфрейид М.И.

Польша ҳукуматининг Андижондаги ваколатхонасига мурожаат қилиб хат ёзилган манзиллар орасида: «Самаркандская обл. г. Заамин, Польский Представитель для Верштанкого Якуба», «Самаркандская обл. Ст. Обручево, г. Заамин Райздрав для Малах Чимы», «Ташкентская обл. г. Мирзачуль, ул. Ахунбабаева», «Доверенное Лицо Польского Посольства. Коканд. Жданова 63», «Ўзб ИР, город Фергана. Польское Посольство. ул. Красноармейская 12. для Варшавшой А.А.», «ТаджССР гор. Ленинабад, ул. Озади, №100 Щупак Ягуда», «Киргизская ССР гор. Фрунзе, станция Пишпак, Ворошиловский р-н. с/с. Кизль-Аскер, почтовая 51», «ТаджССР гор. Ленинабад, ул. Максима Горького 82, Манен Киршбаум» манзиллари ҳам учрайди.

**Мақолани нашрга тайёрлаганлар:**  
**проф. Рустамбек Шамсутдинов, Тўлқин**  
**Сиддик, Дилшодбек Хомидов**



# АНДИЖОНДАН ФРОНТГА, ФРОНТДАН АНДИЖОНГА **ВАТАН УЧУН**

ҒАРБИ - ШИМОЛИЙ ФРОНТ ҚИЗИЛ АСКАРЛАР ГАЗЕТАСИ

«Ватан учун» газетасининг 1942 йил 5 ноябрь сониди Андижон давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудирини 25 ёшли **Асқад Мухторнинг**<sup>1</sup> «**Октябрь совғаси**» номли мана бу шеъри чоп этилган.



**Асқад Мухтор,**  
(1920 – 1977)

*Тўй кутай колхоз ишида,  
Сен қарши ол ўт ичида,  
Муборақ бўлсин...  
Ким бўлсанг ҳам, жангчи ўғлон,  
Жумла дўстинг марди-майдон  
Баҳраманд бўлсин:  
Ўз онангни тилга олгин,*

*Мана шинни, мана ширмон...  
Онанг ўргилсин.  
Ўғил ширин, совғам ширин,  
Совға эмас, меҳру дилим  
Тўқнам бўлсин.  
Мана асал, мана чарос,  
Шакарпалак тилим-тилим,  
Онанг ўргилсин.  
Бу йил хирмон баланд тоғдай,  
Бугдойимиз сариг ёғдай,  
Кўнглинг тўқ бўлсин.  
Ғам емагин ғамхўрингдан,  
Мана гуруч, мана бугдой...  
Онанг ўргилсин.  
Хор бўлмасин азиз тупроқ,  
Ортга қайтма, бўлма қўрқоқ,  
Юзинг пок бўлсин,  
Оналарнинг меҳри баланд,  
Мана қаймоқ, мана ёнғоқ...  
Онанг ўргилсин.*

**Асқад Мухтор,**  
**Андижон**

## ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ

Андижон область Жалақудуқ районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг ватанпарварлари Ватан ҳимоячиларига янги йил совғалари юбориш ҳақида Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилдилар ва совғалар ортилган вагонлар кўп бўлсин учун улар 60 пуд гуруч,

<sup>1</sup> Атоқли шоир, носир ва драматург Асқад Мухтор 1920 йил 23 декабрда Фарғона шаҳрида темир йўл ишчисининг оиласида туғилган. ЎзДУда ўқиган, Андижон педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси мудирини, «Ёш ленинчи», сўнгра «Қизил Ўзбекистон» газеталарида, «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газета ва журналларига муҳаррирлик қилган. Асқад Мухтор лирик шоир, таниқли адиб, моҳир таржимон сифатида ўзбек маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшган. У Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1980), Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти (1972) сазовор бўлган. «Дўстлик» ордени билан мукофотланган (1995).



45 пуд бугдой, 60 пуд сабзи, 10 қўй, 100 литр вино, 10 калта пўстин ва бошқа нарсалар бердилар.

Ўзбекистоннинг қишлоқ ва шаҳарларида қаҳрамон жангчиларимизга кўплаб янги йил совғалари юбориш кучли равишда авж олди.

*«Ватан учун» газетаси, 1942 йил 24 декабрь, 16-сон*

### ПАХТА УЧУН КУРАШДА КОЛХОЗ АГИТАТОРЛАРИНИНГ ИШИ

Андижон (ЎзТАГ). Илгари қишлоқ хўжалигидан бошқа ишларда банд бўлиб келган пахта усталаридан 500 киши районимиз колхозларига қайтиб келди. Улар агитация ишларини уюштиришни ҳам ўз устларига олдилар. Ёрбоши қишлоқ советидаги Дзержинский номли колхознинг раиси Теша Боймирзаев 12 кишидан иборат колхоз агитаторларининг группасини ташкил қилди. Агитаторлар қизғин ишга киришдилар, улар ҳар куни халқаро аҳвол ҳақида, Ватан уруши фронтларидаги уруш ҳаракатлари ҳақида сўнги янгиликларни колхозчиларга тушунтириб турадилар. «Жанговар варақалар» чиқармоқдалар. Агитаторларнинг ёрдами билан колхозда маданий чойхона ташкил этилди.

Зовроқ қишлоқ советидаги Сталин номли, Охунбобоев номли колхозларда ҳам оммавий агитация ишлари қизитиб юборилди. Бу ерда сиёсий тўғарақлар тартибли ишлаб турибди, колхозчилар ўртоқ Сталиннинг «Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши ҳақида»ги китобини ўрганмоқдалар. Районнинг 12 қишлоқ советида агитпунктлар ташкил этилди. Колхозларда 25 маданий чойхона очилди.

Пахтачилик бригадалари ва звеноларида ўнлаб жанговар варақалар чиқарилмоқда. Сиёсий иш кўклам экин ишларининг большевикча муваффақиятли ўтказилиши учун ёрдам бермоқда.

**Додажон Қосимов, Ўз К(б)П Андижон райони комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудури**

*«Душманга қарши олға» газетаси, 1944 йил 30 апрель, №34 (195)*

### НЕФТЧИЛАРНИНГ ҒАЛАБАСИ

Андижон (ЎзТАГ)

«Андижон» конининг нефтчилари августда мингларча тонна юқори сифатли ёнилғи бердилар. Коллектив нефть чиқариш ойлик топшириғини адо этди. 1 сентябрда пармалаш мастери Багиров янги нефть қудуғини пармалашга киришди. Багировнинг бригадаси пармалаш топшириғини деярли икки ҳисса ошириб бажараётир. Ёш мастер Ильинихнинг бригадаси соз ишламоқда. Мастерлардан Команов, Запальшиков, Трегубов ва бошқалар янги нефть қудуқларини тез суръатлар билан пармалаётирлар. «Андижон» конининг нефтчилари 1-нчи Украина фронтидаги ўзбек аскарларнинг чақирғига меҳнат соҳасида янги ғайрат кўрсатиш билан жавоб бермоқдалар.

*(ЎзТАГ) «Душманга қарши олға» газетаси, 1944 йил 29 сентябрь, №77 (238)*

### ЎЗБЕКИСТОНЛИ ЙИГИТЛАР

Старший лейтенант Глязернинг миномётчилар бўлинмасидаги жангчиларнинг кўпчилиги ўзбек, қозоқ ва татарлардан иборатдир.

Уларнинг ичида олти андижонли ўзбек йигитлари ҳам бор. Улар ҳар бири бошқа-бошқа расчётларида бўлсалар ҳам, бир-бирларини тез-тез кўришиб турар, бир-бирларига элу юртларидан келган хатларининг мазмуни, жанглар майдонидаги муваффақиятлари, немис-фашист босқинчиларни шафқатсиз қиришлари ҳақида сўзлашиб туришадилар.

Латвия ерида бўлиб ўтган бир кунлик қизғин жангдан кейин офицер Глязернинг миномётчилар батареяси қуюқ ўрмон чеккасидан жой олиб, келгуси жангга тайёргарлик кўра бошлади.

Фурсатдан фойдаланиб барча андижонли йигитлар бир жойга тўпландилар. Улар ичида қозоқ йигитлари ва тошкентли Илҳом, Хоразм область Хонқа районли Сапо Болтаевлар ҳам бор эди.

Аъло миномётчи-ўқловчи андижонли йигит Марсали Умаров ўз оиласидан олган хушхабарни ҳамма ўртоқларига ўқиб беради:



«Жонажон ўғлим! – дейди онаси. – Жасурлик кўрсатиб олган медалинг блан табриклайман. Немис-фашист аблахларни янада шафқатсизроқ қир, ўғлим! Асло бизлардан ғам ема! Колхозимиз тўқ ва бадавлат. Бизлар фақат омон-эсон ғалаба қозониб қайтишингни кутмоқдамиз. Барча жанговар дўстларингга салом айт». Мазмунли ёзилган бу хат ҳамма жангчиларни руҳлантириб юборди.

– Кечаги жангда, – деди нишонловчи Карим Ғафуров, – бизнинг миномёт расчётимиз душманнинг иккита станокли пулемётини йўқ қилди ва ўнларча немис итваччаларни қириб ташлади. Расчётимиз командири старший сержант Шукин менга команда бера туриб яқинимизга келиб қолган иккита немисни автомати блан отиб ўлдирди. Расчётимиз жуда ҳам дўстона яшайди. Мана шу муваффақиятимизни тасвирлаб мен ҳам қишлоғимга хат ёзиб юбордим. «Жасурлиги учун» медали блан мукофотланганимни ҳам айтдим. Менга ҳам яхши хат келиши керак, – деб тамомлади сўзини у.

«Жасурлиги учун» медалли старший сержант Емельянов миномёт расчётининг аъло миномётчи-ўқловчиси Абдували Додабоев бундай деди:

– Ўша жангда бизнинг расчётимиз қандай ишлади денг. Пиёда аскарларимиз ўша дарёдан ўтаётганида бир батальонга қадар немис пиёдалари уларга қарши атака қилди. «Жанговар хизматлари учун» медалли иккинчи номер нишонловчи Самигулла Ишмухаммедов югиртма ўт очиб ўнларча гитлерчиларни қириб ташлади ва битта енгил тўпини ер блан яксон қилди. Шундай қилиб, немисларнинг уч бор қарши атакасини қайтардик. Жангдан кейин пиёда аскарларимиз офицери расчётимизга ташаккур эълон қилди. Командиримиз Ишмухаммедовни ва мени орден блан мукофотлашга тақдим этди.

**Қизил аскар Абдулла Ашуров,  
«Жасурлиги учун» медалли**

*«Душманга қарши олга» газетаси, 1944 йил  
10 октябрь, №80 (241)*

### ҲАР ГЕКТАРДАН 42 ЦЕНТНЕРДАН ҲОСИЛ ОЛИНДИ Андижон (ЎзТАГ)

Избоскан машҳур пахтакори 75 ёшли Қурбон ота Нурматов бошлиқ звено «Зарбдор» колхозида биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини 200 процент бажарди. Звено ҳар гектар ердан 42 центнердан биринчи сорт ҳосил топширди. Звено аъзолари Октябролди социалистик мусобақасига қўшилиб, янги муваффақиятлар учун курашмоқдалар. Қурбон отанинг қизи Ўғилхон ҳар куни 275 – 300 килограмдан пахта териб бошқа теримчиларни ўз орқасидан эргаштирмоқда.

*«Душманга қарши олга» газетаси,  
1944 йил 27 октябрь, №85 (246)*



Андижон область Избоскан районининг Ўртоқлар қишлоқ советидаги «Зарбдор» колхозининг аъзоси, пахта устози Қурбон ота Нурматов ўз звеносига қарашли пахта майдонининг ҳар гектаридан 85 центнер ҳосил топширди ва яна ҳар гектардан 30 центнер пахта топшириш мажбуриятини олди. Суратда: Қурбон ота 5000 килограмм пахта терган Эмахон номли (чапда) ва 10000 килограмм пахта терган Ўғилхон номли ўз қизлари блан биргалиқда янги терилган пахталарни кўздан кечирмоқда

В.Терехов сурати (ЎзТАГ фотохроникаси).



### КОЛХОЗЧИ НУРХОН ТЎХТАБОВА ҲН ИККИНЧИ БОЛА ТУҒДИ

АНДИЖОН (ЎЗТАГ). Андижон область Ворошилов район Хонобод қишлоқ советидаги «Ёш Ленинчи» колхозининг аъзоси Азимжон Тўхтабоевнинг оиласида катта хурсандчилик рўй берди. Яқинда унинг хотини Нурхон Тўхтабоева ўн иккинчи боласини туғди. Бу янги фарзандга фронтчилар шарафига Қаҳрамон деб ном қўйдилар.

Район ташкилотлари кўп болали бу оилага катта ғамхўрлик кўрсатаётирлар. Тўхтабоевлар оиласи озиқ-овқат билан таъмин этилди. Врач ва медицина ҳамшираси она ва болаларнинг саломатлигидан тез-тез хабар олиб турадилар. Тўхтабоевлар оиласига битта сигир берилди, қишлоқ ўтин тайёрланди. СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 8 июнда чиқарган фармонида мувофиқ Нурхон Тўхтабоева шарафли номга эга бўлажак.

*«Фронт ҳақиқати» газетаси,  
1944 йил 26 сентябрь, №73 (163)*

### ЎРТА ОСИЁДА БИРИНЧИ ГАЗОПРОВОД ИШГА СОЛИНДИ

АНДИЖОН. Андижон газопроводининг биринчи навбатдаги қурилиши тамом бўлди. Андижон меҳнаткашлари 15 минг кубометрдан ортиқ ер қазиб қурилишга катта ёрдам кўрсатдилар.

Шаҳардаги нон заводи, коммунал муассасалари биринчи галда газ олдилар. Яқин кунларда шаҳарнинг яна бир қанча корхонаси газ олади. Бу корхоналарни газ билан таъминлаш натижасида ҳар куни 40 – 50 тонна кўмир тежаллади.

Газопроводнинг биринчи навбатдаги қурилиши шаҳарни газ билан таъмин этиш йўлида биринчи қадамдир, холос. Энди барча куч газопроводнинг иккинчи навбатдаги қурилишига тўпланди. «Андижон» нефть конида яқин кунларда кўп нефть берадиган фонтан қудуқларидан чиқадиган газни тўплаш учун шарқий газ коллектори қурилади. Коллек-

тор шаҳарга қўшимча равишда 60 минг кубометргача газ беради. Бундан ташқари, 1945 йилнинг май ойига бориб насос қудуқларидан чиқадиган газни тўплаш учун компрессор установкаси ишга солинади. Пушкин ва Бильдин кўчаларида шаҳар газ коллектори қурилади. Андижон конидан ҳосил этиладиган газ жуда кўп ҳарорат берадиган ёнилғидир. Яқин келажакда «Андижон» нефть конида табиий газларни қайтадан ишлайдиган завод қурилади. Қурилишнинг ҳамма тармоқлари тамом бўлганидан кейин корхона ва муассасалар автомашиналарни юргизадиган газолин ола бошлайди.



Оқи́ла Фози́лова (чапда) ва Саи́да Абдуллаева

Душманни тезроқ тор-мор қилишда фронтга кўпроқ ёрдам бериш мақсадида Самарқанд области Жиззах районининг колхозчилари 1944 йилда пахтадан жуда юксак ҳосил олдилар.

Бунда аёллар жуда зўр меҳнат энтузиазми кўрсатдилар. Масалан, звено бошлиқлари Оқи́ла Фози́лова ва Саи́да Абдуллаева ватанга совға қилиб ҳар гектардан 10 центнер ўрнига 49 центнердан пахта йиғиб топширдилар.

*«Совет жангчиси» газетаси, 1945 йил 17  
март, 22 (218)-сон*



**Ўзбекистонда**

**ДАВЛАТГА ҒАЛЛА ТОПШИРИШ**

**Андижон областининг колхоз ва совхозлари давлатга биринчи ҳосил галладан 250 тонна арпа ва бугдой топширдилар. Избоскан совхози галла ўришни тамомлади, ҳозир қизгинлик билан галлани янчиш ва уни давлатга топшириш ишлари бормоқда. Избоскан район Янгиқишлоқ ва Намуна қишлоқларидаги колхозлар давлат қабул қилиш пунктларига кун сайин кўплаб галла келтирмоқдалар. Республикамизда 200 000 гектардан ошиқ ерда галла ўрилди.**

«Қизил аскар ҳақиқати» газетасининг 1945 йил 1 май 28-сонида ушбу мақола берилган:

**Қаҳрамон Остонақул  
Шокиров**

Андижон шаҳрининг Қизил карвон маҳалласида ўзининг ҳалол меҳнати билан кунини ўтказаяётган Шокир дурадгор икки ўғил ва бир қиз кўрди-да, уларни катта қилолмай ҳамда раҳматларини кўролмай дунёдан ўтди.

Отадан етим қолган бу фарзандларни тарбиялаш Шарофат холанинг зиммасига тушди. Шарофат хола ҳар кимларнинг ишларини қилиб, болаларни гулдек тарбиялади. Ўқитди ва балоғатга етказди. Катта ўғли Абдулла ўқитувчи, кенжатоий Остонақул эса темир йўл ишчиси бўлиб ишлай бошлади.

Немис-фашист босқинчилари томонидан Ватанимизга хиёнаткорона бошланган уруш миллионлаб совет кишиларининг тинч ва бахтли ҳаётларини бузиб, уларни ота-она, ака-ука, опа-сингил ҳамда бола-чақаларидан ажратди. Шарофат холанинг ҳам тинч ҳаётини бузди.

Андижон станцияси Ватан олдидаги бурчларини қўлларига қурол олиб бажариш учун отланган ўспиринлар ва уларни кузатишга чиққан қариндош-уруғлар билан лиқ тўлган. Остонақул қариндош-уруғлари билан хайрлашар экан, Шарофат хола уни, кенжатоийни бағрига маҳкам босиб, пешонасидан ўпди-да, қўлини очиб:

– Ой бориб, омон кел, енгину енгилма; қасд қилганлар паст бўлсин, ер билан яксон бўлсин, онагинанг ўргилсин, – деб оқ фотиҳа берди.

Паровоз бир қичқирди-да, йўлга равона бўлди. Остонақул Смоленск яқинида гвардиячи полковник Титовнинг гвардиячи қисмига келди. Ундаги ҳарбий ишга бўлган муҳаббат ва уни ўрганишга бўлган ғайрат тезда Остонақулни ўз ишини яхши биладиган жангчилар қаторига кўшди.

Гвардиячи қизил аскар Остонақул Шокиров Смоленск шаҳрини озод қилиш учун бўлган жангларда босқинчи гитлерчилар билан биринчи маротаба юзма-юз тўқнашди. Душманни савалашда ўз қуролини усталик билан ишлатди, жангга биринчи маротаба киришига қарамай, дадиллик билан ҳаракат қилиб ўзини барчага танитди, шуҳратини орттирди. Смоленск шаҳри ишғол қилингандан кейин у разведкачи бўлиб тайинланди.


Ёш разведкачи Остонақул душманнинг Витебск мудофаасини разведка қилишда, ўт очиш нуқталари жойлашган ерларини аниқлашда, «тил» олиб келишда жанговар дўстлари билан бир неча маротаба разведкага борди. Энг қимматли ҳужжатлар келтириб қисмининг муваффақиятларини таъминлашга ўз ҳиссасини кўшди.

Қисмдаги ҳар бир жангчи Остонақулнинг ёзги ҳужум жангларида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида, Березина ва Неман дарёларидан ўтишда унинг кўрсатган қўрқмасликлари ва ҳарбий усталиклари ҳақида фахрланиб сўзлайдилар.

Қисм чекинаётган душман кетидан қувиб Неман дарёсига етиб келди. Немислар кучли ўт очиш билан бу дарёдан қисмларимизнинг ўтишларини тўхтатишга уринишди. Гвардиячи Остонақул сапёрларнинг резина қайиғини олиб дарёдан ўта бошлади. Унинг атрофларида мина, снарядлар ёрилар, боши устидан, қулоқлари остидан ўқлар визиллаб ўтар эди, лекин бу даҳшатларнинг ҳеч бири довюрак, қайтмас разведкачини йўлдан қайтара олмас эди. Дарёнинг нариги четига етишига бир неча метр қолганда душман ўқи Остонақулнинг қайиғини тешди, қайиқ чўка бошлади.



Остонақул ўзини йўқотиб қўймади. У ўзини дарёга ташлаб нариги соҳилга биринчи бўлиб сузиб ўтди. Унинг кетидан яна уч жангчи ўтди. Тўрт киши плацдармни эгалладилар ва мудофаани ишғол қилдилар. Немислар буларни қайтариш мақсадида қарши ҳужумга ўтди, лекин қўрқмас разведкачиларни орқага силжита олмади. Ботир разведкачилар душман ҳужумини қайтардилар ва қисмнинг дарёдан ўтишини таъминладилар. Шавкатли разведкачилар, шу жумладан, Остонақулнинг шуҳрати бутун қисмга тарқалди ва уларнинг номи жангчилар оғзида дoston бўлди.



Остонақул Шокиров

Шестакен районида шиддатли жанг бўлди. Эрталаб соат 10 – 11 ларда ҳаво қуюқ туман, яқин масофадаги нарсани ҳам кўриш мумкин эмас эди. Душман кўчани кучли ўққа тутиб назорат қилар эди. Разведкачилар бунга қарамай ҳаракатни давом эттирдилар. Немисларнинг кузатиш пунктига етишига 100 метрлар қолганда разведкачи Остонақул тепаликнинг ёнбағрида немисларнинг 3 танк ва 8 та бронетранспортёри биқиниб тургани ҳақида қисмга хабар берди. Шу ондаёқ бир бронетранспортёр буларга қараб келаверди ва қува бошлади. Остонақул автомат

ва гранаталарини шайлади. Майор Шевченко орқага чекинишга команда берди. Шу пайтда иккинчи бронетранспортёр уларни ўрай бошлади. Уларнинг тепасига келиб пулемётдан ўқ ёғдирди. Шароит жуда оғир, бош кўтариш мумкин эмас эди. Шу пайт гвардиячи қизил аскар Остонақул Шокиров ўрнидан ғоз турди-да, қўлини юқори кўтариб овозининг борича: «Батальон, менинг орқамдан олға!» – деб қичқирди ва бронетранспортёрга қараб граната ирғитди. Граната мўлжалга тушиб, бронетранспортёр ёниб кетди. Иккинчи бронетранспортёрнинг экипажи талвасага тушиб орқага қайтди.

Ўзбек халқининг содиқ фарзанди, гвардиячи қизил аскар Остонақул Шокировнинг кўрсатган қаҳрамонлиги, ботирлиги барчани ҳайратда қолдирди.

Остонақул Шокиров қисми билан биргаликда катта зафарли жанговар йўл босди. Смоленск области, Белоруссия ҳамда Литвани озод қилишда ўз ҳиссасини қўшди. Шарқий Пруссияга бостириб кириш ва душманни тор-мор қилиш учун олиб борилган жангларда фаол қатнашди. Ватан олдидаги муқаддас бурчини шараф билан бажарди.

Остонақулнинг кўкрагини безатиб турган «Қизил байроқ», «Қизил юлдуз» ва III даражали «Шуҳрат» орденлари ҳамда «Жасурлиги учун» медали ва «Аълочи разведкачи» ҳамда «Гвардиячи» значоклари у босиб ўтган жанговар йўлнинг жонли шоҳидидир.

Ўзбек халқининг азиз фарзанди Остонақул Шокиров немис босқинчиларига қарши курашда жанговар топшириқларни намунали бажаргани, шу билан мардлик ва жасурлик кўрсатгани учун Олий Совет Президиумининг 1945 йил 24 мартдаги фармони билан унга Қаҳрамон деган улуғ ном берилди...

Қаҳрамон гвардиячи қизил аскар Остонақул Шокиров немисларнинг Шарқий Пруссиядаги группаларини тугатиш учун бўлган сўнгги жангларнинг бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Лекин у қисм шахсий таркиби ўртасида ҳаёт. Қаҳрамонлар асло ўлмайди, улар абадий тирикдир.

*Катта лейтенант Н.Жабборов  
1945 йил 12 май, 31-сон*



### Остонақул

Бир минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йилнинг учинчи феввали. Мен жанг майдонидан ярадор бўлиб чиқиб, қисмимиз санитария батальонини қидириб кетаётиб ҳолдан кетиб қолдим.

Кўтариламан деб яна йиқилдим. Бирдан рўпарамда новча бўйли келишган йигитни кўриб қолиб ўзимда йўқ даражада хурсанд бўлдим. Мен ундан ёрдам сўрайман деб ҳам турган эдимки, у буни кутмасдан келиб қўлтиғимдан ушлаб тургизди ва етаклаб санитария батальонига олиб келди.

Мен у билан суҳбат қилиб донгдор разведкачи Остонақул эканлигини ва мен билан бир кунда елкасидан ярадор бўлиб санитария батальонига келаётиб, ярасининг оғирлигига қарамасдан, ёрдам кўрсатганини билиб, жангчиларимиз бир-бирига қанчалик меҳрибон, ҳақиқатан ҳам бир онанинг боласидек эканлигимизга шодландим.

– Бугун ўн олтинчи апрель, йигирманчи апрелга дивизия командирининг буйруғига мувофиқ сизнинг разведкачиларингиз «тил» келтириши керак. Бу ишда ўзингиз шахсан жавобгарсиз, – деди полк командири разведкачилар взводининг командирига.

... Ўн тўққизинчи апрель куни разведкачилар Остонақул Шокиров бошчилигида ҳаракат қилиш нуқтамизга келиб йигирманчига ўтар кечаси соат 3 га қадар дам олдик.

Учгача дам олиб, овқатланиб, қуролларимиз ўт очишга тайёр эканлиги ҳақида қўлга тушириш группасининг командири Остонақул Шокировга доклад қилдик.

Вазифа мудофаа чизиғимиздан минг метр узоқликдаги ўрмон ичида ниқобланиб ётган немис мерганини ушлаб келтириш эди.

Бу ишга Шокиров раҳбарлик қилиши керак. Соат тўртда ўрмонга қараб чўзилган жарлик билан йўл олдик, олдимизда Шокиров борарди.

Душманнинг кучли ўт очиб туришига қармай, биз билдирмасдан унинг мудофаа чизиғига етиб бордик. Ниқобланган мерганнинг орқа томонига ўтиш учун Шокиров буйруқ берди.

Қисқа-қисқа чопиб унинг орқасига ўтиб немис мергани келишини кутиб хашаклар орасида бекиниб ётдик.

– Ана... ана... келяпти, кўрдинларми? Қўлида мерган милтиғи билан плаш палаткага ўраниб, траншея бўйлаб ўзининг ниқобланган уйчасига кириб кетди, – деди бир жангчи.

Ҳаммамиз бошлиқнинг командасини кутиб турдик.

– Дўстлар, аҳиллик билан баробар ташлангиз, бу «тил»ни штабга тезда етказиш керак, чунки душман билиб қолса ўт очиши ва биз уни қўлдан чиқаришимиз мумкин, – деди Остонақул.

Орадан кўп ўтмай «Менинг орқамдан» деган командани бериб Остонақул биринчи бўлиб немисга ташланди.

Бир нафасдаёқ мерганни плаш палаткага ўраб, оғзига латта тиқиб мўлжалланган йўл билан штабга келтирдик.

Полк командири Титов бизни ютуқлар билан табриклаб, шу куни кечқурун операция иштирокчиларига мукофотлар топширди. Шу операция учун мен ва Шокиров «Жасурлиги учун» медалини олдик.

*«Қизил юлдуз», учинчи даражали  
«Шухрат» орденлари ва  
«Жасурлиги учун» медали кавалери,  
қизил аскар С.Марков  
«Қизил аскар ҳақиқати» газетаси,  
1944 йил 20 июль, 43-сон*



1945 ЙИЛ 7 ЯНВАРЬ. №2 (287)

### МЕХНАТ ФРОНТИНИНГ ҚАХРАМОНЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

Қишлоқ хўжалик, саноат, фан, маданият ва санъат соҳасида эришган муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССРнинг 20 йиллиги кунда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан республиканинг илғор кишилари СССР ордени ва медаллари билан мукофотландилар.

#### «ЛЕНИН» ОРДЕНИ БИЛАН

**1. Орипов Исомитдин** – Андижон область Избоскан районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг теримчиси.

**2. Охунов Набижон** – Ўзбекистон К(б)П Андижон область Хўжаобод район партия комитетининг биринчи секретари.

**3. Боқибоева Хайриниса** – Андижон область Избоскан районидаги Янги замон қишлоқ советининг раиси.

**4. Ғойибов Жўрабой** – Андижон область Хўжаобод районидаги Сталин номли колхоз раиси.

**5. Қосимов Сафар** – Ўзбекистоннинг К(б)П Андижон область Избоскан район партия комитетининг биринчи секретари.

**6. Раззоқов Эшонхон** – Андижон область Олтинқул районидаги Сталин номли колхоз раиси.

**7. Раҳимов Тоштемир** – Андижон область Хўжаобод районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

**8. Холиқов Турсин** – Андижон область Ленин районидаги «Сталинчи» колхозининг раиси.

**9. Холматов Ҳидоят** – Андижон область Избоскан районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг раиси.

**10. Ҳамрақулов Аҳмадқул** – Андижон область Андижон районидаги «Октябрь» колхозининг раиси.<sup>1</sup>

**2019 йил 3 июлда қардош Беларус халқи фашизм босқинидан озод бўлганини 75 йиллигини кенга нишонлади.** Бу сана муносабати билан Беларус тупроғида нацистларга қарши беаёв жанг олиб борган ўзбек жангчиларининг матонатли, қахрамонона кураши ҳам эслаб ўтилди. Шу муносабат билан Беларус тупроғида жанг олиб борган, душманни қувиб чиқаришда кўрсатган жанговар хизматлари ўша вақтда юксак баҳоланган эди. Беларуссия frontiда чиқётган «Қизил Армия қизил аскарларнинг

<sup>1</sup> Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Иккинчи китоб. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б.186 – 191.



**фронт газетаси» 1944 йил 24 декабрь сонида «Биринчи Белоруссия frontiдаги ўзбек жангчиларидан ўзбек халқига мактуб»** номили мурожаат эълон қилинган. Бу матнни айнан келтирамиз:

«Қимматли ота ва оналаримиз, оға-ини ва опа-сингилларимиз, хотин ва болаларимиз! Сизларга жанговар қизил аскарлик саломимизни юборамиз:

Бундан икки йил муқаддам Сизлар хат орқали бизга мурожаат қилган эдингиз. У вақт Сталинград устида қора булутлар пайдо бўлган вақт эди. Фашист чигирткалар Москвадан йироқда эмас эди, улар Кавказ тоғларига яқинлашган, Ленин шаҳрини халқа сингари қисувга олиб қамал қилган эдилар.

Сталинграднинг барча қаҳрамон ҳимоячилари блан бирликда ўзбек жангчилари мислсиз мардлик, темир интизом, жасорат ва ғалаба қозониш намуналарини кўрсатдилар.

### **ҚИММАТЛИ ОТА ВА ОНАЛАРИМИЗ, ОҒА-ИНИ ВА ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ, ХОТИН ВА БОЛАЛАРИМИЗ!**

Сизлар бизга: «Немисларни шафқатсиз қириб ташланг, жангда баҳодир ва довиорак бўлинг, ўзбек халқининг шонли анъаналарига содиқ ва муносиб бўлиб чиқинг!» – деб айтган эдингиз.

Бугун биз Сизларни ишонтириб айтмоқчи бўламизки, ғалаба байрамида Сизларнинг олдингида юзимиз ерга қарамайди. Ўзбекистон ўз фарзандлари блан фахрлана олиши мумкин. Фақат бизнинг фронтимизнинг ўзи ўзбек халқининг 14 Қаҳрамонини: **Пўлатов, Шукуров, Узоқов, Турдиев, Яқубов, Қорабоев, Набиев, Усмонов, Рустамов, Бобоев, Эргашев, Аминов** ва бошқаларни етиштириб чиқарди.

**Тошкент** Ворошилов номидаги Сельмаш заводининг инженери Қосим Яқубов фронтга келган чоғида оддий аскар эди. Тезда у сержант бўлди, кейин эса жангда қаҳрамонлик ва моҳирлик кўрсатгани учун офицерликка кўтарилди. Старший лейтенант Яқубов икки орден блан мукофотланган. У Днепрдаги жангларда, айниқса, маҳорат кўрсатди. Сентябрь кечаларининг бирида у 28 жангчига бош бўлиб кенг

Днепр дарёсидан ўтди ва немисларнинг қаттиқ қарши атакаларини узлуксиз қайтариб олти кеча-кундуз плацдармни ушлаб турди. Шу қаҳрамонлиги учун Қосим Яқубовга Совет Иттифоқининг Қаҳрамони деган юксак ном берилди.

Ҳамшаҳаримиз – Совет Иттифоқининг Қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров фақат бир жангнинг ўзида станокли пулемёт ўти блан 100 дан ортиқ гитлерчини қириб ташлади ва 37 фрицни асир тушишга мажбур этди.

Бошқа бир жангда Совет Иттифоқининг Қаҳрамони Тоштемир Рустамов ўзини ўлмас шўрат блан қоплади. Шу жангда у 19 немис солдатини ўлдирди.

Эпчил гвардиячи отлик аскар, Совет Иттифоқининг Қаҳрамони Узоқовни бутун фронт танийди. Бир кун у ўз ўртоқлари блан худди бўрондек немис қисмининг орқа томонига ёриб ўтди ва у ерда бир неча ўнлаб гитлерчини қириб ташлади.

**Самарқанд** область Митон районидаги «Иттифоқ» колхозининг собиқ аъзоси, уч орденли оддий аскар Очил Қодиров яқинда бўлиб ўтган жангларда янгидан маҳорат кўрсатди. Жангларнинг бирида у 40 гитлерчини отиб ўлдирди.

**Андижонлик** довиорак разведкачи Раҳим Тўхтабоев душманнинг орқа томонида усталик блан ҳаракат этиб қисқа вақт ичида 25 «тил» тутиб келтирди.

Фронтимиздаги ғалаба жангларида айрим ўзбек жангчиларигина эмас, балки жонажон Ўзбекистонимизда тузилган бир қатор қўшилмалар ҳам маҳорат кўрсатдилар. Ўзбекистонда тузилган Н-нчи ўқчи дивизияси аъло даражада жанг қилгани учун гвардиячи дивизияга айлантирилди ва «Қизил байроқ» ҳамда «Суворов» орденлари блан мукофотланди. Шу дивизиянинг 625 ўзбек жангчиси Совет Иттифоқининг орден ҳам медаллари блан мукофотланган.

Жангларда мардлик ва жасурлик кўрсатганликлари учун қўшилманинг 52 жангчиси ва офицерларига Совет Иттифоқининг Қаҳрамони номи берилди.»

Матнда кўрсатилган 14 Қаҳрамонлардан айримлари тўғрисида маълумот ва уларнинг жанговар фаолияти ҳақида тушунча бериб ўтишни лозим билдик.



**Қуйида улар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтишни журнал таҳририяти мақсадга мувофиқ деб билди.**



УЗОҚОВ ОБЛОКУЛ

Улуғ Ватан урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. (5.1.1944) 1922 йили 10 апрелда Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоятидаги Қоратепа қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1943 йилнинг августидан фронтда жанг қилган. Бўлинма командири, сержант Узоқов Гомель областини босқинчилардан озод этишда ўзини кўрсатди. 1943 йил 28 сентябрда тун қоронғилигидан фойдаланиб, қўлбола сузиш воситасида Брагин тумани ёнида Днепр дарёсидан ўтгач, душманнинг пулемёт истеҳкомини яқсон қилди ва бу билан эскадронни Днепрни кечиб ўтишига хисса қўшди.

Сержант Узоқов 1945 йили фронтдан қайтгач Ўзбекистон Компартияси МК қошидаги Олий партия мактабида таҳсил кўрди. Мактабни тамомлаб совет, партия, хўжалик соҳаларида меҳнат қилди. 1955 йилнинг 26 июлида ҳаётдан кўз юмди. Қаҳрамон ўқиган мактабга унинг номи берилган. Урганч туманидаги собиқ Калинин номли колхоз марказида А.Узаковга хайкал ўрнатилган.



ҚУЧҚОР ТУРДИЕВ

1917 йил 1 февралда Андижон областининг ҳозирги Қўрғонтепа туманидаги Дардоқ қишлоғида туғилган. Миллати — ўзбек. 1942 йилдан КПСС аъзоси. Колхозда ишлаган. 1940 йилдан армияда.

1942 йил кичик лейтенантлар курсини, 1943 йил Гомель ҳарбий пиёдалар билим юрти курсини тугатган.

1941 йил сентябрдан Иккинчи жаҳон уруши frontiда. 353-тоғ ўқчи полки (Жанубий-Ғарбий фронт 38-армиянинг 47-тоғ ўқчи дивизияси) ўқчиси оддий аскар Қ.А. Турдиев 1941 йил 15 октябрда Харьков областининг Краснокутск райони Трудолюбовка қишлоғидаги жангда душман дзотини гарнизон билан биргаликда портлатиб юборди.

1942 йил 27 мартда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. Ленин ордени, Қизил Байроқ, 1-ва 2-даража Ватан уруши орденилари, медаллар билан мукофотланган. Иккинчи жаҳон уруши давридаги биринчи ўзбек Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қ.А. Турдиев офицер бўлиб етишди, взвод, ротага командирлик қилди. Урушдан кейин катта лейтенант Қ.А. Турдиев запасда. Андижон областининг Қўрғонтепа районидаги «Ойим» совхозида илғор сабзавотчилик бригадасининг бригадири бўлиб ишлаган. У 1984 йил 4 августда вафот этган.

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (15.1.1944). Миллати ўзбек. 1916 йил 15 октябрида Ўзбекистоннинг Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида туғилган. 1936 – 1939 йилларда армия сафида ҳизмат қилган. 1942 йилдан фронтда. Взвод командирининг ёрдамчиси, кичик сержант Якубов Гомел вилояти Брагин туманини



ЁҚУБОВ ҚОСИМ БЕШИМОВИЧ

озод этишда мардлик намуналарини кўрсатган. 1943 йил 27 сентябрь куни взвод таркибида биринчилардан бўлиб Днепрни кечиб ўтди. Плацдарм учун жангларда ҳалок бўлган командир ўрнини эгаллаб жангчиларни ҳужумга бошлади, душман траншеясини эгаллади ва 3 сутка давомида гитлерчиларнинг 17 ҳужумини қайтарди. Бу билан полк қисмларини дарёдан кечиб ўтишларига имкон яратди.

Лейтенант Қ.Б.Ёқубов 1945 йили урушдан қайтгач Фарғонада яшаган, 1947 йили енгил саноат техникумини тамомлаган, сўнгра 1949 йили Республикаси енгил саноати раҳбар ходимлари мактабини тугатган. Маъмурий-хўжалик ишларида меҳнат қилган. Фарғона шаҳридаги кўчалардан бирига Ёқубов номи берилган. 1954 йилнинг 11 сентябрида вафот этган.



НАБИЕВ ВАЛИ НАБИЕВИЧ

Улуғ Ватан Урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (15.1.1944) Миллати ўзбек. 1916 йил 31 январда Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги Нағзакарон қишлоғида туғилган. 1937 йилда Қизил Армия сафига чақирилган. 1943 йилнинг январидан фронтда. Отлиқ аскарлар взводи командирининг ёрдамчиси, гвардия старшинаси Набиев Гомель вилоятининг Брагин туманини фашистлардан озод этишда мардлик намуналарини кўрсатди. 1943 йилнинг 28 сентябрида автоматчилар гуруҳи билан бирга Днепр дарёсининг нариги қирғоғига ўтиб олиб душманни мустаҳамланиб олган позициядан қувиб чиқарди ва эскадроннинг дарёни кечиб ўтишига имкон яратди.

Набиев урушдан кейин Гиждувонда яшади. Бухоро қишлоқ хўжалиги техникумини тамомлади. 1948 йил КП(б)МК қошидаги Республика партия мактабида таҳсил кўрди. Гивдувон колхозлараро маиший хизмат кўрсатиш комбинатига раҳбарлик қилди. У Ленин, Меҳнат Қизил Байроғи, Хурмат Белгиси орденлари ва бир қатор медаллар билан мукофотланган.

В.Набиев 2000 йилнинг 6 мартада вафот этган.



УСМАНОВ ЖЎРАХОН

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (15.1.1944). 1923 йил 20 августда Ўзбекистоннинг Сирдарё вилоятидаги Сават қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. Ўқчи полкининг взвод командири ёрдамчиси, катта сержант Усманов Гомель вилоятини гитлерчилардан озод этишда қаҳрамонлик кўрсатди. 1943 йил 29 сентябрнинг тунида Лоев туманидаги Карповка қишлоғи ёнида Сож дарёсини кечиб ўтди ва қирғоққа чиқиб олгач душман пулемёт истехкомини яксон қилди. 9 нафар қуролдоши билан қўшимча кучлар келгунга қадар плацдармни ушлаб турди, гитлерчиларнинг 13 та қайта ҳужумларини барбод қилди. Оғир яраланди ва 1945 йилнинг 20 феввалида вафот этди. У она қишлоғи Саватдаги қабристонга дафн этилган.



БАБАЕВ ТҲТАСИН

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (15.1.1944). Миллати ўзбек. 1923 йил 12 январда Ўзбекистоннинг Фарғона вилояти Жонкетмон қишлоғида туғилган. 1942 йил августдан фронтда разведкачи, кичик сержант. Гомель области Брагин райони ҳудудида Днепр учун жангларда матонат кўрсатган. 1943 йил 1 октябрда биринчилардан бўлиб дарёни кечиб ўтди, рота таркибида етти бор душман ҳужумини қайтаришда иштирок этди, эртаси куни «тил» олиб келди, учинчи куни эса бўлинмаси билан душманнинг 4 ҳужумини даф этди, 30 гитлерчини ер тишлатди. Оғир яраланганлигига қарамай жанг майдонини тарк этмади.



АМИНОВ ХАЛЛАК

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган. Совет Иттифоқи Қаҳрамони (15.1.1944). Миллати ўзбек. Бухоро вилоятидаги Искогар қишлоғида 1915 йил 3 майда туғилган. 1941 йил армияга чақирилган. 1942 йил ноябрдан фронтда. 1943 йил 28 сентябрда Гомель области Брагин районида Днепр дарёсини кечиб ўтишда ўзини кўрсатган. Аминов бошчилигидаги бўлинма биринчилардан бўлиб дарёни кечиб ўтиб, плацдармни эгаллади, душман ҳужумларини қайтаришда 20 нафар гитлерчини ўлдирди. Бу эскадроннинг дарёдан муваффақиятли ўтишини таъминлади.

Х.Аминов 1993 йил 7 июнда вафот этган. Урушдан кейин махсус таълимга эга бўлгач, аввал колхозда агроном, кейин раис бўлиб ишлаган у Ленин, Ватан Уруши, Ҳурмат Белгиси ва бир қатор медаллар билан мукофотланган.



АДАШЕВ СОЛИ

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (24.3.1949). Миллати ўзбек. 1923 йили 23 мартда Ўзбекистоннинг Фарғона вилояти Тўда қишлоғида туғилган. 1942 йилдан фронтда. Бўлинма бошлиғи, катта сержант Адашев Могилёв вилоятида душманнинг мудофаасини ёриб ўтишда ўзини кўрсатган. 1944 йилнинг 23 июнида бўлинма жангчилари фашистларнинг қаршиликни енгиб, ортидан қувиб, 20 дан зиёд гитлерчини ер тишлатган. Адашев Могилёв вилояти Шкалов туманидаги Чернёвка қишлоғида тинимсиз ўт отаётган душман пулемётини гум қилди. Бася дарёсини кечиб ўтган бўлинма 14 соат давомида қамал ҳолатида жанг олиб борди. Командир жангни давом эттириш, бўлинмани бошқа қисмлар билан бирикишига эришди. Биринчилардан бўлиб Днепрни кечиб ўтди.

Адашев 1984 йили 2 ноябрда вафот этган. Урушдан кейин Наманган шаҳрида яшаб, йўл таъмирлаш ва қурилиш бошқармасига раҳбарлик қилган. Наманган шаҳридаги кўчаларнинг бири унинг номи билан аталади. С. Адашев шарафига 1987 йилдан бошлаб теннис бўйича анъанавий турнир ўтказилмоқда.



АЗИМОВ РЎЗИ

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (22.7.1944). Миллати ўзбек. 1925 йили 30 сентябрда Қирғизистонинг Ўш вилояти Сузоқ районидagi Чўқатепа қишлоғида туғилган. 1943 йил сентябрдан фронтда. Оддий аскар Азимов 1944 йили 23 июнда Витебск вилоятининг Шумилин районидagi Козоногово қишлоғида душман мудофаасини ёриб ўтиб, хал қилувчи дақиқаларда жангчиларни ҳужумга бошлади ва биринчи бўлиб, гитлерчилар траншеясини эгаллади. У 1944 йил 25 сентябрда олдинги сафларда Ғарбий Двинани кечиб ўтди ва унинг чап қирғоғидagi баландликни эгаллашда иштирок этди. Бу билан Будилово ва Гнездилович қишлоқлари озод этилди.

Р. Азимов 2006 йили вафот этган. Урушдан сўнг у Жалолобод педагогика билим юртини тамомлаган ва партия ва ҳўжалик муассаларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Жалолобод вилояти Чўқатепа қишлоғидagi мактабга Рўза Азимов номи берилган.



БОГДАНОВ АНАТОЛИЙ СЕРГЕЕВИЧ

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (15.5.1946). Миллати рус. 1922 йили 15 январда Қўқон шаҳрида туғилган 1943 йили Борисоглебск учувчилар тайёрловчи билим юртини тамомлади. 1940 йилдан Қизил Армия сафида 1943 йил сентябридан Марказий ва Белоруссия фронтларида жанг қилган. Штрумчилар звеноси командири, катта лейтенант Богданов кунига душманнинг мавжуд кучи ва техникасини аниқловчи парвозлар қилиб Жлобин, Калинин, Мазир, Бобруецк, Осиповични озод этишдagi жангларда мардлик намуналарини кўрсатди. 1943 йилнинг сентябридан 1945 йилнинг февралига қадар жами 116 та жанговар учуш қилиб душманнинг 7 танки, 50 автомашинаси, паровози, 10 темир йўл вагони, 15 қуролини сафдан чиқарди, 15 та ёнгин содир этди. Иркутск шаҳридagi кўчаларнинг бирига унинг номи берилган. Қаҳрамон ўқиган умумтаълим мактаби деворига мемориал тахта ўрнатилган. А.С. Богданов 1954 йил 19 декабрда вафот этган.



ДЕХҚОНБОВ АБДУСАЛИМ

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони.(15.1.1944) Миллати ўзбек. 1906 йили Фарғона вилоятининг Ленинград туманидagi Аширқози қишлоғида туғилган. Колхоз раиси бўлиб ишлаган. 1943 йилдан фронтда. Оддий аскар А.Дехқонбоев Гомель вилоятини гитлерчилардан озод этишда ўзини кўрсатган. У десантчилар гуруҳи таркибида 1943 йилнинг 1 октябрида Лоев туманидagi Глушец қишлоғида Днепр дарёсининг ўнг қирғоғига биринчилардан бўлиб ўтиб олди. Траншеядagi душманга қарата автоматдан ўқ ёғдириб ротани дарёни кечиб ўтишига йўл очди, 40 га яқин гитлерчини ўлдирди. 1943 йил 8 октябрда жангда ҳалок бўлди. Лоев туманидagi Деражичи қишлоғига дафн этилган.



ЖУМАБОВ ТОШМАМАТ

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони.(30.10.1943) Миллати ўзбек. Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида 1924 йил 24 августда туғилган. 1943 йилнинг мартдан фронтда. Бўлинма бошлиғи, катта сержант Жумабоев 1943 йилнинг октябрида Гомель вилоятининг Лоев қишлоғи ёнида Днепр учун жангда мардлик намуналарини кўрсатди. Бўлинма олдинги сафларда дарёни кечиб ўтиб душман траншеясини эгаллади, плацдармда маҳкам ўрнашиб олиб гитлерчиларнинг ҳужумларини қайтариб туришга эришди.

Т.Жумабоев 1995 йил 9 январда вафот этди.



ИВЛИЕВ ЮРИЙ ДМИТРИЕВИЧ

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (26.10.1944). 1923 йилнинг 17 апрелида Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Миллати рус. 1943 йилдан КПСС аъзоси. 1942 йили Чкаловск авиация мактабини тамомлаган. 1940 йили Қизил Армия сафига чақирилган. 1942 йилдан Ғарбий ва 2-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Штурмчи авиаэскадрилья командири, капитан Ю.Д. Ивлиев душманнинг техника ва ҳаракатдаги кучларини яқсон қилувчи 120 та жанговар парвоз қилган. Могилёв, Минск, Гродно шаҳарларини озод этишда мардлик намуналарини кўрсатган.

Ю.Д. Ивлиев 1945 йил 11 февральда халок бўлган. У Гродно шаҳрида дафн этилган. Гродно ва Тошкентда унинг номи билан аталган кўчалар бор.



ИЛЬИН СТЕПАН ПЕТРОВИЧ

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (30.10.1943). Миллати рус. 1915 йили 2 августда Қозоғистоннинг Кўкчетав вилоятидаги Володарское қишлоғида туғилган. 1942 йилнинг апрелидан Ғарбий, Марказий ва Беларус фронтларида жанг қилган. Гомель вилоятининг Лоев қишлоғида Днепр дарёсини кечиб ўтишда ўзини кўрсатган. 1943 йил 14 октябрь куни тунда сапёрлар бўлинмасининг командири, катта сержант Ильин душман ўқлари остида пулемётдан ўт очиб жангчиларни гитлерчилар траншеясини эгаллашларига имкон яратди.

1946 йили демобилизация қилинди. Урушдан кейин Тошкент шаҳрида яшади. 1960 йили мелиоратив техникумини тамомлади. Тошкентдаги гидротехникумда меҳнат қилди. 1993 йилнинг 2 ноябрида вафот этди. Тошкентдаги ҳарбийлар қабристонининг Қаҳрамонлар ҳиёбонига дафн этилган.

Ильин Ленин, Ватан уруши орденлари ва бир қатор медаллар билан мукофотланган.



ЭШОНҚУЛОВ АБДУСАТТОР

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (18.8.1945). Миллати ўзбек. Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида 1917 йил 12 декабрда туғилган. 1944 йилда 4-Украина, 2-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Штурмчи авиаполк звеносининг командири сифатида катта лейтенант Эшонқулов 100 марта жанговар парвоз қилиб, душманнинг 10 та танки, 69 авиамашинаси, 43 та сув аравачалари, анжомлари, 2 та паровоз ва бошқа техникаси ҳамда 500 нафарга яқин гитлерчини йўқ қилди. 1944 йили 24 июнда Могилёв вилоятини озод этиш учун бўлган жангларда унинг раҳбарлигидаги 4 та штурмчи самолётлар группаси Сухари қишлоғи ёнида душманнинг танклар колоннасига ҳужум қилиб 11 та танкни йўқ қилди ва 2 та танкни ёндириб юборди.

Урушдан кейин қаҳрамон армияда хизматни давом эттирди. Майор Эшонқулов 1960 йилда истеъфога чиқиб Тошкентда яшаган. 1997 йили 2 январда вафот этган. А. Эшонқулов Ленин, Қизил Байроқ, Ватан уруши, Қизил Юлдуз орденлари ва бир қатор медаллар билан мукофотланган.



ҚАЛДИҚАРАЕВ ЖУМАГАЛИ

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (15.1.1944). 1922 йили Қорақалпоқ АССРнинг Хўжайли туманида деҳқон оиласида туғилган. Миллати қozoқ. Колхозда тракторчи бўлиб ишлаган. 1941 йилдан фронтда. Танкка қарши қирувчи дивизиянинг гвардиячи бронейошиги, гвардиячи оддий аскар Қалдиқараев Полесс вилоятини озод этишда ўзини кўрсатди. 1943 йил 27 сентябрда Комарино қишлоғи ёнида Днепр дарёсини душман ўқлари ёғилиб турган бир пайтда биринчилардан бўлиб кечиб ўтди. Тун қоронғулиги остида қўлида гранаталар боғламини маҳкам ушлаб душман траншеяси ёнига ўрмалаб борди ва гитлерчиларининг таянч пунктини эгаллади. Бу билан у бутун ротани Днепр дарёсини муваффақиятли кечиб ўтишини таъминлади.

1944 йили 14 январдаги жангда халок бўлди. У Гомель вилоятининг Мозирь шаҳридаги совет жангчиларининг биродарлик қабристони-га дафн этилган. Хўжайли шаҳридаги мактаблардан бирига унинг номи берилган.



ҚОСИМХЎЖАЕВ САИДУСМОН

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (16.10.1943). Миллати ўзбек. 1915 йили 15 майда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги Қавардан қишлоғида туғилган. 1941 йилдан Марказий ва 1-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Взвод командирининг ёрдамчиси, сержант Қасимхўжаев Гомель вилоятининг Брагин туманида Днепр дарёсининг ўнг соҳилида баландлик учун жангларда қаҳрамонлик кўрсатган. 1943 йили бир гуруҳ аскарлар билан душман мудофаасини ёриб ўтиб, гитлерчилар таянч пунктига ҳужум қилди. Босқинчилар ўртасида парокандалик содир бўлди ва бу полкнинг белгиланган вазифани бажаришини таъминлади.



### Маҳмудов Рожан (Равшан)

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (15.1.1944). 1925 йили Ўзбекистоннинг Самарқанд вилояти Сиёб қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. ВЛКСМ аъзоси. 1943 йилдан фронтда. Оддий аскар Р.Маҳмудов Полесс вилояти Комаринск туманида Днепрни кечиб ўтиш чоғида мардлик намуналарини кўрсатди. 1943 йил 27 сентябрда душман ўқлари ёмғири остида биринчилардан бўлиб Днепр дарёсини кечиб ўтди. Плацдарм учун ҳужумни бошқарди, душманнинг 10 дан ортиқ ҳамласини қайтарди, 13 та гитлерчинини ер тишлатди. Шу жангда қаҳрамонларча ҳалоқ бўлди.

Самарқанд шаҳридаги кўчалардан бирига Р. Маҳмудов номи берилган.



СТАНКЕВИЧ ГЕМЕЛ МИХАЙЛОВИЧ

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. (27.6.1945) 1924 йил 8 мартда Беларуссиянинг Могилёв вилояти Бихов туманидаги Селиба қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 1941-1942 йилларда Ленинград шаҳридаги «Электрик» заводида ишлаган. 1943 йилдан Қизил Армия сафида. 1944 йили Харьков танк билим юртини тамомлади. 1944 йилдан фронтда. III Танк бригадаси взвод командири (1- Украина фронтининг 25- танк корпуси), кичик лейтенант Станкевич Губен учун жангларда қаҳрамонлик кўрсатди. 1945 йил 24 февралда унинг раҳбарлигидаги танк взводи душманнинг мудофаасини ёриб ўтиб биринчи бўлиб шаҳарга кирди. Тўрт кун давом этган жангларда душманнинг учта ускунаси, 2 танк, 4 пушка, 3 миномётини ишдан чиқарди ва 180 га яқин аскарини йўқ қилди.

Урушдан сўнг Совет Армияси сафида хизматни давом эттирди. 1951 йили истеъфога чиқди ва Тошкент шаҳар ИИБ да хизмат қилди. 1962 йил 5 январда вафот этди. Бихов шаҳридаги кўчалардан бири Г.Станкевич номи билан аталади.



ТАСКУЛОВ КАНИЛБАЙ (КЕНИЛБАЙ)

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. (30.10.1943) 1922 йилнинг 15 августида Ўзбекистоннинг Тошкент вилоятидаги Оқсоқ Ота қишлоғида туғилган. Миллати қозоқ. 1942 йилдан фронтда жанг қилган. Разведкачи, оддий аскар Тасқулов Гомель вилоятини фашистлардан озод этишда мардлик намуналарини кўрсатди. 1943 йил 15 октябрда десантчилар гуруҳи билан Лоев туманида Днепрни кечиб ўтиб душманга автоматдан ўт ёғдирди ва гуруҳни плацдармда мустаҳкамланиб олиши ва шу билан бирга полк қисмларининг дарёни муваффақиятли кечиб ўтишларига ўз ҳиссасини қўшди.

Урушдан сўнг истеъфодаги лейтенант Тасқулов Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Чаҳчам қишлоғида яшаб, совхозда бригадир бўлиб меҳнат қилди. 1989 йил 15 июлда вафот этди. У Ленин, Ватан уруши орденлари ва бир қатор медаллар билан мукофотланган.



ТОПИВОЛДИЕВ МАМАДАЛИ

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. (5.9.1944) 1919 йил 20 сентябрда Ўзбекистоннинг Фарғона вилояти Пандигон қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1939 йили Қизил Армия сафига чақирилган. 1941 йилдан фронтда жанг қилган. 1942 йилнинг 30 июлидан Могилёв вилоятидаги партизанлик отряди бирикмасидаги 5-разведка бўлинмаси командири. 1944 йили гитлерчилар чекинаётганда партизанлик бўлинмалари билан биргаликда Круглян туманидаги йўл ва кўприкларни миналаштирди, полиция гарнизонини қўлга олди ва қуролсизлантирди.

Топиволдиев демобилизациядан сўнг она қишлоғи Пандигонга келиб колхозга раҳбарлик қилди. 1969 йили фожиали ҳалок бўлди. У Ленин, Меҳнат Қизил Байроғи, Ҳурмат Белгиси орденлари ва бир қатор медаллар билан тақдирланган.



ТЎРАЕВ ЖЎРАҚУЛ

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. (29.3.1944) 1922 йил 20 мартда Ўзбекистоннинг Жиззах вилоятидаги Калия қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1941 йилнинг декабридан фронтда жанг қилган. Қуролдан нишонга олувчи, кичик сержант Тўраев Гомель вилоятини озод этишда ўзини кўрсатди. 1943 йил 21 январда Октябрь тумани Гороховиши қишлоғидаги тепалик учун жангларда 5 душман танкини яқсон қилди. Оғир яраланганлигига қарамай душман танклари ва автоматчиларига қарши жангни тўхтатмади. Жами 14 танк, 4 усқунани яқсон этди, душманнинг деярли бир батальонини йўқ қилди.

Урушдан кейин Подольск Артиллерия билим юртини тамомлади. Майор Тўраев 1953 йили истефога чиққач Жиззах тумани партия ташкилотида инспектор, кейинчалик шаҳар маиший ҳизмат кўрсатиш комбинатида директор бўлиб ишлади. У Ленин, Ватан уруши орденлари ва бир қатор медаллар билан мукофотланган. 1998 йили вафот этган.



УМУРДИНОВ МУХИТДИН

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (4.6.1944). 1912 йилнинг 10 апрелида Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятидаги Бойистон туманида туғилган. Миллати ўзбек. 1937 йилда Қизил Армия сафига чақирилган. 1942 йилнинг январь ойидан фронтда. Взвод командирининг ёрдамчиси, катта сержант Умурдинов Орель шаҳри яқинидаги жанглар ва Могилёв вилоятини босқинчилардан озод этишда мардлик намуналарини кўрсатган. 1944 йилнинг 21 февралда Гомель вилоятининг Рогачёв шаҳридан шимолий-шарқда Днепрни кечиб ўтишда жангчилар билан илдам ҳаракат қилиб, дарёнинг қирғоғига чиқиб олди ва душман плацдарминини эгаллаб, бир сутка давомида гитлерчиларнинг ҳужумларини қайтариб турган, сўнгра ўзи ҳужумга ўтиб босқинчиларни чекинишга мажбур қилган. Могилёв вилоятидаги Бихов шаҳри остонасидаги жангларда оғир яраланди.



Урушдан сўнг қишлоғига қайтиб колхозда меҳнат қилди. Умурдинов номидаги кўча ва мактаб бор. У Бихов шаҳрининг фахрий фуқаросидир. Қаҳрамон Ленин, Ватан уруши, Қизил Байроқ орденлари ва бир қатор медаллар билан мукофотланган. 1981 йилнинг 21 майида вафот этган.



ХҲЖАЕВ ЭРНАФАС

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. (24.3.1945) Миллати ўзбек. 1916 йили Ўзбекистоннинг Бухоро вилоятидаги Кокиштуван қишлоғида туғилган. 1941 йилдан фронтда жанг қилган. Взвод командирининг ёрдамчиси, старшина Ходжаев Беларуссияни озод этиш жангларида ўзини кўрсатган. 1943 йилнинг 23 июль куни бўлиб ўтган Большие Тыневичи қишлоғи учун жангларда ҳалок бўлган взвод командири ўрнини эгаллаб, душман билан қўл жангида матонат кўрсатди. 1944 йил 13 ноябр кунги жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Малая Турка қишлоғига дафн этилди.

Ромитон туманидаги қишлоқларнинг бирига, Ромитон шаҳрига Э. Ходжаевга бюст ўрнатилган. Мактабларнинг бирига унинг номи берилган.



ХУШНАЗАРОВ САПАР

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. (15.1.1944) Миллати ўзбек. Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоятидаги Ингичка шаҳарчасида 1906 йили туғилган. 1942 йилнинг октябридан фронтда жанг қилган. 61 армиянинг 81-ўқчи дивизияси, 467-ўқчи полкининг жангчиси, оддий аскар Хушназаров 1943 йилнинг 2 октябрида рота таркибида Днепр дарёсини Гомель областининг Лоев тумани Глушец қишлоғидан кечиб ўтди. Батальонни дарёдан ўтиб бўлишига имкон яратиб, душмanning 7 марта уюштирган ҳужумини барбод қилди, шахсан ўзи 35 фрицни ер тишлатди. Жангда олган жароҳатларидан 1943 йил 7 октябрь куни ҳалок бўлди. У Черниговск вилояти (Украина) Семаки қишлоғига дафн этилган.

Самарқанд вилоятидаги Оқтош ва Каттақўрғон туманларига унинг бюсти ўрнатилган. Каттақўрғон шаҳри ва Ингичка шаҳарчасидаги кўчаларга С. Хушназаров номи берилган.



ШАИМОВ ШАДИ

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. (24.3.1945) Миллати ўзбек. 1925 йили Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз районидаги Арабон шаҳарчасида ҳунарманд оиласида туғилган. Миллати ўзбек. ВЛКСМ аъзоси. 1944 йилдан фронтда. Автоматчи оддий аскар Шаимов Беларусия ҳудудидаги Днепр дарёсини кечиб ўтишдаги жангларда мардлик намуналарини кўрсатган. 1944 йил 27 июльда душман ўт ёғдириб турган лаҳзаларда Могилёв ёнидаги дарёдан биринчилардан бўлиб кечиб ўтди ва бутун кун давомида душманныннг ҳужумларини қайтариб турди. Плацдарм учун қўл жангида 15 гитлерчини ўлдирди. Шу жангда яраланиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди. У Могилёв тумани Дашковка қишлоғидаги биродарлик қабристонига дафн этилган.

Шаҳрисабз шаҳрида Ш. Шаимовга бюст ўрнатилган. Шаҳардаги кўчалардан бири ва мактаб унинг номи билан юритилади.



ЎҚУБОВ ҒУЛОМ

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. (14.3.1945). Миллати ўзбек. 1915 йили Андижон вилояти Асака туманидаги Мирзаобод қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилган. Урушгача кичик офицерлар тайёрлаш курсини тамомлаб фронтга кетган.

1944 йил 26 июнь куни тунда 169-ўқчи дивизияси (3-армия, Беларусия fronti) 556-ўқчи полкининг капитани Якубов бошчилигидаги автоматчилар ротаси душманга чалғитувчи зарба бериш учун, гитлерчилар мудофасини ёриб ўтиб, Могилёв вилоятининг Бихов туманидаги Лудчини қишлоғига кирдилар. Полкнинг бошқа қисмларидан ажраб қолган рота ўзидан бир неча маротаба кучлироқ душман ҳужумларини қайтарди, жуда кўп қурбонлар берилди, аммо қўлга киритилган ҳудуддан чекинмади, берилган жанговар топшириқни бажарди, афсуски бу жангларда капитан Якубов ҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлди. У шу жойнинг ўзидаги Лудчини қишлоғига дафн этилди.

Минск ва Биховда андижонлик йигит Ғуломжон Якубов номи билан аталадиган кўчалар бор. Андижондаги Қаҳрамонлар хиёбонида, Асака шаҳридаги Ғуломжон Якубов номидаги Хотира хиёбонида унга бюст ўрнатилган.



ЎҚУБОВ ОСМОН

Иккинчи жаҳон урушида Беларусни озод этишда иштирок этган, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. (22.7.1944). Миллати қирғиз. 1911 йили Андижон вилоятидаги собиқ Москва туманидаги Найман қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ўш вилоятида коллективлаштиришда иштирок этган (1928 йилги). 1940 – 1941 йиллари Фарғона канали қурилишида меҳнат қилди. 1942 йилдан фронтда. У 1 - Болтиқбўйи фронтларида Сталинград, Ленинград остонасидаги жанглар иштирокчиси. Гвардиячи ефрейтор, автоматчи О.Ўқубов Витебск вилоятининг Сиротин туманини озод этишда қаҳрамонлик кўрсатган. 1944 йил 22 июльда Орехи қишлоғи остонасидаги қақшатғич жангларда душман траншеясига ёриб кирди ва взодни яқсон қилди. Шу жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

О. Ўқубов Шумилин туманидаги Тропино қишлоғига дафн этилган. Андижон вилоятининг собиқ Москва тумани, собиқ «Ленинизм колхози»да қаҳрамонга бюст ўрнатилган. Райондаги 47 мактабга О.Якубов номи берилган.

*Давоми келгуси сонда*